



# ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

Халқаро Амир Темур жамғармаси

ТЕМУР  
ТУЗУКЛАРИ

367465

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2005

*Форсча матидан Алихонтўра Согуний ва  
Ҳабибулла Кароматов таржимаси.*

*Изоҳлар Бўрибой Аҳмедов томонидан тайёрланган.*

*Сўзбоши муаллифи ва масъул мухаррир –  
Муҳаммад Али.*

Т—39

**Темур тузуклари / Сўзбоши муаллифи ва масъул мухаррир М. Али, форчадан тарж. А. Соғуний ва Ҳ. Ка-роматов. – Т.: «Шарқ», 2005. – 160 б.**

**ББК.63.3(0)5**

Карши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда  
«Темур тузуклари» ёзилганинг 600  
йиллигига багишланади.

## Буюк обидага эҳтиром

**“Темур тузуклари” китобининг ёзилганига  
олти юз йил тўлди**

### I

Амир Темур Кўрагон тарих майдонида жавлон урган жаҳоншумул сиймолардан биридир. Биз унинг тарихига, фавқулодда шахсига, авлодлари фаолиятига қайта-қайта мурожаат қиласерамиз. Тарихга юз буриб, қайси йўллардан юрмайлик, қачон бўлмасин, қаерда бўлмасин, йўлимиз айланиб барибир ушбу мўътабар зот хузурига олиб келаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган оташин нутқида бундай деган эди: «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-кудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак!» Бебаҳо сўзлар! Такрор таъкидлаш жоизки, Амир Темурни бизга қайтариб берган, бу борада хормай-толмай ҳақни қарор топтирган зот Президент Ислом Каримов бўлади. Ушбу улуғ хизматлари учун халқимиз ундан беҳад миннатдордир. Вактлар келадики, авлодлар хали соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг ҳар бир кунини, ҳар бир лаҳзасини битта ҳам қолдирмай чуқур ўрганиб чиқадилар. Бунга бирор мажбур этмайди, балки бу кўнгил эҳтиёжи, ҳаёт заруратига айланади.

Соҳибқироннинг суронли даврини англаш етишда у ҳақда ёзилган ва ёзилаётган асарларнинг аҳамияти бе-

нихоя каттадир. Бу борада, айниқса, бевосита унинг номи билан боғлиқ, унинг ўзи қоғозга туширган “Тузуклар”-нинг бебаҳо манба эканлиги кундан ҳам равшан. Ушбу ёдгорлик Амир Темур шахсияти ва унинг даври ҳақида, давлат тузилиши ва салтанат юритиш хусусида, ўша давр оби ҳавоси, умуман одамлар аро муносабатлар тўғрисида кенг тасаввур бера оладиган ноёб дурдона асадир. Амир Темур салтанати, таъбир жойиз эса, соҳибқироннинг ижоди эди, ана шу салтанат бобомизнинг машакқатли меҳнати билан бўй кўргизди, унинг қонунлари ҳаётий зарурат юзасидан дунёга келди, “Темур тузуклари” эса барчасининг ёрқин ифодаси сифатида пайдо бўлди. Ҳа, чиндан ҳам “Темур тузуклари” замон зарурати ва талаби билан яратилгандир. Буни албатта салтанат тузган, давлат бошқариш захматларини ўз бошидан кечириб, бу борада улкан тажрибалар ортирган, машхур муаррих Низомиддин Шомий сўзи билан айтганда, “камолоту мартабаларга ўзининг етук саъй-харакати ва жидду жаҳди билан эришган” Амир Темур сингари одамгина ёза олади, бу ҳақда китоб ёзиш шундай одамнинг гина кўлидан келади. Бу ерда шубҳа бўлиши мумкин эмас. “Темур тузуклари”ни мутолаа қилганда, унинг муаллифи нечоғлик юксак маънавият соҳиби эканлигининг шоҳиди бўламиз.

Ушбу нодир асар муносабати билан тадқикотлар олиб боришган олимларимизнинг билдириган ўринли мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, асарнинг асил туркий нусхасини излаб топиш, кейинчалик кўчиришда котиблар томонидан киритилган “таҳрир” лардан тозалаш, “Темур тузуклари”, “Тузуки Темурий”, “Тузукоти Темурий”, “Малфузоти Темурий”, “Қиссан Темур”, “Темур қиссаси”, “Зафар йўли”, “Таржимаи ҳол” каби турлича номланиб келаётган нусхаларни бир-бирига муқояса этиб, асарнинг танқидий матнини яратиш темуршунослигимиз олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

## II

Амир Темурнинг тарихий асарлар ва уларнинг ёзишлишига муносабати, ҳаққоний бўлишига талабчанлиги таҳ-



синларга лойиқдир. Бу катта билимга эга бўлган, донишманд ва зукко инсоннинг муносабатидир. Шу жиҳатларга назар қилганда кўз өлдимиизда донишманд, закий инсон, теран ҳаётий тажриба соҳиби бўлган, келажак авлодларни ўйлаган, она юрт, мулку миллат учун куйибёнган заҳматкаш инсон сиймоси туради.

Маълумки, Амир Темур милодий 1401 йилнинг 11 августида Низомиддин Шомийни ўз хузурига чақириди. Тарихчи бу хақда шундай ёзади: "...Гарчи ул зот қилган ишларининг бу абадиятга улантур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар (улар, чамаси, анчагина бор, улар ичидаги "Тузуклар" ҳам бўлиши мумкин, лекин, афсуски, тарихчи ўзи фойдаланган асарлардан бирортасининг ҳам номини келтирмайди – М.А.) ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан; бу бандада уларни йифиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлгаймен, лекин шу шарт биланки, такаллуфу безак бериш, лоф уриш зийнатидан ўзимни тийгаймен..."<sup>1</sup>

Бу ерда соҳибқироннинг ўзи ва салтанати борасида ёзилажак асарга муносабати, асар қандай ёзилиши ҳақида тасаввури жуда равshan, талаби эса юксак эканлиги аён бўймокда. Яъни, соҳибқирон давлати тарихи ёзилганда ортиқча такаллуфларга, лофу мактовларга ўрин бўлмаслиги керак... Ҳамма нарса фақат ҳаққоний ёзилсин... Шомий соҳибқирон сўзларини кўллаб-куватлаб: "Яхши ва равон сўз улдирким, авом ҳалқ унинг маъносини англафай, хос кишилар унга айб қўймафай.." дейди. Соҳибқирон билан муаррихнинг фикрлари бир жойдан чиқади. Амир Темурнинг: "Мен ана шундок сўзни хоҳлаймен!",<sup>2</sup> дея маъқуллаши бафоят ибратлидир.

Муаррихга, нима учун асар содда ёзилиши кераклигини тушунтирганда соҳибқирон, унинг жимжимадорликдан ҳоли, содда бўлишини, чунки у кенг авом, ҳалқ учун битилишини, кўпчилик томонидан ўқилишини на-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. "Зафарнома". Т., 1996, 22-бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги китоб, 23-бет.





зарда тутади: “Шу услубда ёзилган, ташбих ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўргада йўқолиб кетади, – дейди Амир Темур. – Агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди...”<sup>3</sup> Бу сўзлар Амир Темурнинг умуман китоб аҳамиятини, илмни, тарихни қанчалар қадрига етишини, чуқур англашини кўрсатиб турйди.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си соҳибқирон ва унинг давлати ҳақида бевосита Амир Темур топшириғи билан ёзилган куттуғ икки китобнинг бири эди, биринчиси Фиёсиддин Алиниң “Ҳиндистон фазавоти кундалиги” хисобланади. Ҳар икки китоб ҳам Амир Темурнинг назаридан ўтган ва маъқулланганлиги маълум. Фиёсиддин Алиниң ёзишича, ушбу биринчи китобнинг битилиши ҳақида ҳумоюн ўрдудан маҳсус фармон чиқкан бўлиб, унда тарих учун жаҳонгирнинг зафарли юришларидан айримлари таърифланиши, кейин Ҳиндистон юриши тасвирланиши лозимлиги айтилади. Ўшанда ҳам Фиёсиддин Али олдига услубда баландпарвозликка берилмай, содда, ҳамма тушунадиган тилда ёзиш шарт қилиб қўйилади...<sup>4</sup>

### III

“Сўз қоида-қонуни” ҳақида теран фикр юритган Амир Темур бевосита ўзи китоб ёзганда бунга қатъий амал қиласи ва шундай қатъият билан “Тузуклар” иншосига киришади. Шуни айтиш лозимки, асар узоқ йиллар давомида қоғозга туширилган, вакт ўтиши билан бошланган матнга қайтилган, қисқартирилган, тўлдирилган, яна давом этдирилгандай таассурот қолдиради кишида. Араб олими Мазҳар Шихобнинг қуйидаги: “Эсдаликлар ёзиши Амир Темур ҳокимиятга келишидан анча муддат олдин бошлаган..”<sup>5</sup> деган сўзларида жон бор кўринади.

<sup>3</sup> Юкоридаги китоб, 23-бет.

<sup>4</sup> “Тамерлан”. М., 1992. Стр. 193.

<sup>5</sup> У.Уватов. “Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида”. Т., 1997, 133-бет.



Эҳтимол, сохибқирон ўзи ва салтанати тарихини, тўратузукларни қофозга туширишни бировга топширишни истамаган ёки бирон кишини шунга муносиб кўрмаган... Ўхшаш вазият кейинроқ машхур давлат арбоби ва муаррих Абулғозий Баҳодирхон билан ҳам юз берган эди, у миллат учун бафоят мухим “Шажарайи турк” асарини ўзи ёзишга мажбур бўлган эди. Бу ҳакда Абулғозий асар сўзбошисида шундай сўзларни келтиради: “Бу тарихни (яъни, “Шажарайи турк” назарда тутилмоқда — М.А.) бир кишига таклиф қиласи теб фикр қилдуқ. Ҳеч муносиб киши топмадуқ. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдуқ. Туркнинг масали турур: “Ўксиз ўз киндигин ўзи кесар”, теган...”<sup>6</sup>

“Темур тузуклари” буюк бобомизнинг жасоратларидан бири эди. Мұхтарам зотнинг кўпдан кўп давлат ишлари тургани ҳолда, фурсат топиб, маданиятимизнинг кўрки бўладиган китоб ёзишдек бир заҳмату машаққатни ҳам ўз зиммасига олганлиги ҳайратланарлиқдир. “Ўз киндигин ўзи кесган” сохибқирон китобини авлодлар учун ёзаётганини жуда яхши англайди. Бу бежиз эмас. Асрлар давомида асарнинг тиллардан тилларга таржима этилаётгани ва кенг тарқалаётгани, унинг устида турли тилларда тадқиқотлар олиб борилаётгани “Темур тузуклари”нинг ҳаётий ва ҳаққоний оригинал асарлигини, инсоният учун зарур эканлигини исбот қилиб турибди. Чунки Амир Темур яшаган давр, унинг қизғин фаолияти, мана салкам етти юз йил ўтаётирки, жаҳонда ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, балки оҳанрабодай ўзига тортади, қизиқиш эса тобора кучайиб бормоқда.

#### IV

Ҳаётий ҳикматларга тўла “Темур тузуклари”нинг ноёб маърифий обида эканлигидан ташқари, Амир Темур сиймоси, саъжияси, рухияти, табиати, бир сўз билан айтсак, бой шахсияти ва инсонийлиги ҳақида берган таърифлари жуда мухимдир. Амир Темур “Тузуклар”да адолатни ҳимоя қилгувчи, сўзи билан иши бир, олийжа-

<sup>6</sup> Абулғозий. “Шажарайи турк”. Т., 1992, 11-бет.

ноб, кечиримли, довюрак, кўркмас, зўр тадбирлар соҳиби, моҳир саркарда, улуғ раҳбар сифатида намоён бўлади.

У золимлардан мазлумлар ҳаққини олишда жонбозлик кўрсатади, чунки яхши билади: мамлакат куфр билан туриши мумкин, аммо зулмга чидай олмайди. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм еткизганини эшитса, уларга нисбатан дархол адолату инсоф юзасидан чора қўради. Яхшиларга яхшилик қилади, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширади... Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўяди, фактади бир улушкининг қиличга қолдиради. "...Фаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг тузини ҳалоллаган бўлади," — дейилади "Тузуклар"да. Амир Темур фикрича, ўз юртининг тузини ҳалоллаган навкар, у душман навкари бўлса ҳам, ҳурматга сазовор! Чунки, у ўз юртини ҳимоя қилди! Бирон навкар туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, савашиш вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, Амир Темур этагини тутмоқчи бўлса, соҳибқирон уни ўзига энг ёмон душман деб билади... Булар соҳибқироннинг энг танг вазиятларда ҳам адолат ва инсофни биринчи ўринга қўйишига ёрқин мисоллардир.

Соҳибқирон очиқ юзлилиқ, раҳму шафқат билан халқни ўзига ром этишни яхши биларди. Хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, қўрқитиш, тушунтириш йўли билан ундиришни тайинларди. Ҳамиша раият аҳволидан огоҳ эди, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрарди. Соғдил кишилар, сайийлар, олимлар ва фозилларга даргоҳи доим очиқ эди. Ҳамиша адолатга талпиниб яшар, жабру зулмдан узокрокда бўлишга интиларди. Бирон кимсанинг ҳаққи бўлса уни асло унумасди. Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмасди. Кўнгли бузук, ҳимматсиз кимсаларни мажлисига асло йўлатмас, балки мажлисларида кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишилар сухбатидан баҳраманд бўларди... Чинакам дўст ҳақидаги қўйидаги сўзлар ҳам халқимиз акл-идроқининг теранлигидан хабар беради: "Чин дўст улдирки, — дейди Амир Темур. — Дўстидан



хеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қиласди..."

"Темур тузуклари" ана шундай фалсафий умумлашмалар, ҳаётини хуносаларга бой қомусий асардир.


## V

Тарихимизнинг дурдоналаридан бирини ҳалқ орасида кенг тарғибу ташвиқ этишда жонбозлик кўрсатган олимларимизга миннатдорчилик билдириш ўринлидир. Мустамлакачилик йилларида академик И.Мўминов "Тузуклар"нинг Н.Остроумов нашри (1894) факсимилесини эълон қилдирди (1968), Алихонтўра Соғуний ушбу нодир асарни она тилимизга таржима қилиб "Гулистон" журналида (1967) чоп этдирди. Бу "Темур тузуклари"-нинг шўролар даврида амалга оширилган биринчи таржимаси эди. Ушбу қадамлар Амир Темур номи қатағон қилинган даврлардаги чинакам жасорат намуналари сифатида қадрланишга лойикдир.

Мустақиллик йилларида "Темур тузуклари"ни ўрганиш, нафақат аслиятда, балки бошқа тилларда ҳам чоп этишда жиддий ишлар олиб борган олимларимиздан бири академик Бўрибой Ахмедов бўлди. У асарнинг 1991, 1996 йиллар нашрларига батафсил сўзбошилар ёзди, атрофлича изохлар илова қилди...

Асомиддин Ўринбоев, Ҳабибулла Кароматов, Ҳамидулла Кароматов, Ашраф Ахмедов, Омонулла Бўриев, Ҳайдарбек Бобобеков, Ҳалим Бобоев, Ахмаджон Куронбеков сингари заҳматкаш олимларимиз ҳам илмий тадқиқотлар яратдилар ва таржималарини эълон қилдилар. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Пиримкул Қодировнинг бу борадаги сермазмун мақола ва эсселари ўкувчиларда катта қизиқиш уйғотмокда...

Маълумки, "Темур тузуклари" икки мақоладан иборат. Биринчи мақола сохибкiron ҳаётининг энг эътиборли воқеаларидан ташкил топди, улар тарих хужжатларига айланганликлари билан қадрлидир. Қисқа, содда, тушунарли тилда иншо этилган воқеалар ўкувчиларнинг турли табақаларига бирдай англашиларлидир. Мухими, бу воқеалар Фиёсиддин Али, Низомиддин Шомий,



Шарафиддин Али Яздий асарлари сингари ишончли манбалардаги воқеаларга мос келади. Иккинчи мақола эса давлат қонунларидан, яъни тузуклардан ташкил топди. Бу тузуклар салтанатнинг барпо бўлиш йўлида, ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарган ҳаётбахш қонунлар мажмуси эдики, улар бугунги кунда ҳам улкан аҳамиятга эгадир.

Биринчи мақола қуйидаги сўзлар билан якунланади: “Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим...” Бу сана милодий 1404 йилнинг куз ойларига тўғри келади. Демак, буюк обидамиз бўлган “Темур тузуклари”нинг ёзилганига олти юз йил тўлди. Бу маданиятимиз тарихида катта ҳодисадир.

Соҳибқирон қалами билан иншо этилган “Темур тузуклари” ёшлар қалбига бемисл фуур жойлаб, уларни чинакам инсон қилиб етиштиришда, қўрқмас ва довюрак, ақлли ва ватанпарвар сифатида тарбиялашда бебахо бир мактаб вазифасини адo этади.

Бу мактабда ҳали не-не авлодлар сабоқ олишларига асло шубҳа йўқ.

*Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчisi*

2004 йил, ноябр.  
Тошкент.

**ТЕМУР  
ТУЗУКЛАРИ**

# *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

## *Биринчи мақола*

### **ТАДБИРЛАР ВА КЕНГАШЛАР**

Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузокқа тушириш, мухолифларни (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-дushman орасида муомала, муросаю мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни кўлладим.

Пирим<sup>7</sup> Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким: “Абулмансур<sup>8</sup> Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) (ўзинг билан) кенгаш<sup>9</sup>; 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла; 3) хушёрги тушириш; 4) эҳтиёткорлик қил. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жохил одамга қиёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шун-

<sup>7</sup> “Пирим” – асарнинг Бомбей нашрида китоб хошиясида хурросонлик Зайниддин Абубакр Тойбодий номи кўрсатилган. Хофизи Абрўнинг “Зубдат ут-таворих” асарида 782/1381 йил воқеалари баёнида Амир Темурнинг Хуросонга юриши пайтида у билан учрашуви тўғрисида ҳикоя қилинади; Муаррих Фасих Ҳавофийнинг (XVаср) “Мужмале Фасихий” асарида ҳам Амир Темурнинг у билан 1381 или Хирот яқинида учрашгани айтилган. Зайниддин Абубакр Тойбодий хурросонлик йирик шайх ва шайхулислом; Амир Темурнинг эътиқод қўйган пирларидан. Тойбодий 1389 йил 29 январида вафот этган. Ҳозирги вактда Эроннинг Хуросон вилоятида, Афғонистон билан чегара минтақасида Тойбод номли шахар мавжуд.

Амир Темурнинг ёшлиқданоқ машхур дин уламолари ва шайхларга эътиқоди баланд бўлғанлиги назарда тутилса, унинг ҳали салтанат тепасига келмай туриб жуда кўп шундай сиймолар, хусусан, хурросонлик шайх билан таниш эканлигини тахмин қилиш мумкин.

<sup>8</sup> Абулмансур – лугавий маъноси: зафарманд (ғалаба қозонувчи) – уламо ва машойих тарафидан Амир Темурга берилган фахрли ном.

<sup>9</sup> “Темур тузуклари”да “Кенгаш” сўзи икки маънода келган: 1. Ўзича ўйламоқ ва қарор қабул килмоқ. 2. Бошқалар билан маслаҳатлашмоқ.



дай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан.

Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. [Хуллас] тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жойиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлилик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижаот билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом".

Бу мактуб менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англатди. [Донишмандлар] демишларким, ўз ўрнида қўлланган тадбир билан кўплаб лашкарнинг қиличи ожизлик килган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж аскарларни енгиб бўлур.

Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижаотли бир киши, мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради.

Мен яна тажрибамда кўрдимки, ғаним лашкарини енгиш қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир. Чунончи, мен кенгашган ва тадбир юритган ҳолда икки юз қирқ уч киши билан Қарши қалъаси устига юрдим. Амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг<sup>10</sup> отлик аскар билан қалъа ва унинг атрофини кўриқламоқда эдилар. Лекин Тангри таолонинг ёрдами етиб, ўзим қўллаган тўғри тадбирларим орқали Қарши қалъасини эгалладим.

Шундан сўнг Амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг отлик аскар билан устимга бостириб келиб мени Қарши қалъасида қамал қилдилар. Мен Тангрининг мадади ва иноятига ишониб, тадбиркорлик ва эҳтиёткорлик ишлатган ҳолда қалъадан чиқдим ва қулай фурсат топиб бир неча марта жангга кирдим. Пировардида шу икки юз қирқ уч йигитим билан ўн икки минг отлик

<sup>10</sup> Асарнинг Техрон нашрида "икки минг отлик аскар" деб кўрсастилган.





ғаним лашкарини мағлубиятта учратдим ва уларни бир неча фарсанг<sup>11</sup> ергача қувиб бордим.

Яна тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси орқасида яширин бўлса ҳам, акли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир. [Шунинг учун] пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам (унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) айтганларидек, ҳар бир ишни қилишга киришар эканман, аввал обдон ўйлаб, (амирларим билан) кенгашдим.

Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йифилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, (улардан) фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарабардим; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни [бажаришдан] воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим. Чунончи, шунга кўра Туғлук Темурхон<sup>12</sup>га тўғри йўл кўрсатганиман. Унинг амирлари Даشتி Жета<sup>13</sup>да исён туғини кўтаргандарида, мендан маслаҳат сўради. Унга шундай дедим: “Агар ғанимни синдириш учун бир фавж аскар юборсанг, олдингда икки хатар бордир, агар ўзинг борсанг, бир хатар мавжуд”. У менинг маслаҳатимга кириб, Даشت томон ўзи бориб эди, мен айтгандек бўлди.

Ишларимнинг барисида аввал кенгаш-маслаҳат қўлладим, ишни бажаришга киришар эканман, олдиндан чора-тадбирлар белгилаб қўярдим, ҳамда бу иш қандай якунланиши ҳақида фикр-мулоҳаза қилган ҳолда иш бошлардим; сўнгра, кези келганда, тўғри тадбир ва қатъий жазм, ёхуд мулоҳазакорлик ва эҳтиёткорлик, ёки узоқни кўриб

<sup>11</sup> Фарсанг – 6 ёки 7 км.га teng масофа ўлчови.

<sup>12</sup> Туғлук Темурхон – Мўғулистон (Чигатой улуси парчаланиши натижасида унинг шарқий қисмида Шарқий Туркистон, Еттисув, Тянь-Шань этаклари, Балхаш кўли, Иртиш ва Эмиль дарёлари атрофидаги ерларни ўз ичига олган) хони (1348–1362). У 1360–1361 йиллар давомида икки марта Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Қашқадарёгача бўлган ерларда хукмронлик ўрнаттан. 1362 йили вафот этган.

<sup>13</sup> Жета – мамлакат номи; Чигатой улуси икки қисмга ажralиб кетгандан (XIV асрнинг ўрталарида) кейин Еттисув ва Чу воҳалари ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган. Унинг шимоли-шарқий қисми тарих китобларида Мўғулистон ёки Жета номи билан аталган.



ортини ўйлаган ҳолда, уни[кўнгилдагидек] нихоясига етказардим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, сўзларида иттифоқлик бўлган, қилмоқчи бўлган ишларини бирор важҳ қўрсатиб бажармасдан қолдирмайдиган; агар йўламайдиган кишиларгина кенгаш ахли бўла оладилар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — дилдан чиққани. Тил учида айтилганини [шунчаки] эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим кулоғига куярдим ва дилимга жойлардим.

Агар [ғаним устига] лашкар тортмоқчи бўлсан, уруш ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгилларининг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим. Агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига тақкослаб кўрардим; қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қиласардим.

Сипохни иккилантирадиган [турумсиз] кенгашни эшитишдан сақланардим. Кенгаш ахлидан кимки куйиниб маслаҳат берса, кулоқ солардим, лекин кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, уни дикқат билан тинглардим.

Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.

Чунончи, Чингизхон авлодидан бўлмиш Туғлук Темурхон Мовароуннаҳр мулкини босиб олиш қасдида қўшин тортиб<sup>14</sup>, Хўжанд суви<sup>15</sup>дан кечиб ўтгач, менга, амир Ҳожи барлос<sup>16</sup> ва амир Боязид жало-

<sup>14</sup> 1360 йилнинг баҳорида содир бўлган.

<sup>15</sup> Хўжанд суви ёки Хўжанд суи — Сирдарёнинг Ўрта асрлардаги номларидан бири.

<sup>16</sup> Амир Ҳожи Барлос — нуфузли барлосbekларидан. Кеш ва унга тобеъ ерлар ҳокими; Шарафиддин Али Яздий “Зафарномаси”да келтирилишича, Амир Темурнинг амакиси бўлган ва 1361 йили ўлдирилган.(в. 966 ва в. 99 6). Муаррих Фасих Ҳавофийнинг (XVаср) “Мужмале Фасихий” асарида айтилишича, Туғлук Темурхоннинг Мовароуннаҳрга иккинчи юриши пайтида Хурсонга қочиб кетган ва у ерда маҳаллий амирлар томонидан ўлдирилган. 1381 йили Амир Темур амакиси ўлдирилган Худошод Жуйин мавзеини забт этган ва амакисининг авлодларига у жойдан “мол” солиғини йигиши хукукини берган.

йир<sup>17</sup> номига ёрлик<sup>18</sup> жўнатиб, унинг хузурига бориши мизни талаб қилган эди. Улар мен билан кенгашдилар: “Ўз эл-улусимиз билан Хурросонга кетайликми ёки Туғлук Темурхон қошига борайликми?”. Мен уларга бундай йўл кўрсатдим: “Туғлук Темурхоннинг хузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир. Хурросон томонга ўтиб кетишнинг [эса] икки зиёни, бир фойдаси бордир”.

Улар менинг кенгашимга кирмай [эл-юрти билан кўчиб] Хурросон томонга кетдилар.<sup>19</sup>

Мен ҳам Хурросонга ёки бўлмаса Туғлук Темурхоннинг қошига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб колдим. Шу ҳол асносида пирим<sup>20</sup>дан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: “Тўртинчи халифа [ҳазрати Али ибн Абу Толиб<sup>21</sup> дан], унга Тангрининг караму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон — камон, ер — камон или, ҳодисалар<sup>22</sup> ўқ-ёй бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отғучи[эса] — Худойи таоло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улуғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар?” Халифа жавоб қилиб: “Одамлар Тангрининг қошига қочсинлар”, дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлук Темурхоннинг олдига қочфил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олғил”.

Бу жавоб келиши билан кўнглим қўтарилиб, юрагим бундан қувват олди ва Туғлук Темурхон қошига боришига аҳд қилдим. Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олгач, кейин Куръондан фол очардим ва Куръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлук Темурхон олдига боришдан аввал Куръондан варак очсан, “Сурайи Юсуф” алайхиссалом<sup>23</sup> чиқди ва Куръони мажид ҳукмига амал қилдим.

<sup>17</sup> Амир Боязид жалойир — Хўжанд вилоятининг амири. 1361 йили Туғлук Темурхоннинг буйруғига кўра катл этилган.

<sup>18</sup> Ерлиг — фармон.

<sup>19</sup> Бу воқеа 1360—1361 йилларда содир бўлган.

<sup>20</sup> “Пирим” — Зайниддин Абубакр Тойбодий, хурросонлик ирик шайх ва шайхулислом; Амир Темурнинг эътиқод қўйған пирларидан. (Юқоридаги изоҳга қаралсин).

<sup>21</sup> Али ибн Абу Толиб — тўғри йўлдан борғувчилар жумласидан тўртинчи халифа (656—661); Мухаммад пайғамбарнинг амакивачаси ва куёви. Хорижийлар тарафидан 661 йили Куфада ўлдирилган.

<sup>22</sup> Бу ерда оғат ва кулфатлар мъиносида.

<sup>23</sup> Куръони карим, 12-сурә (Юсуф сураси).

## ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОН БИЛАН УЧРАШГАНИМДАН СҮНГ КҮНГЛИМГА КЕЛГАН БИРИНЧИ КЕНГАШИМ

Туғлук Темурхон, [саркардалари] Бикижак, Ҳожибек эркинит<sup>24</sup> Улуғ Тўқтемур керайит<sup>25</sup> ва Жетанинг бошқа амирларидан уч фавж<sup>26</sup> тузиб, уларни Мовароуннахр мамлакатини талон-торож қилиш учун юборганлиги, ўша уч фавж қўшин Хузор<sup>27</sup> деган жойга келиб тушганлиги хабари менинг кулоғимга етди. Шунда Туғлук Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан маҳлиё қилиб, Мовароуннахр вилоятини қатлу форатдан қуткариб қолишга қарор килдим.

Тилга олинган амирларни кўрганимда уларни хайбатим босди шекилли, кўп хурмат қўрсатиб, мени ортиқча сийладилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-совурун<sup>28</sup> йўсинида уларга берилган ҳар турлиқ тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннахрни босиб олиш ва талон-торож қилиш ниятидан қайтдилар.

[Шундан сўнг] тўғри бориб Туғлук Темурхон билан кўришдим<sup>29</sup>. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, [салтанат ишларида] мендан кенгаш сўради. Кўрсатган кенгашларимни тўғри деб топиб, ҳаммасини қабул қилди.

Шу аснода Туғлук Темурхонга хабар келтирдилар ким, [юқорида айтилган] уч фавж амирлари, ерлик халқдан нақд пул ва совурунлар олиб, улар билан келишишлар. Хон шу ондаёқ мол-мулк ва нақд пулларни қайтариб олиш учун одам тайин қилди ва амирларни бундан буён Мовароуннахрга боришларини манъ этди. Мансабларидан бўшатди, ўринларига Ҳожи Махмудшоҳ Ясовурийни тайин қилди.

<sup>24</sup> Эркинит – Чифатой улусининг шарқий кисми (Мўғулистан)да кўчиб юрган турк-мўғул кабилаларидан бирининг номи.

<sup>25</sup> Керайит – нуфузли турк-мўғул қавмларидан бирининг номи.

<sup>26</sup> Фавж – ҳарбий бўлинма.

<sup>27</sup> Хузор – Насаф (Карши) билан Кеш оралиғида, карвон йўли устида жойлашган ўрта аср шаҳарчаси. Қашқадарё вилоятига карашли ҳозирги Фузор тумани маркази.

<sup>28</sup> Совурун – ўрта асрларда подшоҳ ва хонлар, умуман олий мартабли кишилар билан учрашганда уларга қилинадиган тансиқ моллардан иборат қимматбаҳо тортиқ.

<sup>29</sup> Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишича, бу учрашув 761 / 1360 йилда юз берган.



Бу ҳақда амирлар хабар топға, душманлик байронини күтариб юртларига қайтиб кетдилар. Йўлда хоннинг девонбегиси ва бош маслаҳатчиси бўлмиш Ўғлонхўжани учратдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб, Жета томон юзландилар.

Айнан шу вақтда Туғлук Темурхоннинг Даشتி Қипчоқ<sup>30</sup> даги амирлари ҳам исён туғини кўтаргани хақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди. У мен берган маслаҳатта кўра Жета тарафга йўл олди. Мовароуннахрни эса менга қолдирди ва бу хусусда ёрлиғу аҳднома ёзиб берди. Амир Қарочор нўён<sup>31</sup> нинг Мовароуннахрдаги туманини ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларига чўзилган ерларга хукмрон бўлдим.

Давлат ва салтанатимнинг бошланишида энг аввал килган кенгашим шул эди.

Мен тажрибадан шуни билдимки, юз минг отлик аскар килолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан.

## ДАВЛАТ ҚУРИШ ОЛДИДАН ҚИЛГАН ИККИНЧИ КЕНГАШИМ

У шундан иборат бўлдики, Туғлук Темурхон мен билан тузган аҳду қарорини бузиб, иккинчи бор Мовароуннахр мамлакатига қўшин тортиб келди ва хукуматни мендан тортиб олиб, ўғли Илёсҳожа<sup>32</sup> га топширди. Мени эса унга бош қўмондон (силоҳсолор) ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Менга Қочувли баҳодир<sup>33</sup> ва Қобулхон<sup>34</sup> то-

<sup>30</sup> Даشتி Қипчоқ – араб ва форс адабиётида ҳали XI аср бошларидан кўлланилган бу атама Балхаш кўлидан тортиб гарбга, Днепр дарёсигача бўлган (хозирги Қозогистон, куйи Волга бўйидаги) ерларни ўз ичига олган. Қипчоқ сўзи қадим солномаларида “половец” дейилган, Византия солномаларида эса “коман” атамаси кўлланилган.

<sup>31</sup> Қарочор нўён – Чингизхоннинг нуфузли амирларидан бири, Чигатайхоннинг маслаҳатчиси ва лашкарбошиси. Амир Темурнинг аждодларидан бешинчиси (Тарағай – Буркул – Илангир – Ижил – Қарочор).

<sup>32</sup> Илёсҳожа – 1365 – 1366 йилларда Жета ҳоқонлигига хукумат юргизган, Туғлук Темурнинг ўғли, Мўгулистан хони (1362 – 1364 йиллар).

<sup>33</sup> Қочувли баҳодир – барлосларнинг биринчи етакчиси; Амир Темурнинг саккизинчи аждоди.

<sup>34</sup> Қобулхон – туркларнинг афсонавий онаси Алонкуванинг авлоди; Чингизхоннинг учинчи аждоди.



монидан битилган аҳдномани кўрсатди. Мен улуғ боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб, сипоҳсолорлик қилишга рози бўлдим.

Хижрий 762 (милодий 1360/61) йили Туғлук Темурхон иккинчи марта Мовароуннахрга кўшин тортиб келиб, мени ўз хузурига чорлаб нома жўнатди. Мен [рози бўлиб], унинг истиқболига чиқиб, у билан кўришдим. У орамиздаги аҳдни бузиб, Мовароуннахри ўғли Илёсхожага топширди, мени эса сипоҳсолор қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни кўриб, бобом Кочувли баҳодир ва ўзининг бобоси Қобулхонларнинг аҳдномасини кўрсатди. Пўлат тахтага ўйиб ёзилган аҳдномада “хонлик Қобулхон авлодининг кўлида, сипоҳсолорлик эса Қочувли баҳодир болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасин”, деган сўзлар битилган экан. Буни ўкиб кўргач, улуғлар аҳдига вафолик қилиш юзасидан сипоҳсолорликни қабул қилдим. Мовароуннахрда ўзбек<sup>35</sup> ларнинг жабру зулми ортиб кетди. Чунончи, саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб банд этдилар. Илёсхожа бўлса давлат ва сиёsat ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли уларнинг зулму ситамига барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсан ўз салобатим ва ҳайбатим билан ўзбеклар устидан ғалаба қилдим ва мазлумларни золимлар жабридан халос қилдим. Бу Илёсхожа амирлари ва ўзбекларнинг менга нисбатан душманлик қилишларига сабаб бўлди. Улар Туғлук Темурхонга хат ёзиб, “Темур бизга қарши исён тугини кўтарди”, дедилар. Хон бу ёлғон гапларни чин билиб, мени ўлдирив, йўқотиш ҳакида ёрлиғ юборди. Бу ёрлиғ менинг қўлимга тушиб қолди. Ундан ўлимга хукм қилинганимни билиб олдим. Бунинг иложини қилиб, куйидаги тадбирни ишлатдим. Барлос улусининг баҳодир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштири-

<sup>35</sup> Асар матнида “ўзбеклар” ва “ўзбеклар тоифаси” маҳаллий халқка жабр-зулем етказгани ва Амир Темурнинг улар билан олиб борган кураши ҳакида сўз боради. Бундан этник ўзбеклар ва ўзбек халқини кўнгилга келтирмаслик керак. Бу ерда гап Даشتி Қипчоқнинг туркмўул кавмлари, яъни 1227 йилдан бошлаб Ботухон замонидан қолган Даشتӣ Қипчоқлик амирларнинг авлоди назарда тутилади. Бу ҳакда тўларок маълумот олиш учун каранг; *Бўрибой Аҳмедов*. “Темур тузуклари” сўзбошиси. Тошкент, 1996 йил, 20 – 22-бетлар.

дим. Менга бўйсуниб кўмакдош бўлмоқлик учун розилик берган биринчи киши — Ики Темур бўлди, иккинчиси — амир Жоку барлос эди. Булардан бошқа улус баҳодирлари ҳам жону диллари билан менга бўйсунмоқчи [ва хизмат қилмоқчи] эканликларини билдирилар.

Мовароуннаҳр аҳолиси менинг бу ишимдан хабар топиши биланоқ, тезда ўзбекларга хужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирилар. Чунки уларнинг қалби золим ўзбеклар тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннаҳр аҳолисининг каттаю кичиги мен билан бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса ўзбекийя тоифасини йўқ қилиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшун бошликларининг бъязилари ҳам бу ишга қўшилиб, бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзилган аҳднома ва фатволарининг нусхаси бу эди: “Тўғри йўлдан борувчи халифалар<sup>36</sup>, Аллоҳ таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун аҳли ислом, сипоху раият<sup>37</sup> ёхуд уламою машойих бўлсин, Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур қутби салтанати олий деб атасинлар ва уни Аллоҳнинг [ердаги] қудрати — салтанат тахтига лойик кўрсинаш. Мусулмонларнинг ер-суви, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қўлини чўзган ўзбеклар тоифасини дафъ қилишда ва умуман йўқотишда Темурга [ёрдамлашиш учун] ўз мол ва жонларини [аямай], тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъат<sup>38</sup> имизга содик қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсан, Аллоҳнинг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудрати ва ёрдами йўлига кирган бўлайлик”.

Бу фатвони менга кўрсатгандаридан кейин жанг жадал байроғини кўтариб, ўзбеклар устига лашкар тор-

<sup>36</sup> *Хулафо ар-Рошидин* — ҳазрати Мухаммад пайғамбар вафотидан сўнг мусулмон жамоасининг диний ва дунёвий ишларини бошқаришда унга ўринбосар (халифа) хисобланган тўрт диний пешво: Абу Бакр (хукм. йиллари 632 – 634), Умар (хукм. йиллари 634 – 644), Усмон (хукм. йиллари 644 – 656) ва Али (хукм. йиллари 656 – 661).

<sup>37</sup> *Раият* — солик тўловчи халқ.

<sup>38</sup> *Байъат* — аҳд-паймон, келишув, ваъда бериш; хукуматга итоат этиш ҳақида берилган ваъда; олий ҳукмдорнинг ҳақ-хукукини эътироф қилиш.



тишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олиб бермоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар.

[Шундан кейин] ўйланиб қолдим, “мабодо Самарқанд шахри ичиди ўзбекларга қарши уруш бошласаму, бироқ Мовароуннахр ахли [жанг қилишдан] қўл тортсачи? [Унда нима бўлади?] Шундай бўлгач, яхниси, шахардан чиқиб, Самарқанд тоғларида ўринлашай, токи менга қўшилишни истаганлар хузуримга келсинлар. Шунда мен катта сипоҳ тўплаб, ўзбекларга қарши жангу жадални бошлагайман”, деб қарор қилдим.

Самарқанддан чиққанимда олтмиш отликдан бошқа бир киши ҳам менга эргашмади. Шундан билдимки, ўйланган кенгашим, хато бўлмаган экан. Ўша тоғда бир ҳафтача кутиб ётдим, [лекин] бирон киши бизга келиб қўшилмади. Шунинг учун кенгаш тузиб Бадахшон<sup>39</sup> тарафга ўтиб, у ернинг шоҳлари билан қўшилишга қарор қилдим. Отланиб, Амир Кулол<sup>40</sup>нинг хузурларига бордим. Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ўзбеклар устидан ғалаба қозонсан, Самарқанднинг бир йиллик хирож<sup>41</sup>ини уларга назр қилишга қарор қилдим. Улар менга зафар тилаб фотиха ўқигач, кетишинга ижозат бердилар.

Амир Кулолнинг хизматларидан чиққанимда, менга ҳаммаси бўлиб олтмиш отлик ҳамроҳлик қиласарди. Илёсҳожа менинг Хоразмга юриш қилаётганимдан хабар топиб, Хивақ<sup>42</sup> ҳокими Тўкал баҳодирга хат ёзиб, менга қарши чиқишини ва мени ўлдиришини буюрган экан.

Тўкал баҳодир минг отлик аскар олиб, менинг устимга келди. Олтмиш отлик йигитим ва йўлда менга қўшилган [қайноғам] Амир Ҳусайн билан бирга минг отлик кишилик ғаним лашкарига юзма-юз бўлдим ва жангга киришдим. Бу жангда шундайин баҳодирлик қилиб, чидамлик кўрсатдимки, унинг минг кишисидан эллик киши

<sup>39</sup> *Бадахшон* – Амударёнинг юкори оқимида жойлашган; ҳозирги номи Файзобод, Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар, Бадахшон вилоятининг маъмурӣ маркази.

<sup>40</sup> Бу ерда Шамсаддин Кулол назарда тутилган.

<sup>41</sup> *Хирож* – ер солиги учун ва умуман даромад солиги учун қўллашинган атама; айрим холларда даромаднинг учдан бирини ташкил этган; “мол” деб ҳам аталган.

<sup>42</sup> *Хивақ* – ҳозирги Хива шахри.

қолди, менинг олтмиш отлик йигитимдан ўн кишигина қолди. Шундай бўлса-да, зафар мен томонда бўлиб, [уларни қочирдим]. Менинг зафар кучганим хабари Илёсхожа ва Жета амирларига етгач, улар [таажжубланиб], “Темур ажаб эр киши экан, унга Тангрининг мадади етиб, баҳту иқболи очилмиш”, деб ўзаро сўзлашибдилар. Мен бу урушдаги зафарни яхшилик аломати деб билдим. Ўзбеклар мендан чўчийдиган бўлдилар.

## ЎЗ САЛТАНАТИМНИ ТУЗИШ ЙЎЛИДА ҚИЛГАН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Ўша вактда давлатимнинг кучи кетиб, салтанатимнинг асоси емирила бошлади. Чунончи, менга эргашган йўлдошларим ўн кишидан ортиқ эмас эди. Улардан етти-таси отлик, уч киши эса пиёда эдилар. Улардан бошка мен билан ҳеч ким қолмаганди. Мухтарама жуфти ҳалолим бўлмиш Амир Ҳусайн<sup>43</sup>нинг синглиси<sup>44</sup> ни ўзимнинг отимга миндириб олган эдим. Шу алпозда Хоразм чўлларида бир неча кун саргардон бўлиб юрдим. Кунларнинг бирида кеч тушгач, қандайдир кудук бошига келиб етдим. Ўша кечаси пиёда юрган уч нафар хурросонлик бевафолик қилиб, отларимизни миниб қочдилар. Етти киши тўрт от билан қолдик. Аҳволим жуда оғирлашди. Лекин кўнгил тўқ эди. Бу ишни чакки қилган эканман деб, ҳеч ўқинмас эдим. Сўнгра бу кудук бошидан ҳам кўчдим. Шу вакт Алибек Жониқурбоний<sup>45</sup> ёпирилиб те-

<sup>43</sup> Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн амир Қозогон – Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятларининг ҳукмдори. 1370 йили Амир Темур Балхни эгаллаган вактда ўлдирилган.

<sup>44</sup> Бу ерда Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оқа назарда тутилган. Амир Темур уни 1361 йили ўз никоҳига олган. Бу никоҳдан сохибқироннинг кизи Султон Баҳт бегим тутилган.

<sup>45</sup> Алибек Жониқурбоний – Жовуний-қурбоний номли туркман кабиласининг сардори бўлган. “Темур тузуклари”нинг 1868 йил Техрон нашрида “Алибек Жун-Курбоний” деб ёзилган, ҳошиясида эса, “Жун-Курбоний – туркман тоифаларидан бирининг номланиши”, дея изоҳ берилган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида (варак 102 а) “Алибек Арғуншоҳ Жун-Курбоний ўғли” дея қайд этилган. Арғуншоҳ XIV асрнинг ўрталарида Хурросоннинг катта қисмига ҳукмдорлик қилган. Унинг ўлимидан кейин Хурросоннинг у эгаллаган қисмидаги ўғиллари Муҳаммадбек (Тус ва Бовард шаҳарлари) ва Алибек (Моҳон ва атрофларида) ҳукмронлик қилганлар.

памга келди. Мени [ўз элига] элтиб, бургаси кўп бир коронғу уйга қамаб қўйди. Бир неча кишини менга соқчи этиб тайинлади. Олтмиш икки кун мени тутқунликда саклади. Ундан қутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим ва Тангрининг инояти этиб баҳодирлигим тутди. Кучли ва чакқон билакларим иш бериб, сокчилардан бирининг қўлидан қиличини тортиб олдим-да, уларга ҳамла қилган эдим, ҳаммалари қочиб қолдилар.

[Қилич кўтарганимча], тўғри Алибекнинг устига бостириб кирдим. Мени кўргач, [хуши бошидан учди]. Қилган номақбул ишидан пушаймон бўлиб, мендан узр сўради. Отларимни, жабдуқларим ва яроқларимни ҳозирлатиб, менга бир ориқ от ва бир қари тия тортиқ қилган бўлди. Оғаси Муҳаммадбек менга атаб юборган бир қанча совға-саломларни эса очкўзлик қилиб ўзига олиб қолди. Сўнг кетишимга рухсат берди. Хоразм чўли томон равона бўлдим. Ўн икки отлиқ атрофимга тўпланди. Икки кундан сўнг бир манзилга этиб, қандайдир уйга тушдик. Шу орада бир гуруҳ ўша ерлик туркманлар пайдо бўлиб, мени кўргач, “Ўғри, ўғри!” – дейишиб хужум қилмоқчи бўлдилар. Амир Ҳусайннинг синглисини бир уйга яшириб қўйиб, ўша жамоага қарши отландим, туркманлар ичиди Ҳожи Муҳаммад деган одам мени таниб қолди, “Хой, тўхтанглар, бу Амир Темур-ку！”, деб уларни урушдан қайтарди. Ўзи эса тиз уриб олдимга келди. Мен ҳам унинг кўнглини овлаб, бошига мандил<sup>46</sup> имни қўйдим. Сўнгра бу киши ўз оға-инилари билан менга мулозим бўлди.

## САЛТАНАТИМНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДА ҚИЛГАН ТЎРТИНЧИ КЕНГАШИМ

Менга эргашганлар сони олтмиш отлиқقا этиб қолгандан кейин ўзимча ўйладим: “Агар келган манзилда тураверсам-у, мабодо ерлик аҳоли менга қарши қўзғалиб, ўзбекларга хабар бериб қўйсалар-чи? Яхшиси, бу ердан кетиб, эл оёғи етмаган ерга бориб жойлашсам, тез фурсатда атрофимга салтанатимнинг куч-қудрати бўла оладиган қўшин

<sup>46</sup> Мандил – бош кийими, дўппи, кулоҳ, салла; ҳукмдорларда меҳри тушган бирон кимсага бош кийими, камари ёки чопонини тақдим этиш оркали ўз миннатдорчилиги, хурмат-эътиборини билдириш одати бўлган.

тўпланар". Шу фикрда у ердан кўчиб, Хуросон томонга юзландим. Йўл устида Мохон<sup>47</sup> ҳокими Муборакшоҳ Санжарий юз отлиқ аскари билан келиб, менга қўшилди ва яхши отлар тортиқ қилди. У ернинг жами саййидлари ва аҳолиси ҳам менга қўшилди. Ўша саҳрова отлиқ, яёв бўлиб икки юзга яқин киши ёнимга кирди. Шу пайт Муборакшоҳ, саййид Ҳасан ва саййид Зиёуддин менга арз қилдилар: "Бу саҳрова туравериш [қўшин] тарқаб кетишига боис бўлур, бирон томонга юриб, бирон вилоятни эгаллашимиз керак". Мен ўз-ўзим билан кенгашиб, сўнг уларга айтдим: "Хотирамга бир фикр келди. Самарқандга борайлик. Сизларни [вақтинча] Бухоро томонларга тарқатиб турман, ўзим эса Самарқанд теварагига бориб, эл-улус ичига кираман ва уларни ўзимизга қўшиб олишга [ҳаракат қиласман]. Етарли лашкар йиғилиб [куч-кувват кўлга кирганидан кейин], сизларни чақириб олурман. Кейин Жета ва Илёсхожа қўшинига қарши жангта отланурмиз ва Мовароуннахр мамлакатини кўлга киритурмиз".

Уларнинг ҳаммаси менинг бу кенгаш ва тадбиrimни тўғри деб топдилар. Юришга фотиха беришгач, мен йўлга тушдим. Икки юз одамимни Бухоро атрофларига тарқатдим. Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оқани ҳам яширинча ўша ерда қолдирдим ва ўзим Самарқанд томон йўл олдим. Йўлда Тамука қавчин<sup>48</sup> ўн беш отлиғи билан менга қўшилди. Сиримни унга айтиб, Муборакшоҳ олдига юбордим. Ўзим яширинча улус оралаб, икки мингта яқин кишини иттифоқдош қилдим. Самарқанд узра салтанат байробини кўтаргудек бўлсам, улар ёрдамга келадиган бўлдилар.

Тунда пинхона Самарқандга кирдим ва опам Кутлуғ Туркон оқанинг уйига бориб жойлашдим. Кечаю кундуз фикр оғушида чора-тадбир изладим. Шу тариқа қирқ саккиз кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликлардан биттаси менинг бу ерга келганимни пайқаб колди. Сирим очилишига оз қолганда, ночор, кечаси ўзим билан келган эллик отлиқ билан Самарқанддан чиқиб, яна Хоразм томон йўл олдим.

Мен билан бир тўп пиёда кишилар ҳам бор эди. Йўл давомида туркманларнинг бир пода йилқисидан бир

<sup>47</sup> Мохон — Марв шахри яқинидаги кишилек. Марв шахри Туркманистоннинг хозирги Байрамали шахри яқинида бўлган.

<sup>48</sup> Қавчин — нуфузли турк қабилаларидан бирининг номи.

нечтасини кўлга киритиб, пиёдаларимни уларга миндирдим.

[Кўп вақт] йўл юриб Амударё бўйидаги Ачиғи деган ўнқир-чўнқир ерга келиб тушдик. Шу ерга келганимда, Бухоро теварагида қолдирган харам аҳли, Муборакшоҳ, сайийд Ҳасан ва бошқа жамоа ҳам етишиб келдилар, [Булардан бошқа] Темурхожа ўғлон, Баҳром жалойир ўзларига қарашли кўшин билан келиб, менга мулоғизм бўлдилар. [Шу тариқа], мингга яқин отлик аскар атрофимга жамланди. Шу ерда кенгаш қилиб, Боҳтарзамин<sup>49</sup> ва Қандаҳор<sup>50</sup> томонга равона бўлишга ва у ерларни тасарруфимга киритишга қарор қилдим.

## ХУРУЖ КУНЛАРИ ҚИЛГАН БЕШИНЧИ КЕНГАШИМ

Боҳтарзамин ва Қандаҳор томон кетаётib, Ҳирманд<sup>51</sup> дарёсининг бўйига етганимда тўхтаб бир юрт<sup>52</sup> ясаттирам. Аскарларимни сийлаш учун бир неча кун ўша ерда турдим. Шу аснода Гармсир вилоятининг халқи ва сипоҳидан қарийб минг отлик турк ва тоҷик ҳам менга [келиб] қўшилдилар. Шу тариқа Гармсир вилояти ҳам менинг тасарруфимга кирди.

Шунда Сеистон<sup>53</sup>га турктоз қилишга қарор қилдим. Бу хабар Сеистон волийсига етгач, элчи орқали совфа-саломлар юбориб, мендан ёрдам сўради: “Душманларим менга зулм қилиб, қўлимдан етти қалъамни тортиб олдилар. Агар мендан душман қўлини қисқа қилсалар, аскарларига олти ойлик озиқ-овқат етқазиб берардим”.

Ўзимча кенгашиб кўриб, сўнг Сеистон томонга лашкар тордим. Душманлар эгаллаб олган етти қалъадан бештасини куч ва қаҳр билан кўлга киритдим. Буни кўриб, Сеистон волийсининг юрагига кўркув тушди ва

<sup>49</sup> *Боҳтарзамин* — қадимги Бактра; ўрта асрларда Балх ва унга қарашли ерлар.

<sup>50</sup> *Қандаҳор* — Афғонистоннинг жанубидаги қадимий ва катта шаҳарлардан.

<sup>51</sup> *Ҳирманд* — Афғонистоннинг жанубидаги Ҳилманд (Гильменд) дарёси.

<sup>52</sup> *Юрт* — бу ерда қароргоҳ маъносида.

<sup>53</sup> *Сеистон* — Эроннинг шарқида ва Афғонистоннинг фарбида жойлашган. 1872 йили Эрон ва Афғонистон орасида бўлинганд. Ҳилманд дарёсигача бўлган қисми Эронга, ундан шарқи Афғонистонга ўтган; саклар мамлакати.



кечаги душманини энди ўзига дўст тутди. “Агар Амир Темур бу ерларда туриб қолар экан, Сеистон мулки кўлимииздан кетиши аникдир”, дейишиб, сипоҳ ва раият барчаси бирлашиб, менинг устимга бостириб келдилар.

Сеистон волийси ваъдасига вафо қилмаганлиги учун иложсиз, йўлларини тўсиб, жангу жадалга киришдим. Шу пайт бир ўқ келиб билагимга қадалди, яна бир ўқ оёғимга тегиб яралади<sup>54</sup>. [Шундай бўлса ҳам] охири улар устидан фалаба қозондим. [Лекин] ўша мамлакатнинг обҳавоси менинг мизожимга тўғри келмагани сабабли, у ердан кўчиб, яна Гармсирга бордим. Ўша вилоятда яраларим битгунча икки ойча туриб қолдим.

## ХУРУЖ ВАҚТИДА ҚИЛГАН ОЛТИНЧИ КЕНГАШИМ

У шундан иборатки, Гармсир тасарруфимга ўтгач ва яраларим тузалгач, Балх<sup>55</sup> сарҳадидаги тоғларда туриб, ўша ерда қўшин тўплаб, Мовароуннаҳр мулкини забт этиш учун юриш қилмоқчи бўлдим. Кенгаш шунга тўхтагач, бу ердан отланиб чиқдим. Одамлар тарқалиб кетиб кирқ отлиқ кишигина қолган эканмиз. Лекин уларнинг бариси аслзода, амирзода ва насли пок йигитлар эди. Шундайин азаматлар бу оғир кунларда нима учундир мен каби олтину молсиз, озиқ-овқатсиз бир кишига ҳамроҳлик қилиб, менинг изнимга кириб [тоғ-тошларда эргашиб], юрганлари учун Тангри таолога шукрлар айтдим. Ўзимча: “Оллоҳ таолонинг мен билан қиласлик улуғ ишлари бўлғайким, ўзим каби йигитларни менга бўйсундирмиш”, деб ўйладим.

[Сўнг] Балх тоғларига қараб йўлга тушдим. Кетаётганимизда Йилдирим Қарочор нўён авлодидан бўлмиш

<sup>54</sup> Бу жанг 1362 йилда бўлган ва Амир Темурнинг ўнг кўлини тирсанидан ва ўнг оёғини камон ўқи яралайди. Кейинчалик бунинг натижасида унинг оёғи оқсоқланадиган бўлиб қолган. Шу сабабли, баъзан забт этилган халқлар тилида Амир Темурнинг оқсоқлигига ишора қилиниб, уни форсийзабон аҳоли “Темурланг”, туркӣзабон мамлакатларда эса “Оқсоқ Темур” деб атаганлар. Бирок, шарқ ёзма манбаларининг аксариятида уни: “Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний”, “Амир Темур ибн Тарагай Баходир”, “Темурбек” деб атаганлар. Шарафуддин Али Яздийнинг келтиришича, бир неча йиллар ўтиб, 1383 йилда Амир Темур иккинчи маротаба Сеистонга жанг билан боради ва уни аввалги муҳорабада яралаган хукмдорни камондан отиб ўлдиришни буюради.

<sup>55</sup> Балх – Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мазори Шариф шахрининг гарбидаги кўхна шаҳар.



Сиддик барлосга дуч келдим. Мени излаб саргардон бўлиб юрган экан, ўн беш отлиғи билан келиб менга қўшилди. Унинг келганини яхшиликка йўйдим. Ўша кунлари ов гўштлари билан кун кечирмоқда эдик.

Шу зайлда илгарила борарканмиз, йирокдан тепа устида бир тўп кишининг қораси кўринди. Олдинга юрганимиз сари соатма-соат уларнинг сони ҳам ортиб борди. Тўхтадим. “Булар ким бўлди экан?” – деб уларнинг олдига қоровул<sup>56</sup> лар юбордим. Коровуллар бориб: “Амир [Темур]нинг собиқ навкари Қозончи баҳодир экан ва Жета лашкаридан юз отлиқ билан ажралиб чиқиб, шундан бери амирни излаб, саргардон бўлиб юрган эмиш”, – деб хабар олиб келдилар. [Буни эшишиб] ерга бош қўйиб Тангри таолога шукр қилдим. Дархол Қозончини хузуримга олиб келиш учун одам юбордим, У келгач, тиз уриб оёқларимни ўпди. Мен ҳам унинг кўнглини олиб, ёғлиғ<sup>57</sup> имни бошига қўйдим. Сўнг бу ердан юриб Дарайи Арсиф<sup>58</sup> деган жойга келиб тушдим.

Эртасига отланиб, дарани айлана бошладим. Унинг ўртасида бафоят хушхаво бир тепалик бор экан, мен ўша баландликка чиқдим. Лашкарлар ул тепаликни қуршаб ўринлашдилар. Ўша кеча жума туни эди, тонг отгунча [худодан мадад сўраб] ухламай чиқдим. Тонг отгач, бомдод намозини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очган эдим, кўзларим ёшланди. Юрагим бўшаши, Тангри таолога ёлвориб, мени бу сарсонликдан қутқаришини тиладим. Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эдики, узокдан бир тўп одам кўринди. Улар тепаликни ёнлаб ўтиб кетмоқда эдилар. Отланиб, уларнинг кимлигини билиш мақсадида орқаларидан бордим. [Қарасам] ҳаммаси бўлиб етмиш отлиқ экан. Улардан сўрадим:

– Баҳодирлар, ким бўласизлар?

Улар жавоб қилдилар:

– Амир Темурнинг навкарларимиз. Уни излаб топлмай, кезиб юрибмиз.

<sup>56</sup> Қоровул – хон ўрдаси ва ўғрукни қўрикловчи харбий бўлинма. Кўшиннинг марказ, қанотлари, илғор ва думи (аръергард)ни қўриклиб борувчи ёки кўшиннинг олдида борувчи хабарчи маҳсус харбий кисм (разведка) ҳам шу ном билан аталган.

<sup>57</sup> Ёғлиқ – бош кийими.

<sup>58</sup> Дарайи Арсиф – Балх Кўхистонида (Элбурзтоғда) жойлашган баҳаво бир дара.

Мен дедим:

— Мен ҳам амирнинг навкарларидан биридурмен. Юрингиз, сизларни унинг олдига бошлаб борайин.

Улардан бири отини чоптириди ва бориб гапимни ўз сардорларига етказдиди, “Биз Амир Темурнинг хузурига олиб борадиган йўлбошловчини топдик”, деб.

Улар отларининг жиловини буриб, мени дархол хузурларига келтиришни буюрдилар. Улар уч фавж эканлар. Биринчи фавжнинг сардори — Туғлуқхожа барлос, иккичисиники — амир Сайфуддин, учинчисиники — Тубак баҳодир экан. Кўзлари мёнга тушгани ҳамонок, ўзларидан кетаёзиб, отдан тушдилар. Тиз уриб, узангимни ўпдилар. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан кучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Туғлуқхожанинг бошига кўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфуддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тубак баҳодирга кийдирдим. Уларнинг кўнгли юмшаб, бағоят таъсирландилар. Мен ҳам қаттиқ таъсирландим. Намоз вақти етишгач, жамоат билан намозни адо этдик. Сўнгра отланиб, қароргоҳга бориб тушдик, мажлис қуриб, тўй бердик. Эртаси куни Шер Баҳром ҳам келди. У илгари ёшлиқ қилиб, мендан ажраб, Ҳиндистон заминини ҳавас қилиб кетиб қолган эди. Қилган ишларидан пушаймон бўлиб, мендан кечирим сўради. Мен уни қучоғимга олдим ва узрини қабул этдим. Шу қадар унга меҳрибонлик кўрсатдимки, у хижолатдан бутунлай фориғ бўлди.

## ХУРУЖ КУНЛАРИ ҚИЛГАН ЕТТИНЧИ КЕНГАШИМ

Лашкаримнинг сонини ҳисоблаб кўрсам, ҳаммаси бўлиб уч юз ўн уч отлиқ экан. Кенгаш қилиб бирон қалъани қўлга киритиб, ўринлашишга қарор бердим. Дастреб Аложу қалъасини эгаллаб олишга жазм қилдим. Илёсхожа томонидан Менгли Буғо сулдус<sup>59</sup> бу қалъага кўйилган экан. У ерни озиқ-овқат ва юклар сақланадиган жойга айлантироқчи бўлдим. Шу мақсадда Аложу қалъасига йўл олдим. Шер Баҳром ва [Менгли Буғо сулдус] ўрталарида қадимдан ошнолик бўлганлигидан,

<sup>59</sup> Сулдус — нуфузли мўғул қавмларидан бирининг номи.

у: “Мен қалъага бориб, уни ўзимизга эл қилсам”, деб рухсат сўради. Бироқ Шер Баҳром қалъа атрофига етиб боргач, менга “Менгли Бугонинг сўзига қараганда, Илёс-хожа қалъани унга ишониб топширган, шундай бўлгач, энди Амир Темурга эл тутиниб, қалъани унга топширса, мардлик ва мурувватдан узқ иш бўлур эмиш. [Шунинг учун] қалъани бизга топширишдан бош тортди”, деган хабар келди. Лекин такдир экан. У менинг кўшин тортиб келаётганимдан хабар топгач, кўнглига вахима тушиб, қалъани ташлаб қочди. Илгари менинг хизматимда мулозимлик қилган, дўлон жовун қавмидан уч юз йигит у билан (Менгли Буғо билан) шу қалъада эди, улар келиб менга кўшилдилар. [Бу ердан кўчиб] Дарайи Суф<sup>60</sup> деган жойга келдим. Ўша вактда Туман баҳодирнинг ўғли Имлис Балх шаҳри атрофида талончилик билан машғул эди. Менинг келганимдан хабар топиб, икки юз отлиғи билан келиб менга мулозим бўлди. Мен ҳам унинг кўнглини олиб овунтирдим.

Шу ерда туриб, Тамука баҳодирга уч отлик кўшдим ва Термиз дарёси<sup>61</sup> дан кечиб ўтиб, Жета лашкари ҳақида, унинг аҳволи ва режалари тўғрисида хабар топиб келтиришни буюрдим. Тамука тўрт кундан кейин келиб шуни хабар қилдики, Жета лашкари Термиз вилоятига келган ва халқини талаб, уруш-талаш билан машғул эмиш. Буни эшитиб, Дарагез<sup>62</sup> деган жойга бориб туришни лозим кўрдим. Кейинроқ кулаг фурсат топиб, Жета лашкари устига тўсатдан бостириб боришни ўйладим. Дарагезга келгач, Жайхун дарёси бўйида жойлашгани Элчи Буғо майдонига келиб тушдим. Илёсхожа Дарагезга келганим ҳақида хабар топиши биланоқ кўшинидан бир неча фавжни менга қарши урушга ҳозирлади.

Шу орада Жета лашкаридан амир Сулаймон барлос, амир Мусо барлос, амир Жоку барлос, амир Жалолиддин, амир Хиндука барлос Жета амирларидан юз ўгириб, ўз аскарлари билан эски Термизга келиб тушганлари ҳақида хабар келтирдилар. Улар менинг ҳузуримга юборган Тўлан

<sup>60</sup> Дарайи Суф – Балхни Кобул билан боғловчи йўл атрофига жойлашган.

<sup>61</sup> Термиз дарёси – Амударёning ўрта асрлардаги номларидан.

<sup>62</sup> Дарагез (Дарайи-гез) – Балхнинг жанубий тарафида, ундан таҳминан тўрт фарсаҳ масофада, Балхоб дарёси бўйида жойлашган хушманзара жой.



Буго етиб келиб, мулозиматимда бўлди ҳамда [номлари юқорида тилга олинган] амирлар минг отлиқ аскари билан менга қўшилмоқчи ва мулозим бўлмоқчи эканликларини маълум қилди. Мен эрсам уларнинг келишини ишимнинг ўнгланишидан даракчи деб тушундим. Улар менга тунда Жета лашкари устига кутилмаган боскин қилишни маслаҳат бердилар. Отланиб йўлга чиққан ҳам эдикки, Жета лашкари етиб келганини билдиришди. Мен ўз қўшинларимни сафга тизиб, душман қархисига бориб турдим. Ҳар икки лашкар ўртасида сув бор эди.

Ғанимларимни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга оғдириб олмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи [ғазаб] ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим: (Айнан шу мақсадда) Жета лашкарининг сардори амир Абу Саъидга [кўп яхши] сўзлар айтдим. У айтган гапларимни маъқуллади. Бироқ бошқа амирлар унга қарши чиқишиб, уруш қилиш тарафдори бўлдилар. [Буни кўргач] менинг ҳам [ғазаб] ўтим алангланиб, лашкаrimни сафга тиздим.

### ЖЕТА ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ МАҚСАДИДА ҚИЛГАН САККИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Ўз-ўзимга дедим: “Жета лашкари билан жанг килсан-у, улар кўп сонли бўлгани туфайли мабодо менинг лашкаrimга зарар етса-чи?” Лекин шу захотиёқ ғайратим қайнаб: “Салтанатни эгаллашга даъвогарлик қилиб хуруж қилган экансан, салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутишинг зарур. Жангга кириб, ё зафар қучиб болиб бўлгайсан, ёхуд ўлдирилгайсан”, деди.

Қарор қилиш чоғимда ғанимлар уч фавжга бўлиниб, урушталаб бўлиб турганларини кўрдим. Мен ўз лашкаrimни етти фавжга бўлдим. Етти фавжни кетмакет душман устига юбориб туришни маслаҳат кўрдим. Жангу жадал ўти [кўкка] кўтарилгач, амр қилдимки, ҳировул<sup>63</sup> фавжлари пистирмадан туриб ғанимга ўқ-ёй

<sup>63</sup> Ҳаровул (Ҳировул) – лашкарининг илғор қисми кетидан борувчи бўлинма; лашкарининг марказ, қанотлари олдида турувчи олд қўшинлар.





ёфдирсин. Шаковул<sup>64</sup> ва чаповул<sup>65</sup> қанотидаги фавжларга эса хужумга ўтишни буюрдим. Ўзим бўлса жарангор<sup>66</sup> ва барангор<sup>67</sup> фавжлари билан ҳаракатга келдим, Биринчи ва иккинчи ҳамланинг ўзидаёқ Жета лашкарининг бош қўмондони (амир ул-умаро) Абу Саъидни енгдим. Шу пайт Ҳайдар Андхудий ва Менгли Буғо менга қарши жанг қилиш учун майдонга тушдилар. Уларга қарши ўзим отландим ва биринчи ҳамладаёқ ҳар иккаласини ҳам тумтарақай қилдим. [Шундай қилиб] Жетанинг лашкари енгилиб, тарқалиб ва сочилиб кетди.

## САЛТАНАТНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ ТЎҚҚИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Жета лашкари амирлари устидан ғалаба қозонганимдан кейин, салтанатга даъвогарлик қилганим учунгина хуруж этганлигим ҳақида Туронзаминда хабар тарқалди. Шунда мен адолат билан ҳукмронлик қилишга азму жазм этдим. Салтанатимни мустаҳкамлаш учун, тўплаган хазинамдаги нақд пуллар ва [қимматбаҳо] буюмларни сипоҳга тақсимлаб беришга ва даставвал Қаҳалқа қалъаси<sup>68</sup>ни олишга қарор қилдим.

Лашкарга [етарли] озуқа-тағор берганим сабабли уларни сафга тиздим. Сўнг Жайхун дарёси бўйига келиб

<sup>64</sup> Шаковул (*шиговул*) – 1) Лашкар қанотларини қўриклаб турувчи маҳсус бўлинма. 2) Элчиларнинг керакли ярокларини мухайё қилиш ишлари билан шуғулланувчи сарой ходими; эшик оғаси.

<sup>65</sup> Чаповул – ҳарбий юришлар пайтида ва қамал жанглари вақтида теварак-атрофдаги қишлоқларга тўсатдан босқин уюштирувчи ҳарбий кисм.

<sup>66</sup> Жаронгор (*жавонгор, жувонгор*) – туркий-мўғулча атама; лашкарнинг сўл қаноти.

<sup>67</sup> Барангор (*буронгор, бурунгор*) – туркий-мўғулча атама; лашкарнинг ўнг қаноти.

<sup>68</sup> Қаҳалқа қалъаси (*Дарбанди Оҳанин*) – Бойсундан (Сурхондарё вилояти) фарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни 5–20 м, кояларнинг нисбий баландлиги 150 метр чамаси. Қадимий машхур тоф йўли, ҳозирги Катта Ўзбекистон трактидан шарқроқда ўтган. Ёзма манбаларда унинг номи турлича ёзилган: форсча “Дарбанди Оҳанин” (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда: “Темир қалуғ” (“қалуғ” – дарвоза), арабча “Боб-ул-Ҳадид” (Темир дарвоза), мўғулча “Қаҳлақа” ёки “Қаҳлаға” (“қалға”, “халға” – дарвоза). Қадимда дара ёнида шу номдаги аҳоли маскани, кўргон ҳам бўлган. Уни Бузгалахона ҳам деганлар. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор, Бойсун тумани худудида.

түшдим. Термиз кечувидан нариги қирғокқа ўтгач, Қахалқа қалъаси тарафига қоровуллар жўнатдим. [Ўзим] Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва қоровуллар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим.

Менинг бу ерга келганим хабари Илёсхожага эши-тилгач, [амир] Бекижикнинг ииниси Олчун баҳодирни катта кўшин билан устимга юборди. Қоровулларим фафлат уй-кусида қолган эканлар, уларнинг ёнидан ўтиб, факат кечалари ҳаракат қилиб тун қоронғусида тўсатдан хужум қилдилар.

Мен уч томони сув билан ўралган ярим оролда ўринлашгандим. Ярим орол ташқарисида қурилган бир неча чодир Жета лашкари томонидан талон-тарож қилинди. Омон қолган аскарлар ярим оролга кўчиб ўтдилар [ва жон сақлаб қолдилар]. Мен бўлсам уруш талаб бўлиб, тезлик билан ярим оролнинг кириш кисмига бордим. Душман мендан қўрққани сабабли урушга ботиниб киролмади. Ўн кунгача мен шу ярим оролда турдим. Сўнг у ердан чиқиб, сув бўйларида олачук<sup>69</sup> лар тикириб, Жета лашкарининг қаршисида бир ойча кузатиб ётдим. Охири фанимни қўркув босиб, орқасига қайтиб кетди. Мен сувдан ўтиб, уларнинг манзилига тушдим ва душман орқасидан таъкиб қилиш учун бир фавж аскар жўнатдим.

## САЛТАНАТИМНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ҚИЛГАН ЎНИНЧИ КЕНГАШИМ

Жета лашкарини мағлубиятга учратганимдан кейин, Бадахшон вилоятига бориб, уни эгаллашга, [бу билан] салтанат ишларига ривож беришга қарор қилдим. [Шу ниятда] дарё бўйидан кўчиб Хулм<sup>70</sup> деган жойга тушдим.

[Шу ерда] амир Қозогон<sup>71</sup> нинг набираси ва қайноғам бўлмиш амир Ҳусайн билан учрашдим. Унинг шарафига зиёфат бердим. Сўнгра Амир Ҳусайн билан кенгашиб, Бадахшонга боришга қарор қилдим.

<sup>69</sup> Олачук – капа; кичик чодир.

<sup>70</sup> Хулм – Афронистоннинг шимолий кисмидаги қадимий шаҳар; хозир шу номдаги шаҳар, шимол-жануб ва шарқ-фарб йўналишидаги халқаро савдо йўллари чорраҳасида бўлган.

<sup>71</sup> Амир Қозогон – Чигатой улусининг нуфузли турк амир-улумароларидан; 1346 йили Қарши ёнида бўлган жангда Қозонхонни енгиги, хокимиётни кўлга олган (1346–1358). 1358 йили ўзи хам фитна қурбони бўлди ва ов пайтида ўлдирилди.



Кундуз<sup>72</sup>га етиб боргач, Юрулдой<sup>73</sup> элининг сардорлари у ерда тўпланиб, келиб менга қўшилмагунича ўринлашиб турдим. Келишгач, уларнинг ҳар бирига фаҳри хилъатлар кийгизиб, кўнгилларини овладим.

Қўшинимнинг жангга ҳозирлиги ҳақидаги хабар Бадахшон шоҳларига етгач, урушга тайёргарлик кўра бошладилар. Маслаҳатни шунда кўрдимки, эпчиллик, уддабуронлик қилиб, душман лашкар тўплаб улгурмасдан бурун уларга зарба бериб, уларни тўзитиб юбормоқчи бўлдим. [Шунинг учун] юриш қилиб, Толикон<sup>74</sup>га етиб келдим.

Толиконга келганимдан Бадахшон шоҳлари хабардор бўлгач, тинч йўл тутиб, менга мулозим бўлишни ихтиёр қилдилар. Кўллаган тадбиrimдан кўнглим тўлди ва хато қилмаганлигимни англадим. Менинг салтанатим бутун Бадахшон вилоятига ёйилди. Бадахшон сипоҳларининг аксарияти менинг хизматимда бўлишни ихтиёр этдилар.

## САЛТАНАТГА РИВОЖ БЕРИШ УЧУН ҚИЛГАН ЎН БИРИНЧИ КЕНГАШИМ

Бадахшон шоҳлари менинг итоатимга киргач, Хатлон<sup>75</sup>га қараб юрдим. Бу мамлакатга келсан, қайноғам Амир Ҳусайннинг қўрслигидан Пўлод Буғо ва Шер Баҳром ундан ажралиб, ўз улусига кетиб қолишган эканлар.

Бу ердан кўчиб, Даشت кўлак<sup>76</sup> жилғасига бориб тушдим, [у ердан] Жета ва Иллесхожа лашкарлари ахволини билиб келиш учун айғоқчилар жўнатдим. Хабарчилар ўн кундан кейин хабар келтирдиларким, Жета амирлари: биринчиси – Куч Темур Бекчик ўғли, иккинчиси – Темур Нўбкон, учинчиси Сорик баҳодир, тўртинчиси – Шанкум, бешинчиси – Ҳожибекнинг иниси Туғ-

<sup>72</sup> Кундуз – Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган қадими шаҳар (қадимги номи Валволиз), маъмурӣ-сиёсий марказ. Ҳозир шу номдаги қишлоқ.

<sup>73</sup> Бурулдой бўлса керак. Шу номли баҳодир жалойир қабиласининг етакчиси бўлган. Бу ерда унга қарашли эл ҳақида сўз юритилмоқда.

<sup>74</sup> Толикон (Тойхон) – Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги қадимги шаҳар. Ўтмишда Тўхористон давлатининг пойтахти.

<sup>75</sup> Хатлон – Панж дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган вилоят, ҳозир Тожикистоннинг Хатлон вилояти. Номи қадимги араб ва форс манбаларида Хуттал ёки Хутталон шаклларида ёзилган. XVI асрдан бошлаб Кўлоб деб аталган.

<sup>76</sup> Даشت кўлак – Хатлон яқинидаги мавзе.



лукхожа йигирма минг отлиқ аскар билан Халотий билан Пули сангин<sup>77</sup> оралиғида ўринлашиб турган эмишлар.

Улар мен турган ер ва лашкарим қай ахволда эканлигини билиб келиш учун олдимга әлчи жүнатдилар. [Элчини чалғитиши мақсадида] лашкаримни икки марта қайта-қайта унинг олдидан ўтказтиридим, сўнг әлчига рухсат бердим.

[Кейин] кенгашиб, әлчи ортидан кетма-кет [кўшин тортиб] боришга қарор қилдим. Лекин лашкарим бу борада мен билан ҳамжиҳат бўлмади. Лашкаримни атрофимга бирлаштироқ учун баъзилариға мурувват, меҳрибонлик қилдим; бошқалари билан келишишга интилдим, яна бир гурухини эса молу дунё билан ўзимга ағдариб олмоқчи бўлдим. Яхши сўз, ахду паймон ва ваъдалар билан қолганларининг кўнглини кўтаришни маслаҳат кўрдим.

Шу аснода хабар келтирдиларким, илгари менинг навкарим бўлган Туғлук сулдус ва Кайхусравлар, Жетанинг олти минг отлиқ аскарига бошчилик килиб, менинг устимга келмоқда эмишлар. Бу хабар лашкарим ўртасида тарқалгач, уларнинг иттифоқсизлиги янада кучайиб, саросимага тушиб қолдилар. Лекин амир Жоку, Ики Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолиддин менинг ёнимда қолдилар.

### ЛАШКАРИМНИ ИТТИФОҚҚА КЕЛТИРИШ УЧУН ҚИЛГАН ЎН ИККИНЧИ КЕНГАШИМ

Амир Жоку, Ики Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ва уларни ўзимга иттифоқчи қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан сұхбат қуриб, “давлатимга шерик бўласизлар”, дедим. Бу билан [уларнинг дилида] ўзларига ишонч ва менга хизмат килиш учун қатъият уйғотдим. Шунга ўхшащ, мен билан иттифоқи бузилган тоифадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир ҳоли жойга чорлаб, ҳар қайси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол-дунёга хирс қўйган очкўз ва таъмагирларига мол-ашё ваъда

<sup>77</sup> Пули сангин — лугавий маъноси “тош кўприк”, Вахш водийсидан.



қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпаратларга қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирининг ҳокимлигини бердим.

Уларнинг ҳаммасини умид ва кўрқинч орасида сакладим. Ҳар бирига биттадан ноиб ва кутвол<sup>78</sup> тайинладим. Қолган сипохийларни ҳам емак-ичмак ва кийимкечак умиди, ширин сўз ва очиқ юз билан ўзимга ром этдим. Бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд этдим. Натижада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофикалар ҳам барчаси энди атрофимда бирлашди. Ҳар ишда бирлик-иттифоқлиқни қўлдан бермасликка, амримдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишга аҳд қилдилар.

Лашкардан кўнглим тинчигач, Илёсхожага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни дафъ этиш ва [у билан] қай йўсинда уруш олиб боришим ҳақида кенгашдим, ғанимлар хабар топиб улгурмасдан, чапдастлик билан уларнинг устига қўққисдан босқин қилишга қарор бердим. Бу хусусда Куръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима чиқди: “Қанчадан-қанча кичкина гурухлар Оллоҳнинг изни билан катта гурухлар устидан ғалаба қилган”<sup>79</sup>.

Ушбу башоратни топганимдан кейин лашкаримни тартибга келтирдим. Уни етти фавжга бўлиб, йўлга тушдим. Тонг ёриша бошлагандан [Илёсхожанинг] хировули бўлмиш Туғлук сулдус ва Кайхусравга этишдим. Икки ҳамла билан уларни енгдим ва [уларни] Илёсхожа жойлашган Пули сангингача кувиб бордим. Оқшом тушгач, етган еримиизда тўхтадик. Жанг майдони совиб қолмасдан, қизифида Илёсхожанинг қарийб ўттиз минглик лашкари устига тўсатдан босқин қилишга қарор бердим. Бордию [юришни] тўхтатсам ва бирон кор-хол юз берса, унинг иложини топиш учун [ўзгаларнинг] кўмагига мухтоҷ бўлиб қолишим мумкинлиги тўғрисида ўй сурдим. Орқадан Амир Ҳусайн [лашкари билан] мени қўллаб-қувватлаб келаётган эди, бироқ мен ўзимни унинг ёрдамига мухтоҷ бўлиб қолиш даражасига етказмадим. Тўғри чораю тадбир ишлатиб, Илёсхожа лашкарини синдиридим.

<sup>78</sup> Кутвол – қальва бошлиғи.

<sup>79</sup> Куръони карим, Бакара сураси, 249-оят.

## ЖЕТА ВА ИЛЁСХОЖА ЛАШКАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ҲАҚИДА ҚИЛГАН ҮН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Биринчи навбатда Илёсхожанинг лашкарини зафарли фавжларимдан бири орқали бир жойга боғланган ҳолда ушлаб туришга қарор қилдим. Шу мақсадда амир Муайяд орлот<sup>80</sup>, Учқора баҳодир, амир Мусо бошлилигига икки минг отлик аскаримни Илёсхожа рўбарўсидаги кўприк ёнига жойлаштирудим. Ўзим беш минг отлик билан Илёсхожа лашкари тепасидаги тоқقا чиқиб ўрнашдим ва кечаси кўп жойга гулхан ёқишини буюрдим. Жета сипоҳлари тоғдаги кўп гулханлар қаршиларида, Пули сангин бошида турган лашкаримнинг кўплигини кўриб, қўрқувдан саросимага тушиб қолдилар. Ўша тунни Илёсхожа қўшини “жангта хозирлан!” буйруғини кутиб [бедорликда] ўтказди. Мен туни билан тоғ устида ухламай Тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожизу мухтож бандасига мадад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Мұхаммад, саллоллоҳу алайҳи васаллам, унинг яқинлари ва саҳобаларига салавот айтиш билан машғул бўлдим. Ярим уйқу ва ярим уйғоқлик орасида қулоғимга аллакимнинг: “Темурбек, фатҳу зафар сенга ёр бўлади!” – деган овози эштилди. Тонг отиб, ёруғ тушгач, намозни жамоат билан ўқидим. Шу пайт қарасам, Илёсхожа ўз амирлари билан отланиб, фавж-фавж бўлиб кетаётибдилар. Амирларим ва сипоҳийларим уларнинг кетидан қувиш қасдида мендан буйруқ беришимни илтимос қилдилар. Мен ўйлаб туриб, уларни то мақсадлари маълум бўлгунча таъқиб этишни бир оз кечиктиришни маслаҳат кўрдим. [Тахминан] тўрт фарсанг ерга бориб тўхтаганларидан кейин, уларнинг мақсадларини тушундим. Нијатлари – бизни тоғдан тушириб, яланг ерда жанг қилиш экан.

[Бир неча кун илгари] мен шикаст етказган ҳировул амирлари ҳам [Илёсхожа] қошига қочиб борганди ва Илёсхожа уларни тоза койиб берганди.

Шу пайт уларнинг режаларини билганимни ва тоғдан тушмаётганимни кўриб, орқаларига қайтишга ва менга хужум қилишга мажбур бўлдилар. Мен фавжларимни

<sup>80</sup> Орлот – йирик турк қавмларидан бирининг номи.



тоғ этагида сафга тизиб, жанға киришни мұлжалладим. Жета лашкари тоғ этагига етиб келиб, нима қилишини билмай хайрон турғанда, баҳодирларимга ёв устига қалин үқ ёғдиришни буюрдим. Душманнинг кўпини ярадор қилдилар. Кеч кириб қоронғу тушганда, [ғанимларим] кўлларидан бир нима келмаслигини кўришгач, тоғ этагини гир айлантириб жойлашдилар. Ўша кеч лашкаримни тўрт фавжга ажратиб, ўзим бош бўлиб, тунда ғаним устига тўсатдан босқин қилиш фикрига келдим. Менинг бу кенгашим амирларимнинг ҳам дилига ўтиргач, тонгга яқин отландим ва тун панасида тўрт томондан ғаним устига ҳамла қилдим. Жета лашкари ўзини йифиб, тартибга келтиргунча баҳодир йигитларим уларни тўзитиб ташладилар. Чопқилашиш пайтида ҳар икки томондан кўп одам ўлди. Жета лашкари “ал-фарор”<sup>81</sup>, “ал-фарор”, дея чекиндилар. Мен Илёсхожага етиб олиб, “Йўл бўлсин?” деб қичқирдим. Овозим Илёсхожанинг қулоғига етгач, у ғазаб билан лашкарига дўқ-пўписа қилди ва аскарлари ортларига қайтдилар. Кун кўтарилигунча лашкарларимиз ўртасида жанг чопқин давом этди. Садоқ ўқдонларимиз бўшади. Ғаним лашкари чекина туриб, жанг қилдилар ва тўрт фарсанг узокликдаги ўз қароргоҳларига йўлда тўқилиб-сочилиб, шикастахол, базёр етиб олдилар. Мен ҳам тизгин тортиб, орқаларидан бошқа кувламадим ва ўша атрофда кўндим.

Жета лашкари урушда енгилганига икрор бўлганидан кейин иккинчи бор жанг қилишга ботинолмади. Мен эса сипоҳим билан Илёсхожа қароргоҳини қуршаб олдим. Сўнг вақти-вақти билан уларга ҳужум қилдим. Тинкасини қуритдим. Охири чорасиз қолган Илёсхожа Хўжанд сувидан ўтиб кетди. Мен ҳам уларни таъқиб қилиб ўтирмасдан фатху зафар билан Мовароуннахрга қайтдим.

(Шундан сўнг] салтанатимнинг мустақиллиги ва мустаҳкамлиги борасида кенгашлар ўтказдим. Кенгашларим ўзини шавкатли, буюк амир деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардан ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди. Биринчи навбат-

81 “Ал-фарор” — Куръони карим Аҳзоб сурасининг 16-оятига ишора. Оятда, хусусан, бундай дейилган: “[Эй Мухаммад] айтинг: Агар сизлар ўлиш ёки ўлдирилишдан қочсангизлар, бу қочиш сизларга [барибир] бирон фойда бермас...”.



да Мовароуннахрда салтанат байробини кўтарган амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайнни давлатимга шерик деб (элга] эшигтиридим ва у билан муросаю мадора қилдим. Гарчи у ташки кўринишидан менга дўстлик билдириса-да, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. [Чунки] ўзи Мовароуннахр салтанати таҳтига ўтиришни орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли уни хожа Шамсiddин [Кулол]<sup>82</sup> мазорига бошлаб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам ичдим. У ҳам дўстликка хилоф бирон иш қилмаслик ҳақида аҳду паймон қилди..

[Амир Ҳусайн] шундан кейин яна уч бор Қуръони мажидни қўлига олиб, дўстлик бобида онт ичди. [Лекин] аҳдига вафо қилмагани учун охири менинг [жазойимга] гирифтор бўлди.

Амир Баён сулдуснинг ўғли амир Шайх Муҳаммад ўзини улуг амир деб ҳисобларди. Унинг ҳам [кўнглини топиб], ўз томонимга оғдириб олдим ва етти қўшинга бошлиқ атаб, ўзимга мутеъ ва мулоzим қилдим. Мазкур қўшинларнинг амирларидан ҳар қайсисига вилоят инъом этдим.

Мендан ажralиб ўз улусига кетиб қолган Шер Баҳром ҳали ҳам менга бўйсунишни истамас эди. Уни ҳам ўзимга оғдириб олдим ва ҳузуримга чақиртиридим. У ўз улуси билан келиб, итоатда бўлажагини билдириди. Шер Баҳромни ўз мулоzимим этиб, бир вилоятни унга тортиқ қилдим.

Амир Ҳусайн билан орамизда қариндошлилик бўлганлигидан унга турли мурувват кўрсатиб, муросаю мадора қилдим, лекин дўст бўлмади. Иш шу даражага бориб етдики, Балх ва Ҳисори Шодмон вилоятларини мендан тортиб олди. Мен [эсам] унинг синглиси ҳарамимда эканлигининг хотирини қилиб, Амир Ҳусайнни сикувга олмадим. У билан муросаю мадора қилишга шунчалик интилдимки, ҳатто унинг амирларига ҳам бу таъсир этиб, менга бўйсундилар. Лекин Амир Ҳусайн ҳамма вақт мени мағлуб этиш пайида бўлиб, фириб бериб келарди. Охирокибат уни шамшир зарби билан мутеъ қилишга қарор бердим.

Турон вилоятини забт этиб, Мовароуннахр вилоятини ўзбеклар вужудининг хас-хашагидан тозалаганимдан

<sup>82</sup> Бу ерда хожа Шамсiddин Кулол назарда тутилган.

кейин, баъзи улусларнинг амирлари менга итоат-ла бош эгишни истамадилар ва ҳар бири ўз қабилалари олдида [ҳеч кимга бўйсунмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб] ноз қилиб турардилар. Амирларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб менга “бу давлатга баримиз шерик бўлгани миздан кейин, уларни ҳам давлатга шерик деб билайлик” дедилар. Лекин уларнинг гаплари менинг салтанат юритишимдаги файратимга таъсир қилмади. Ўз-ўзимча: “Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эгалик қиласидиган подшоҳ ҳам битта бўлиши керак”, дея ўйлар эдим.

Шу пайт [авлиёлардан ҳисобланган] Бобо Али Шоҳ хузуримга келди ва: “Ҳой Темурбек, Тангри таоло буюрганки, агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур” деди. Мен унинг сўзларига эргашдим. Куръони мажиддан фол очсан, ушбу қутлуғ оят чиқди: “Инно жаалнока халифатан фил арз”, яъни “Биз сени ер юзига халифа қилдик”<sup>83</sup>. Мен буни [истикболнинг] хайрлик ва муборак фоллари сирасига киритдим ва ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсунишни истамаган амирларни турли тадбирлар ишлатиб, ўзимга итоат эттириш учун бир неча бор уриндим. Энг аввал Амир Ҳожи барлос олдига бориб, уни ўзимга иттифоқдош қилдим. Баён сулдус ўғли Шайх Муҳаммад шаробхўрликка муккасидан берилиб кетганди. Охири шароб унинг бўғизидан олди ва у олам билан видолашди. Унинг вилоятини ўзимга қўшиб олдим. Амир Боязид жалойир ҳам Хўжанд вилоятини тасарруф этган эди. Унга [дўстона] насиҳат берсан, қабул қилмади. Оқибатда ўз улусининг одамлари унга қарши чиқишиб, олдимга кишанлаб келтирдилар. Мен [ўтган ишларни юзига солмай] унга илтифотлар кўргиздим. Буни қўргач, ўзи [уятдан] шарманда бўлди.

Элчи Буғо сулдус Балхда ўз салтанати туғини кўтарган эди. Бобоси Амир Қозоғон тахти шу ерда бўлганлиги учун Балх тахтига даъво қилаётган Амир Ҳусайнни Элчи Буғога карши қайрадим.

Муҳаммадхожа Аперди, найман аймогидан бўлиб, Шибирғонот<sup>84</sup> вилоятини босиб олгач, менга қарши исён

<sup>83</sup> Куръони карим, Сод сураси, 26-оят.

<sup>84</sup> Шибирғонот – Балхнинг гарбий тарафида жойлашган вилоят.

тугини кўтарганди. Мен унга бошқа вилоят бериб, уни ўзимга содик навкар қилиб олдим. Бадахшон вилоятига эгалик қилаётган Бадахшон шоҳлари эса менга қарши душманлик йўлини тутдилар. Уларнинг ҳар бири билан турли келишувлар қилдимки, бир-бирлари билан урушиб кетдилар. Охири менинг паноҳимга кириб, [бўйсундилар].

Кайхусрав Хатлон вилоятини ва Улжойту Аперди Арҳанг<sup>85</sup> вилоятини эгаллаб олгандилар. Кайхусравга Улжойту Апердининг вилоятини босиб олиши учун мадад кучи жўнатдим. Оқибатда Улжойту Аперди паноҳ излаб менинг хизматимга келди. Амир Хизир Ясовурий<sup>86</sup> ўз халқи — ясавурийлар мадади билан Тошканд вилоятини босиб олган эди. Кайхусрав билан Улжойту Апердини бир-бири билан яраштиридим. Буларга ёрдамчи куч йўсимида бир тўда киши қўшдим. Икковлари бирлашиб, ясавурийларга ҳужум қилиб, талон-торож қилдилар. Амир Хизир [Ясовурий] ожиз қолиб, менинг паноҳимга келди.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрни уруш-талашдан тинчтдим. Менинг қаҳрамон аскарларим тўла куч-куватга кирди. Ҳар томонга барлос улусининг номи ва донғи тарқалди. Менинг ҳимматим билан Чифатой кўшинлари ва тумонларининг овозаси оламга ёйилди. Жами элу халқ, қўшунот ва тумонот ҳамда кўчманичилар менинг ҳукмронлигим остига ўтди. Бироқ Мовароуннаҳрдаги баъзи қалъалар [ҳамон] Амир Ҳусайн қўлида эди, уларга менинг ҳукмим ўтмасди. Амир Ҳусайн салтанатим азимати ва шон-шавкатининг кучайганини кўргач, унда ҳасад томирлари [қаттиқроқ] ура бошлиди. Қасам билан қилган аҳд-паймонларини бузиб, менга қарши исён тугини кўтарди. Мен унинг олдига кўп марта [лутф-марҳаматлар кўрсатиб] бордим, у бўлса асло қошимга келмади. Бу-

<sup>85</sup> Арҳанг — қадимги Тоҳаристон вилоятидаги шаҳар; XIV аср иккинчи ярмидан Арҳанг—Сарой деб номланган; тахм. XVI асрдан бошлаб уни Имом (Ҳазрати Имом) ҳам атаганлар. Ҳозирги номи Имомсоҳиб, Панҷ дарёсининг чап соҳилида, Афғонистонда.

<sup>86</sup> Хизир Ясовурий — Чингизхон лашкарининг сўл қанотига қўмondonlik қилган амир Ясовурнинг авлодларидан. Ясовурий Вахш ва Толиконни босиб олишда иштирок этган ва эли ўша юртларда ўтириб қолган. Хизир Ясовурий эса аввалига Амир Темурнинг ишонган яқин амирларидан ҳисобланган. Бироқ кейинчалик Амир Ҳусайн томонида туриб жанг қилган ва шу жанглардан бирида ўлдирилган.



нинг устига сиртидан такаллуфлар билдириб, аслида хийла-найранг ишлатиб, мендан Қарши қальасини олиб кўйди. Қарши қальасини кўриқлаб туриш учун кўрғонбеки амир Мусо бошчилигида етти минг отлик аскар тайинлади. Кейинроқ у ерга яна қўшимча беш минг отлик аскар юборди. Бу билан кифояланмай, мени ўлдирмоқчи бўлди. Мендаги салтанат файрати туғёнга келиб, Қарши қальасини ундан тортиб олишга ундаdi. Баъзи амирларим у ерга юриш килиб, қальани жанг билан қўлга киритишни менга маслаҳат бердилар. Қарши қальасини олиш режаларини туза бошладим. Улар айтгандай уруш билан олсам, бунинг хатарли томонлари кўплиги кўнглимдан ўтди. Ўзимча “Мабодо қальани жанг билан олмоқчи бўлсаму фаним лашкарининг ёмон кўзидан кўшинимга зарар етса-чи?” деб ўйладим. Сўнгра жанг қилиш фикридан вақтинча воз кечдим ва бошқа тадбирни кўллашга киришдим. Хуросон томонга юзланиб, бу билан Қарши қальаси бекларининг хотирини жам қилмоқчи бўлдим. Кейин эса лашкарим билан [яширинча] орқага қайтиб, тунда тўсатдан қальага хужум килиб, у ерни босиб олишни режаладим. Хуллас, бу ердан кўчиб, Хуросонга қараб йўлга тушдим. Омўя суви<sup>87</sup> дан кечиб ўтганимда, Хуросон томондан Қаршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвон бошчиси менга совфалар тақдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг ҳол-аҳволини суриштиридим ва Хуросон вилоятига кетаётганлигимни айтдим ва кетишларига ижозат бердим. [Лекин] карвонга айғоқчи қўшиб юбордим ва у хабар келтиргунича дарё соҳилида жойлашиб кутдим. Айғоқчи олиб келган хабарга кўра, карвондагилар Амир Мусога шундай деган эмишлар: “Амир Темурни Омўя суви ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга кетаётган экан”. Бу гап амир Мусо ва амир Ҳусайннинг лашкарига етгач, хурсанд бўлиб ва ўйинкулти ва айш-ишратга берилибдилар.

Бу хабарни эшитишим билан лашкарим ичидан энг ишончли, довюрак, жанг кўрган баҳодир йигитлардан икки юз қирқ учтасини танлаб олдим ва дарёдан ўтиб, олдинга юбордим. Ширкент<sup>88</sup> аталмиш ерга етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз, тўхтаб, [сўнг] яна йўлга тушиб,

<sup>87</sup> Омўя суви – Амударё.

<sup>88</sup> Ширкент – хозирги Бешкент, Қарши туманининг маркази.

Қарши қалъасидан бир фарсанг масофага келиб тушдим. [Одамларга] арқонларни бир-бирига боғлаб зина хозирлаб қўйишларини буюрдим. Шу пайт амир Жоку тиз уриб: “Бир гурух баҳодирлар орқада қолдилар, улар етиб келгунча тўхтаб туриш зарур”, деб ўтинч қилди. Шунда хотирамга бир фикр келди. Баҳодирларим етиб келгунча қалъани ўзим кўздан кечирмоқчи бўлдим. Қирқ киши ҳамроҳлигида Қарши қалъаси томон йўл олдим. Йироқдан қалъа қораси кўринганда, баҳодирларимни келган ерда тўхтатиб қўйдим ва уйимизда туғилиб ўсан Мубашшир ва Абдулло исмли [Йигит]ларни бирга олиб ўзим кетдим. Хандақ<sup>89</sup> бўйига етдим. Қарасам, хандақ сув билан лиммо-лим экан. Теварак-атрофга назар солиб, хандақ тепасидан ўтказилган, қалъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга қолдириб, ўша тарнов орқали хандак устидан ўтдим ва қалъанинг хокрез<sup>90</sup>ига етдим. Дарвоза олдига бориб, эшик қоқдим. [Лекин] дарвозабонлар ухлаётган экан, [ичкаридан садо чиқмади]. [Ҳар эҳтимолга қарши] дарвозани ташқарисидан кесак-тош ва лой билан тўлдириб қўйишган экан. Қалъа девори атрофини кўздан кечириб, нарвон ва зиналар кўйса бўладиган жойни топдим. [Сўнг] орқамга қайтдим ва отланиб баҳодирларим хузурига бордим. Орқада қолган лашкар фавжи ҳам нарвонлар билан етиб келишган экан. Ҳаммалари шайланиб, нарвонларни олишди ва қалъа сари юзландик. Хандақдан тарнов орқали қалъага ўтдилар. Зиналарни ҳам олиб ўтдилар ва деворга қўйдилар. Эр йигитлардан кирқтаси тепага чикиб, қалъага кириб олдилар. Мен ҳам нарвонга оёқ қўйиб энди қалъага кирмоқчи бўлган эдим, карнай тортиб, бурғу<sup>91</sup> чалдилар. Тангри таолонинг қўллаши билан қалъани қўлга киритдим.

Бу хабар Амир Ҳусайнга етгач, [энди] макру хийла йўли билан, дўст-ошно либосини кийиб, мени ром этмоқчи бўлди.

<sup>89</sup> **Хандақ** — шаҳар ёки қўрғон девори ташқарисидан гир айланасига душмандан мудофаа мақсадида қазилган чукурлик, одатда унга сув тўлдириб қўйилган.

<sup>90</sup> **Хокрез** — душман ўклари ва хужумидан ҳимоя мақсадида қалъа девори остига ўр килиб уолган тупрок; унда душман хужумини қайтариш учун маҳсус тешиклар қилинган.

<sup>91</sup> **Бурғу** — карнайнинг бир хили, ковак шоҳ шаклида бўлган.

## МЕНИ ҚҮЛГА ТУШИРМОҚЧИ БҮЛГАН АМИР ҲУСАЙННИНГ МАКРУ ҲИЙЛАСИДАН ҚУТУЛИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Ҳусайн, “менинг дўстлик ва қариндошликни риоя қилишдан бўлак ниятим йўқ”, деб Куръон устида қасам ичди ва ўша Куръонни менга жўнатди. У яна мана буларни ҳам айтганди: “Агар сенга айтган гапларимга хилоф бирон иш тутиш ниятим бўлса ва ўртадаги аҳд-паймонимни бузиб сенга ёмонлик қилсан, шу ушлаган Куръон — Худонинг китоби мени урсин”. Уни мусулмон деб билганим учун сўзларига ишондим. Шундан кейин у менинг ҳузуримга одам юбориб, “ўртадаги аҳд-паймонимизни янгиласак, худо ҳаки дуруст бўларди”, деб мени Чакчак<sup>92</sup> дарасида учрашишга даъват этди. Унинг мақсади мени макру фириб билан қўлга тушириш эди. Аҳд-паймони, сўзига ишониб бўлмаслигини билсан ҳам, аммо Куръон ҳурматини сақлаб, [айтган жойига] учрашувга боришга қарор қилдим. [Бироқ бу борада] эҳтиёт шарт, Чакчак дараси атрофига баҳодирларимдан бир гурухини юбориб, яшириб қўйишни, кейин эса ўзим бир неча одамимни олиб, учрашувга бориш режасини туздим.

Амир Ҳусайн хизматида бўлган дўстларимга хат юбориб, улардан Амир Ҳусайн қилмоқчи бўлган ишидан мени огоҳ этиб туришларини сўрадим. Дўстларимдан бири Шер Баҳром Амир Ҳусайннинг нияти шум эканлигидан мени огоҳлантириди. Амир Ҳусайн [буни сезиб қолиб] Шер Баҳромни қатл эттириди, менинг устимга эса минг отлик аскар билан хужум бошлади.

Бу хабар менга етганида, энди дарага келиб тушган эдим. Қўшинимни тартибга солдим. Шу вақт амир Ҳусайн лашкарининг қораси кўринди. Коровуллар бу факат амир Ҳусайн лашкарининг бир қисми эканлиги, унинг ўзи бу ерда йўқлигини хабар қилдилар ва: “Амир Темур бир ўзи келибди, деган гапни эшитиб, сизни қўлга тушириш учун лашкарининг бир қисминигина юборди”, дедилар.

Мен [жангу жадалга] ҳозирлана бошладим. Бу ерда ҳаммаси бўлиб икки юз отлик аскар бор эди. Амир Ҳусайн

<sup>92</sup> Чакчак дараси – Чакчар тизмасининг жанубий этагида жойлашган мавзе, ҳозирги номи Чакдара (Қашқадарё вилоятининг Дехқон обод тумани худудида).

кўшинининг фавжи дарага киргунигача сабр қилиб турдим. Ўзим келгунга қадар [бу ерга] юборган одамларимга уларнинг қайтиш йўлини тўсишларини буюрдим, ўзим эса ёгийга юзма-юз бўлдим. [Хуллас] дарада икки ёқдан қамалиб қолган ғаним лашкарининг кўп қисмини қўлга туширедим. [Сўнг] одамларимни саф-саф қилиб туздим ва Қаршига қараб юзландим. Тажрибамдан шуни кўриб билдими, дўст хар ерда асқотар экан. Амир Ҳусайнга [эса] ушбу маъмунда туркий байт ёзиб юбордим:

*Ёрга еткур, сабо, ким макр қилмишдир манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.*

Бу хатим Амир Ҳусайнга бориб етгач, кўп хижолат бўлди ва мендан узр сўради, [лекин] мен иккинчи бор унинг сўзига ишонмадим.

### ТУРОНЗАМИННИ ЎЗБЕКЛАР ТОИФАСИ ҚОЛДИҚЛАРИДАН ТОЗАЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Жета ва Илёсхожа лашкарини Мовароуннахрдан кувиб, Хўжанд дарёсининг нариги қирғоғига ўтказиб юборган бўлсан ҳам, ўзбекларнинг баъзи фавжлари Мовароуннахр қалъаларида мустаҳкам жойлашиб олган эдилар. Аввалига уларни бостириш учун лашкарим қисмларини юбормоқчи бўлдим, бироқ мабодо бу иш чўзилиб кетса-чи, деган фикр мени ташвишга солди.

Шу орада менга ўзбеклар қалъаларга яшириниб олганлари ҳақида хабар келтирдилар. Лашкар қисмларини у ерга юбориш тўғри бўлмас, деб [бошқа] чора излай бошладим. Сўнгра Илёсхожа номидан қалъадагиларга қаратा ёрлиғ ёзиб, урушиз топширишларини буюрдим. Ёрлиқни бир ўзбек кўлига тутқазиб, унга ҳамроҳ қилиб лашкаримнинг бир қисмини жўнатдим. Аскарларимга чанг-тўзон кўтариб, ўзларини ғанимга кўпдай қилиб қўрсатишини буюрдим. Илёсхожанинг талаби ёзилган ёрлиғ ғанимлар кўлига теккач ва лашкарларим кўтарган чанг-тўзонни кўришгач, тун қоронғусида қалъаларни ташлаб қочдилар. Хуллас, Мовароуннахр тупроғи мени ўлдиришга қасд қилган ўша золимлардан тозаланди ва мамлакат тамоман менинг қўлимга ўтди.

Қариндошлик хурмати учун Балх билан Ҳисори Шод-



мон вилоятларини Амир Ҳусайнга тортиқ этдим. У эса бу эхсону муруватимни билмади, мени маҳв этишга қасд қилди. Мен ҳам ўз-ўзим билан кенгашиб, Амир Ҳусайнни ўлдиришга қарор бердим.

Амир Ҳусайн мен кўлга киритган ғалаба ва ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичини кемириб, менга ва ҳарамимдаги ўз синглисига кўп озор берди<sup>93</sup>. У Мовароуннахрни мендан тортиб олишга, мени [эса] ўлдириб, тахтга ўзи ўтиришга бел боғлаган эди. Ўртамиизда неча бор урушлар бўлиб ўтган бўлса-да, барчасида енгилди<sup>94</sup>. Унинг адолатсизлиги, инсофсизлиги ҳадидан ошган, мени енгиш ва ўлдиришига оз қолган вақт ҳам бўлди. Айнан шу вақтда кўрслиги, ёмон йўл тутиши туфайли амирлари ундан юз ўғирдилар. Хатлон ҳокими амир Кайхусравнинг иинисини сабабсиз қатл эттириди. Оқибатда, амир Кайхусрав ҳам Хатлонда унга душман бўлиб қолди.

Амирлари [анчадан бери] ундан норози бўлиб, адват сақлар эдилар, у эса уларни ўз тарафдори деб биларди. Шу сабабли яна мени тор-мор келтириб, маҳв этиш қасдида қароргоҳини Балх чеккасидаги бир жойга кўчирди<sup>95</sup>. Бу хабарни эшитишим билан амир Ҳусайн харакатга келмасдан бурун, устига бостириб боришга қарор қилдим. Бор лашкарим билан Балх сари юзландим. Йўлда ҳар ёқдан зафарли лашкар фавжлари келиб менга кўшилдилар ва Балх атрофига бориб тушдим. Амир Ҳусайн қарши чиқиб, мен билан жанг қилди. Охири қочиб қалъага кириб олди. Сўнгра бошига нима келган бўлса, ўз қилмиши туфайли кўргилигини кўрди<sup>96</sup>.

<sup>93</sup> 1366 йилда Амир Ҳусайн Самарқандда Амир Темурга яқин бир неча бекларни исён кўтаришда айблаб, уларга катта жарима солди. Амир Темур бисотидаги бор олтин ва жавоҳирларни, шунингдек, хотини Улжой Туркон оқанинг қимматбахо тақинчоқларини ҳам кўшиб, товонга тўлаган.

<sup>94</sup> 1366 – 1370 йиллар давомида Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасида мутгасил равища ўзаро урушлар бўлиб турган.

<sup>95</sup> Бу ерда сўз Амир Ҳусайн тиклаган Балхдаги Хиндувон Ҳисори ҳакида бораётir.

<sup>96</sup> Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Язди "Зафарнома"-ларида амир Ҳусайннинг очиқ жангдан қочиб ичкари қалъага яширгани ва 1370 йил 10 апрелда кўлга олингани, ўша йилнинг 12 апрелида ўлдирилгани воқеаси батафсил баён этилган.

## МЕНГА ҲАР ТУРЛИ ЁМОНЛИКЛАР ҚИЛИБ ЧҮЧИБ ЮРГАН ВА ҚИЛМИШЛАРИ УЧУН “МЕНИ ҮЛДИРАДИ” ДЕБ ВАХИМАДА БЎЛГАНЛАРНИ ЎЗИМГА ЭЛ ҚИЛИБ ОЛИШ БОБИДАГИ КЕНГАШИМ

Амир Ҳусайн менга асир тушгандан кейин унинг навкарлари ва амирлари “энди бизни ўлдиради”, деб гумон қилган эдилар. Аввалига ниятим уларни ўлдириш эди, кейинроқ, “ахир улар аскарлар-ку?” деб уларни афв этдим ва яна аскарликка тайинладим.”

Бадахшонда ҳоким бўлиб турган уларнинг бош амири кўп мартаба жангда мен билан юзма-юз келиб, қилич чопишган киши эди. Амир Ҳусайн қатл этилгани<sup>97</sup>ни эшитгач, менинг қаҳримдан кўркиб, ўзини сергак тутди ва бордию уни тутиш учун кўшин юборсан, тўғри иш қилмаган бўлур эдим. [Шунинг учун] ўзимни уни унуган кишидек тутдим ва [унинг борасида] ушбу тадбирни қўлладим: мажлисларда, йиғин-ўтиришларда уни яхши сўзлар билан ёд этиб, мардлиги ва баҳодирлигини мақтадим, токи дўстлари: “Амир [Темур] сенга нисбатан марҳамат ва иноят мақомида турибди”, деб унга хат ёздилар. У зорланиб менга мактуб юборди ва инояту марҳаматидан умидвор бўлиб, паноҳимга келди.

## ХУРОСОН ПОЙТАХТИ (ҲИРОТ)НИ ОЛИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Ҳусайн ўлдирилиб, [унга қарашли] Балх, Ҳисори Шодмон<sup>98</sup> ва Бадахшон вилоятлари менинг тасарруфимга ўтгани ҳакидаги хабар Хуросон ҳокими Малик

<sup>97</sup> Амир Ҳусайнни хун талаб бўлиб, Хатлон ҳокими амир Кайхусрав ўлдириди, чунки амир Ҳусайн 1360 иили унинг иниси Кайқубодни ўлдирган эди. Фалакнинг гардиши айланиб, унинг ўзи ҳам 1372 иили Хоразмга юриш вақтида хиёнат қилганликда айбланиб, Суюргатмишхон (хукм. йиллари 1370—1388)нинг фармони билан амир Ҳусайннинг навкарлари томонидан айнан ўша хун талаб қилиш расмига мувоғиқ қатл этилади.

<sup>98</sup> Ҳисори Шодмон — Ҳисор вилояти (қадимги Чағониён)нинг бош шаҳари; мустаҳкам қалъаси бўлган, қадимги номи Шумон. Ҳозирги Сурхондарё вилоятида; Коғирниҳон дарёсининг шимолий тарафидағи ерларни ўзига бирлаштирган қадимий Ҳисор вилоятининг маркази. Ҳаробалари Душанба шаҳрининг кунботар тарафида ҳозир ҳам мавжуд.

ХУРОСОННИНГ АДАМЛАРИ

Фиёсуддин<sup>99</sup> га етганида, уни қўрқинч босди, [уруш килиш учун] лашкару сипоҳ тўплаб, мудофаага шайланди.

Кенгашиб, хурросонликлар хушёргигини сўндириб, фафлат уйқусига чўмдириш учун, мен ҳарбий ҳийла ишлатиш фикрига тушдим. Шу мақсадда Самарқандга юриш қилмоқчидаи бўлиб орқага қайтдим. Шу аснода Малик Фиёсуддиннинг [мендан кўнгли тинчид], жабр-зулм қилмоққа қўл урганлиги ҳақида пиrim<sup>100</sup>дан хат олдим. Менинг Самарқанд тарафга қайтганим ҳақидаги хабарни эшитиб Фиёсуддин хотиржам ўтирган эди. Шунда мен ўз-ўзимга кенгашиб, “ана энди хурросонликларнинг кўнгли мендан хотиржам бўлдӣ, уларнинг устига бостириб боришининг айни пайти”, дедим ва Балх чеккасидан қайтиб, Балхда қолдирган аскарларим билан Хиротга қараб юрдим, Малик Фиёсуддинни фафлат уйқусида босдим ва у ночор шаҳардан чиқди, хазина ва тамом бойлигини менга пешкаш<sup>101</sup> қилди. Шундай қилиб, Хурросон мулки менинг қўлимга ўтди<sup>102</sup>. Хурросоннинг барча амирлари менга бўйсундилар.

### СЕИСТОН, ҚАНДАҲОР ВА АФГОНИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ БОШҚА КЕНГАШИМ

Хурросон мамлакати бўйсундирилгандан кейин амирларим юқорида эслатилган уч мамлакатга лашкар юборайлик, деб маслаҳат бердилар. Мен дедимки: “Агар лашкарларнинг ўзи билангина иш битмаса-чи? Унда ўзим боришим керак бўлади. Менинг эса мўлжаллаб қўйган бошқа ишларим кўп”.

Маслаҳатни шунда билдимки, ўша диёрлар ҳокимларини ўзимга оғдириб олиш учун “Агар менга қўшилсанглар [кутиласизлар], курашсанглар йиқиласизлар. У ҳолда тақдирингизда нима бўлса ўшани кўрасизлар”, де-

<sup>99</sup> Малик Фиёсуддин – 1245 – 1389 йиллари Fур (марказий Афғонистон) ва Хирот вилоятлари устидан ҳукм юргизган картлар сулоласидан чиқкан ҳукмдор. Ҳақиқий исми Малик Фиёсуддин II Пир Али (ҳукм. йиллари 1370 – 1381).

<sup>100</sup> Бу ерда Амир Темурнинг пири Зайнуддин Абубакр Тойбодий назарда тутилган.

<sup>101</sup> Пешкаш – хон ва подшоҳларга уларга тобеъ бўлган амирлар ва ҳокимлар томонидан тақдим этиладиган тортиқ.

<sup>102</sup> Амир Темур томонидан Хурросоннинг ўзил-кесил бўйсундирилиши 1381 – 1383 йиллари бўлган.

ган мазмунда ёрлиглар йўлладим. Бу тадбирим тақдирга тўғри келди. Ёрлигларим уларга етиши биланоқ итоат бошларини бўйсуниш мақомига қўйдилар<sup>103</sup>.

### **ЎРУСХОН<sup>104</sup> НИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ВА ДАШТИ ҚИПЧОҚНИ БОСИБ ОЛИШДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ**

Тўхтамиш ўғлон<sup>105</sup> тахт талашиб [Дашти Қипчоқ] хони Ўрусхондан енгилиб, менинг паноҳимга қочиб келган эди. Унинг билан қўшин юборсаммикан, ё ўзим борсаммикан деб турганимда Ўрусхоннинг элчиси келиб қолди. Кенгашиб, элчининг кўнглини овлаб, сўнг кетишига ижозат беришни, ўзим эса Даشتни Қипчоқ томон юзланиб, элчининг кетидан лашкар жўнатишни мўлжалладим, токи элчи хотиржамлик билан бўлган воқеаларни Ўрусхоннинг мажлисида баён қилсин, эртаси куни менинг қўшинларим қўққисдан уларнинг устига бостириб борсин.

Ўйлаганимдек иш туттандим, тадбирим тақдирга тўғри келди. Ўрусхон элчиси бўлган воқеаларни сўзлаб бераётган пайтда, менинг кўркмас лашкарим ногаҳон келган балодек Ўрусхон устига ёпирилдилар, Ўрусхон қаршилик кўрсата олмай, қочишини ихтиёр қилди. Даشتни Қипчоқ мамлакати менга бўйсунди<sup>106</sup>.

### **ГИЛОН<sup>107</sup>, ЖУРЖОН, МОЗАНДАРОН, ОЗАРБАЙЖОН, ШИРВОН<sup>108</sup>, ФОРС ВА ИРОҚ МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ**

Ироқ аҳолисининг Музafferийлар<sup>109</sup> ва турли тоифадаги хукмдорлар зулмидан шикоят қилиб ёзган ари-

<sup>103</sup> Бу воқеа 1381 йили рўй берган.

<sup>104</sup> Ўрусхон – Жўчи наслидан бўлган Оқ Ўрда хони (1361 – 1376). У 1376 йили ҳар иккала ўрда: Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдани бирлаштириш учун кўп курашди, лекин бунга мусассар бўлолмади.

<sup>105</sup> Тўхтамиш ўғлон – Жўчи авлоди; Оқ ўрда хони. 1376 йили Амир Темурнинг ёрдами билан Ўрусхонни енгади ва Жўчи улусининг ҳар иккала қисмини, Оқ Ўрда билан Олгин Ўрдани бир-бирига қўшиб, 1395 йилга қадар Даشتни Қипчоқда Жўчи улуси устидан хукмронлик килади.

<sup>106</sup> Бу жанг 1376 йилда бўлган.

<sup>107</sup> Гилон (Жилон) – Кастий денгизининг жанубидаги вилоят; ипак матолари билан билан машхур бўлган.

<sup>108</sup> Ширвон – Озарбайжондаги тарихий вилоят. Кура дарёсининг қўйи ҳавзасида. уни Ануширвон бунёд қилганлиги ривояти бонс шу ном билан аталган.

<sup>109</sup> Музafferийлар – 1314 – 1393 йилларда Жанубий Эронни идора қилган маҳаллий сулола.

залари қўлимга тушгач, Ирокқа юриш тадоригини кўришга жазм қилдим<sup>110</sup>.

Шу пайт хотирамга: “Бу мамлакатларнинг подшохлари иттифок бўлиб, менга қарши урушга кўтарилсаларчи? Демак, жангга шай бўлиш лозим!” деган фикр келди. Амирларим ҳам жангдан аввал тегишли тайёргарликни кўриш керак, деб маслаҳат бердилар. Ўзим эса буларни бирма-бир ром этган ҳолда бўйсундириш, итоатга келмаганларини эса жазолаш даркор, деган фикрда эдим. Менинг паноҳимга келган биринчи одам Мозандарон ҳокими Амир Али бўлди. У менга пешкаш жўнатиб, мактубида “Биз ҳазрати Али авлодидан бўлган бир жамоамиз. Шу ерда қаноат қилиб кун кечираётимиз. Бу ерни олсангиз қуввату кучингиз ортар, “аммо кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир<sup>111</sup>”, деган гаплар билтган эди.

Мен Мозандарон ҳокимининг итоат билдириб қилган бу мурожаатини яхшиликка йўйдим. Кейин Гилон ва Журжонга қараб йўл олдим. У ўлканинг ҳокимлари менга бўйсунмагач, қаҳрли лашкарим фавжларини уларнинг устига жўнатдим, ўзим эса Ирок сари лашкар тортдим.

Исфаҳонни забт этдим. Исфаҳон ахолисига ишонч билдириб, қальъасини ўзларининг қўлига топширдим. Улар эса исён кўтариб, мен тайинлаган доруға<sup>112</sup> ни аскарларимдан, уч минг одам билан бирга тифдан ўтказдилар. Мен Исфаҳон ахолисини қатли ом қилиш хақида буйруқ бердим<sup>113</sup>.

## ФОРС ПОЙТАХТИ (ШЕРОЗ)НИ ВА ИРОҚНИНГ КОЛГАН ҚИСМИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОБИДАГИ КЕНГАШИМ

Шерозни музafferийларга қолдириб, Исфаҳонда эса уч минг одамимни тайинлаб, ўзим Тўхтамишхонни даф этиш учун Данги Қипчоққа лашкар тортиб борганимда, Исфаҳон ахолиси дорувани ўлдирди. Шу вақтнинг ўзида Шероз ахолиси ҳам менга бўйсунмай қўйган эди. Шу

<sup>110</sup> Бу юриш Хурсонда амир Валибек ва Алибек Жоникурбоний исенни бостириш мақсадида килинган.

<sup>111</sup> Куръони карим: 2-сурा (Бакара сураси), 237-оят.

<sup>112</sup> Доруға – шакар ҳокими.

<sup>113</sup> Бу воқеа 1387 йили 18 ноябрда содир бўлган.

сабабдан, уларни жазолаш мақсадида яна Ирекқа юриш қилишга тайёрлана бошладим. Саксон минг отлиқ аскар түпладим. Лекин бу катта лашкар билан бир йўла Ирек ўлкасига кирсам, у ерга сизмай қолиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб, лашкаримни фавжларга бўлиб, уларни Ирек мамлакатини босқин қилишга бирин-кетин юбориш керак, дея ўйладим.

Шу қарорга келиб, лашкаримни уч фавжга бўлдим ва ўзимдан олдинда боришни тайин қилдим. Ирекнинг ҳар ер-хар ерида тўпланган ғаним аскарларининг ҳаммаси тарқалиб кетди. Сўнг Шероз устига лашкар тортдим. Шоҳ Мансур<sup>114</sup> жанг майдонида мен билан тўқнашиб, жазосини топди.

## ТЎХТАМИШХОНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Лашкарларим беш ой давомида Тўхтамишхоннинг ортидан қувиб юргани сабабли<sup>115</sup> кўпинча оч қола бошладилар. Чунончи, бир неча кун бошбалмоқ ўти, ов гўшти, сахро паррандаларининг тухуми билан кун кечирдилар. Лашкарим бундай оғир аҳволга тушиб қолганини эшитган Тўхтамишхон фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди ва чумолиу чигирткадан ҳам кўп аскари билан устимизга ёпирилиб келди ва мен билан тўқнашди. Аскарларимнинг очликдан тинкаси қуриган эди. Тўхтамишхон аскарлари эса, тўқ ва осуда эдилар. Фарзандларим ва набираларим ҳузуримга келиб, тиз чўкиб, мен учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдирамагунларича, саркардаларим ва аскар бошлиqlарим жанг қилишга рўйхушлик бермадилар. Шу пайт Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил бириктирди — уруш бошлаганимда ва икки томон лашкари юзма-юз келганда, байроқдор байроғини тубан қилиши ҳақида у билан келишиб олдим. Фарзандларим [ва набираларим] олдимга келиб, тиз чўкканини эшитгач, амирларим ва нўёнларимнинг жасурлиги тутиб, жангга шай ҳолатга келди-

<sup>114</sup> Шоҳ Мансур — Музаффарийлар сулоласидан. 1387 – 1393 йиллари Форс билан Иреки Ажамни идора қилган хукмдор. 1393 йил 26 апрелда жангда ўлдирилган.

<sup>115</sup> Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши 1391 йилдаги юриши назарда тутилмоқда, Амир Темурнинг ғалабаси билан якунланган.



лар. Шунда мен [набирам] амирзода Абу Бақр<sup>116</sup>ни саккиз минг отлиқ билан хировул этиб тайинладим. Савашу чопиш қизишиб, жанг жадал ўти күкка күтарилиганды, чодирлар тикиб, таом тайёрлашга киришишни буюрдим. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроби тубан бўлди ва Тўхтамишхон саросимага тушиб қолди. У Жўчи улусини талон-тарожга ташлаб, жанг майдонига орқа ўгириб қочди<sup>117</sup>.

## ДОРУССАЛОМ (БАҒДОД)НИ ВА АРАБ ИРОҚИНИ ЗАБТ ЭТИШ ТЎГРИСИДАГИ КЕНГАШИМ

Ажам Ироқи<sup>118</sup> ва Форсни забт этганимдан кейин, кутб ул-актоб<sup>119</sup> пиридан менга қуидаги мазмунда мактуб келди: “Араб Ироқи<sup>120</sup> ва Ажам Ироқининг буюк қаҳрамони [Оллоҳ], [икки] Ироқни ҳам сенга тақдим этди”.

Бағдодни забт этиш учун даставвал султон Аҳмад жалоир<sup>121</sup> хузурига Бағдод волийси лашкарларининг қай ахволда эканлиги, юриш-туриши, қудрати ҳақида маълумотлар олиб келиш учун элчи юборишга келишилди. Элчи Бағдоддан менга: “Султон Аҳмад икки кўзли бир бўлак гўшт экан”, деган мазмунда хат юборди. Мен Тангрининг иноятига суюниб, [Бағдод устига] қараб юрдим ва тез фуреатда Бағдодга этиб бордим. Султон Аҳмад

<sup>116</sup> Абу Бақр – Амир Темурнинг неварааси; амирзода Мироншохнинг ўғли; Озарбайжон ва Ирок ҳукмдори (1382–1417).

<sup>117</sup> Бу ерда Кундузча (хозирги Самара ва Чистополь ўртасида) 1391 йил 18 июня ида бўлиб ўтган жангда Тўхтамишхоннинг мағлуб этилиши воқеаси келтирилган. Бирок, ҳали Тўхтамишон қудрати батамом синдирилмаганди.

<sup>118</sup> Ажам Ироқи (Ироқи Ажам) – ажамликлар (яъни араб бўлмаган халқстар истиқомат қилиб турган Ирок (қадимги Мидия). Эроннинг Ирок билан чегарадош ғарбий ерлари, Месопотамияга туташ жойлар.

<sup>119</sup> Кутб ул-актоб – “кутблар кутби”. Улуг мартабали шайхлар, дин пешволовари ва валийларга берилган фаҳрли ном. Бу ерда Сайдид Барака назарда тутилган, дея тахмин қилиш мумкин.

<sup>120</sup> Араб Ироқи (Ироқи Араб) – араблар истиқомат қилиб турган Ирок; асл Ирок (қадимги Вавилон).

<sup>121</sup> Султон Аҳмад жалоир – 1382–1410 йилларда Ирок, Курдистон ва Озарбайжонда ҳукмронлик килган.



жалоир қолишдан қочмоқни афзал кўриб, Карбало томонга қараб қочди. Шу билан доруссалом Бағдод менга бўйсунди<sup>122</sup>.

## ТЎХТАМИШХОННИ ЙЎҚОТИШ УЧУН КИЛГАН КЕНГАШИМ

[Тўхтамишхон мендан енгилиб] Жўчи улусини талонтарожга ташлаб, ўзи қочган эди. Кейинроқ менинг йўқлигимдан фойдаланиб, Дарбанд<sup>123</sup> ва Ширвон орқали Озарбайжонга кўп сонли лашкар юбориб, фитнаю фасод кўтарди. Бу вақтда мен ҳар иккала Ироқни ҳам эндиғина забт этиб бўлгандим. Тўхтамишхонни йўқотиш учун беҳисоб лашкар билан Дарбанд йўли орқали яна Даشتி Қипчокқа юришни маслаҳат кўрдим.

Юриш олдидан кўрик қилиб, лашкарим қаергача бориб етишини билмоқчи бўлдим. Қарасам, тўрт фарсанг масофада лашкарларим саф тортиб турарди. Тангри таолога шукр келтирдим. Сўнг Самур суви<sup>124</sup> дан ўтиб, Даشتி Қипчокнинг элу улусига ушбу мазмунда ёрликлар йўлладим: “Кимки менга келиб кўшилса улувланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади”.

Хижрий 797 (милодий 1394/95) йили Даشتси Қипчокқа кирдим ва узоқ шимолида ястаниб ётган ерларигача бордим<sup>125</sup>. Менга қарши бўлган Жўчи эл-улусини ҳароб қилиб, ўзимга тобеъ этдим. Бешинчи ва олтинчи иқлим<sup>126</sup> вилоятлари, улуслари ва қальваларини забт этдим ва ғалабаю зафар қучиб ортимга қайтдим.

<sup>122</sup> Бу воқеа 1392 – 1393 йилларда рўй берган.

<sup>123</sup> Дарбанд – Каспий денгизининг чап сохилидаги тарихий шаҳар, асрлар давомида у ерда жойлашган мудофаа иншоотлари ва қальва мухим чегара пункти ва Каспий денгизидаги катта бандарлардан бири бўлиб хисобланган. Ҳозир Доғистоннинг маркази.

<sup>124</sup> Тўғриси: Самур суви – ҳозирги Кавказдаги Терек дарёси. Яздий “Зафарнома” сида “Самур” шаклида ёзилган.

<sup>125</sup> Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги бу уруш 1395 йил 17 апрелида Терек дарёси бўйидаги водийда бўлган ва сохибқироннинг ғалабаси билан якунланган. Шундан кейин Амир Темур Даشتси Қипчокқа қарашли қатор вилоят ва шаҳарларни, Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Беркани эгаллаган.

<sup>126</sup> Бугунги кундаги етти иқлим тушунчаси фанда илк бор буюк бобомиз Мұхаммад ал-Хоразмий томонидан муомалага киритилган. Хоразм, Мовароуннахр, Фарғона, Даشتси Қипчок ерлари бешинчи ва олтинчи иқлимлардан жой олган.

## **ХИНДИСТОННИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН КИЛГАН КЕНГАШИМ**

Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим.

Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир<sup>127</sup>: “Агар Хиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз”, деди. Амирзода Муҳаммад Султон<sup>128</sup> эса: “Хиндистонни оламиз-у, бирок [бунга] тўсиқлар бор: биринчиси — денгизлар, иккинчиси — ўрмону тўқайлар, учинчиси — тўлик куролланган сипоҳийлар ва одамга ов қилувчи кутурган филлари кўп”, деди. Амирзода Султон Ҳусайн<sup>129</sup>: “Агар Хиндистонни кўлга кирита олсак, тўрт иклимга ҳукмрон бўлурмиз”, деди. Амирзода Шохруҳ<sup>130</sup> деди: “Мен турк қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб номларини атамай, лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар<sup>131</sup>, Ҳитой ва Чину Мочин подшосини — фагфур, Туркистон подшосини — хоқон<sup>132</sup>, Эрону Турон подшосини — шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Хиндистон мамлакатларида [ҳам] жорий этиларди. Ҳозир Эрону Туронзамин бизнинг кўлимиизда бўлгани учун Хиндистонни ҳам фатҳ этмоғимиз лозимдир”. Амирлар эса: “Борингки, Хиндистонни олдик ҳам дейлиқ. Бирок у ‘ерда тургун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, тиллари хинчча бўлиб кетади”, дейишди. Мен бўлсам, Хиндистонга юриш

<sup>127</sup> Пирмуҳаммад Жаҳонгир — (1376—1407). Амир Темурнинг набираси. Отаси Жаҳонгир вафотидан (1376) кейин у Кобул, Қандахор, Газни, Балхни идора қилган.

<sup>128</sup> Муҳаммад Султон — Амир Темурнинг набираси. Жаҳонгирнинг ўғли (1376—1403). Онаси Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312—1341) набираси Ҳонзода бегим бўлган. Амир Темур ўзига валиахд этиб тайинлаган. 1403 йили Кора шаҳар (Туркия)да касал бўлиб оламдан ўтган.

<sup>129</sup> Султон Ҳусайн — Амир Темурнинг қизи Ўга бегим (Оқа Беги хоним, Тағайиҳоҳдан бўлган набираси. 1406 йили Нуширвон барлос тарафидан Зубайдада боғида қатл этилган.

<sup>130</sup> Шохруҳ — Амир Темурнинг кенжака ўғли (1377—1447), Хурсон ноиби (1409—1447).

<sup>131</sup> Қайсар — Рум (Византия) ҳукмдорлари лақаби.

<sup>132</sup> Хоқон — луғавий: “хонлар хони, буюк хон”. Чингизхон ва унинг таҳт ворислари шу ном билан аталган.

учун ҳиммат қамарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечиши истамадим ва шундай жавоб қилдим: “Тангри таолога ўтиңч билан мурожаат этайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Куръондан фол очайлик, Тангри таоло нени буюрса шунга амал қилгаймиз”. Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Куръони мажиддан фол очсан, ушбу улуг оят чиқди: “Эй пайғамбар, коғирларга ва муноғиқларга қарши жаҳд қилгил”<sup>133</sup>. Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандан кейин, бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар. Уларнинг хомушлигидан дилим ранжиди.

Ўз-ўзимга кенгашиб, Ҳиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, қўшинларини кутволларига топширсаммикан, деб ўйладим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганликлари учун, уларни хароб қилишни истамадим. Гарчи юрагимни қонга тўлдириб, эзсалар-да, уларга мулойимлик кўрсатдим. Охири фикримга қўшилганларида, кўнглимда уларга нисбатан фубор қолмади. Сўнгра қайтадан кенгашиб чакириб, иқболимиз хонаси – Ҳиндистонга юзланиб зафару фатҳ дуосини ўқидим.

### ҲИНДИСТОН ПОЙТАХТИ (ДЕҲЛИ)ГА ЛАШКАР ТОРТИШ БОРАСИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Кобулда ўттиз минг жавонфор отлиқ аскари билан турган амирзода Пирмуҳаммағ Ҷаҳонгирга Сулаймон тоги орқали юриб, Синд дарёсидан ўтгач, Мўлтон<sup>134</sup> вилояти устига тўсатдан босқин қилиб, уни забт этишни буюрдим. Султон Муҳаммадхон, амирзода Рустам<sup>135</sup> ва бошқа амирларга ўттиз минг баронфор отлиқ билан Синд дарёсидан кечиб ўтиб, Кашмир тоғ этагидаги йўлдан юриб, Лоҳур вилоятига қўққисдан босқин қилишни буюрдим. Ўзим фул<sup>136</sup> нинг ўттиз минг отлиқ аскарлари билан бўлдим. Ҳиндистон юришига жамланган лашкарлар умумий сони тўқсон икки минг отлиқка етган эди. Бу эса

<sup>133</sup> Куръони карим, 66-сурә (Тахрим сураси), 9-оят.

<sup>134</sup> Мўлтон – Покистондаги шаҳар.

<sup>135</sup> Амирзода Рустам (1381 – 1424) – Амирзода Умаршайхнинг ўғли. 1405 – 1408 ва 1415 йиллари Исфаҳон ҳокими бўлган. 1424 йили Исфаҳонда вафот этган.

<sup>136</sup> Фул (ёки қул, қалб) – лашкарнинг марказий қисми.

Оллоҳнинг ердаги элчиси Мухаммад, саллоллоҳу алайҳи  
васаллам, исми шарифлари сонига тӯғри келганлиги учун,  
бу тасодифни истиқболнинг хайрли ва муборак фоллари  
сирасига киритдим.

Отланиб йўлга тушдим ва Бадахшон чегарасидаги  
Андароб деган жойга келиб тушдим. [Бу ерда бир неча  
кун туриб] Катур<sup>137</sup> тоғида истиқомат қилиб турган ко-  
Фирларни енгдим. Уларга жазо берганимдан сўнг, дор  
ул-ҳарб<sup>138</sup> бўлмиш Ҳиндистон ғазовотига юзландим<sup>139</sup>.

### ҲИНДИСТОНГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИ АФГОНЛАРДАН ТОЗАЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Шу орада менга арз қилдиларки, бир тўда афлонлар  
Ҳиндистонга олиб борадиган йўлга босқин қилиб, у ерда  
қароқчилик қилаётган эканлар. Ҳусусан, булардан Кар-  
кас қабиласининг бошчи(кадхудо)си Мусо афлон ҳадди-  
дан ошаётган экан. Менинг вафодор хизматкор ва то-  
беъларимдан бири бўлган Лашкаршоҳ афлонни Пирму-  
ҳаммад Жаҳонгир Ироб қалъасини қўриқлашга қўйган  
эди. Мусо афлон мазкур қалъага от солиб, шиддат би-  
лан босиб олибди, Лашкаршоҳ афлонни ўлдириб, қалъа-  
дагиларнинг бор-йўғини талаб кетибди.

Шу пайтда [хузуримга] Лашкаршоҳнинг иниси Ма-  
лик Муҳаммад дод-фарёд кўтариб келди. У оғасини  
ўлдирган Мусо афлоннинг жабру зулмидан шикоят қил-  
ди. Мен бўлсан [унинг сўзига кулоқ солмаган бўлиб],  
“Ҳой инсон, Мусо афлон менга хайрҳоҳлардан бири-  
дир”, дедим ва уни қамаб қўйишларини буюрдим. Амир-  
ларим мени ноҳақ зулм ўтказди, деб айбладилар.

Бироқ бунинг аксича, Мусо афлон бўлса, Малик Му-  
ҳаммаднинг хибсга олинганлиги ҳақидаги хабарни ва ме-  
нинг айтган гашларимни эшитиб, кўнгли таскин топди.  
Шундан кейин, уни ҳузуримга келишини талаб қилиб  
ёзган ёрлигимни олгач, ҳадиксирамасдан дархол етиб  
келиб, қалъани менга пешкаш қилди.

<sup>137</sup> Катур – Ҳиндикушдаги тоғли вилоят, Коғиристон, Нуристон  
деб ҳам аталади.

<sup>138</sup> Дор ул-ҳарб – (арабча “уруш уйи”), ислом динини қабул қил-  
маган мамлакатлар.

<sup>139</sup> Ҳиндистонга юриш 1398 йил апрель ойида бошланиб, 1399 йил  
апрель ойининг 27 сугача давом этган.

Мен у қальани тамоша қилиш учун ичкарисига кирганимда, унинг (Мусо афғоннинг) сипохийларидан бири мена ўлдириш қасдида ўқ-ёй отди. Кейин Мусо афғон ўзига яраша жазосини топди. Хиндистон йўли очилди.

## ДЕХЛИ ҲОКИМИ СУЛТОН МАҲМУД ВА МАЛЛУХОНЛАРНИ ЕНГИШ БОБИДАГИ КЕНГАШИМ

Султон Маҳмуд<sup>140</sup> ва Маллухон<sup>141</sup> эллик минг отлиқ ва пиёда аскар, 120 занжирбанд филлар билан Дехли қальясини мустахкамладилар ва мен билан жанг қилишга шайландилар. Кўнглим фаш бўлди. Борди-ю Дехли қальясини босиб олишга борсам-у, мабодо бу иш узоқ муддатга чўзилиб кетса, [унда нима қиласман?] Кенгашни шундан топдимки, ғаним лашкари дадилланиб, [қальядан] чикиб, саф тортиб жанг майдонига кириши учун, ўзимни кучсиз ва [қўрққандек] қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Шу сабабдан лашкардан узокроқда хандақ қаздирдим. Лашкарам билан хандақ ичига яхшилаб жойлашганимдан кейин, лашкарларимнинг бир фавжини душманга қарши жангта ташладим. Душман қархисига боргач, ўзларини кучсиз кўрсатиб, қўрққандай бўлиб чекинишларини ва ғанимларни дадиллантириб келишни бујордим. Душман лашкари бу холни кўриб ўзларини ғолиб ҳисоблаб, гердайиб жанг майдонига чиқкан эдиларки, [менинг] қаҳрли лашкарам фавжлари билан юзма-юз келдилар. Дехли ҳокими султон Маҳмуд жангта киришди ва енгилиб тоғ тарафга қочди. Бекиёс хазина ва молмулки сипохийларимга насиб бўлди.

Бир йил ичидаги Хиндистон пойтахти Дехлини забт этдим<sup>142</sup> ва мазкур йилнинг охирларида салтанатим пойтахти (Самарқанд)га қайтдим<sup>143</sup>.

<sup>140</sup> Султон Маҳмуд (Султон Носириддин Маҳмудшоҳ II) – шимолий Хиндистонни идора килган Туғлуқийлар сулоласи (1320–1413)дан чиқкан подшоҳ. У мамлакатни 1393–1399 йиллари бошқарган.

<sup>141</sup> Маллухон – Султон Маҳмудшоҳ ҳукмронлиги даврида вазир ва амир ул-умаро бўлиб, ҳукumatни деярли ўзи бошқарган.

<sup>142</sup> 1398 йил 18 декабрида забт этди.

<sup>143</sup> 1399 йил 27 апрелда.

## ГУРЖИСТОН МАМЛАКАТИНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Хиндистондан зафар қозониб қайтганимдан кейин, хали сафар чарчоғи чиқмай туриб, икки Ироқ ҳокимларидан менга арзнома келди. Ёзишларича, Гуржистон коғирлари ҳаддиларидан ошиб, чегарани бузган эмишлар.

Мен ҳамиша подшохлар учун коғирларга қарши ғазовот қилишдан, мамлакатларни забт этишдан ва жаҳонгирилкдан яхшироқ иш йўқ, деган фикрда эдим. Гуржистон имонсизларининг түғён кўтаргани хақидаги хабар келиши биланоқ кенгаш ўтказиб, “ўша диёрдаги бошқа бузуки одамларнинг ҳам бош кўтаришига йўл очилмасин”, деб зудлик билан уларни даф қилишга тутиндим. Хинд юришидан келган сипоҳийларимга “хоҳловчилар шу ерда қолсин, хоҳловчилар мен билан борсин”, деб ихтиёрни ўзларига бердим. Ҳурросон, Қандаҳор, Сеистон, Кермон, Табаристон, Гилон, Мозандарон ва Форс вилоятларидаги лашкарларимга жанг ҳозирлигини кўриб, Исфаҳон атрофига келиб, менинг зафарли лашкаримга кўшилсинглар, деб ёрлиғлар жўнатдим.

Ҳар бир мамлакатдаги итоатдан бўйин товловчиларни турли ерларга тарқатиб юборишни маслаҳат кўрдим. Чунончи, Ҳурросон ва Форсдаги бўйинтовловчиларни Туронзаминга кўчирдим ва бу мамлакатларнинг сатҳини уларнинг муҳолифлигидан тозаладим.

Сўнг Гуржистон вилояти қалъаларини забт этиш учун ўша мамлакат устига отландим<sup>144</sup>. Сипоҳийларнинг кўнглига нима ўтиrsa, шуни қилдим. Бошимга пўлат дубулға, эгнимга Довудий совут кийдим, белимга Миср қиличини боғлаб, баҳодирлигу кураш тахтига ўтирдим. Туронлик довюракларга, Ҳурросон паҳлавонларига, Гилон ва Мозандарон ботирларига кўрқинч солдим ва Сивос<sup>145</sup> ҳамда Гуржистон қалъаларини фатҳ қилдим. Қалъа-

<sup>144</sup> Амир Темур Гуржистонга ҳаммаси бўлиб олти марта (1386—87, 1392, 1394, 1399, 1402 ва 1403 й.) юриш уюштирган. Ниҳоят, сўнгти юришида 1403 йилиннинг декабрь ойида Гуржистон подшоси Гургенхон, яъни Георгий VII (1393—1407) Амир Темурга таслим бўлиб, сулҳ тузган.

<sup>145</sup> Сивос — Кичик Осиёning йирик қалъа — шаҳарларидан; Ўрта асрларда Себастия деб номланган. Қалъаси ўта мустаҳкам бўлган. “Султония—Табриз—Кўниё” карвон йўли устида, Кизил ирмоқ дарёси ҳавзасида жойлашган ўрта аср шаҳари. Ҳозирги вактда Туркиядаги шу номдаги вилоят маркази.

дан туриб [қаршилик кўрсатганларнинг] барчасини тагтамири билан юлиб, қалъадан олган ўлжаларни ғолиб аскарларимга улашдим. Озарбайжонлик бузуки, бевош кишиларни жазоладим.

Шундан кейин Малатия<sup>146</sup> қалъаси ва унинг теварагидаги ерларни забт этишга киришдим. Ўша қалъаларни забт этишдан хотиржам бўлганимдан сўнг Ҳалаб<sup>147</sup> ва Ҳамисо<sup>148</sup>ни забт қилишга ҳиммат камарини боғладим ва бир оз ҳаракат билан бу мамлакатларни ҳам фатҳ этдим. Сўнг Миср ва Шом мамлакатларини забт этишга камар боғладим<sup>149</sup>.

## МИСР ВА ШОМ [МАМЛАКАТЛАРИ] НИ ФАТҲ ЭТИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Менинг шон-шавкат ва қудратим овозаси [Рум] қайсарининг<sup>150</sup> кулогига етди. У ўзига қарашли Сивос ҳамда Малатия қалъалари ҳамда уларга тобеъ ерларни забт этганим, қалъалар ичидаги аскарларининг барисини тарқатиб, теварак-атрофга сочиб ташлаганим ҳақидаги ҳабарни эшитгач, томирларидағи файрат ҳаракатга келди ва лашкарим зарбасидан қочиб, қайсар қошида паноҳ топган Қора Юсуф туркман<sup>151</sup> ифвоси билан устимга лашкар тортишга қарор қилди.

Қайсар балога йўлиқиб, давлати вайрон бўлиши яқинлашиб қолган эди, чунки у Қора Юсуфнинг ифвосига

<sup>146</sup> *Малатия* (*Малотия*) – Рум мамлакатининг машхур шахарларидан. Ҳозир ҳам Туркияning шу номдаги вилоят маркази.

<sup>147</sup> *Ҳалаб* – Шом(Сурия)ning шимолида жойлашган қадимий шаҳар (милод.ав. 20 – асрдан маълум), Алеппо номи билан машхур.

<sup>148</sup> *Ҳамисо* (*Хумис*) – қадимги Эмесса, Оси (Орионт) дарёси бўйида жойлашган ва Шомга қарашли қадимий шаҳар.

<sup>149</sup> Миср ва Шом забтига Темур етти Йиллик (1399 – 1404) юриш вақтида, аниқроғи 1401 йили киришган.

<sup>150</sup> Бу ерда Усмонли империяси сultonи Йилдирим Боязид I (1389 – 1402) назарда тутилади. (1403 йилнинг 8 марта Оқshaҳарда вафот этган).

<sup>151</sup> *Қора Юсуф туркман* – 1380 – 1468 йиллари Ироқ ва Озарбайжон устидан ҳукм юритган қора – куюнлилар сулоласидан чиккан ҳукмдор (1388 – 1420). 1388 – 1389 й. Арманистон, Ироқ ва Жанубий Озарбайжон сарҳадларида Амир Темур лашкари билан жанглар кирган. У Сulton Ахмад жалоир билан иттифоқдош бўлган. Лекин ҳар иккалалари ҳам енгилиб, Сulton Боязид Йилдиримнинг қаноти остига қочиб боргандар. Табризга факат 1406 й. Темур вафотидан кейин қайтган.



учиб, менга қарши лашкар тортган эди. [Қолаверса] Миср ва Шом қўшинларини ҳам ёрдамга чақирган эди. Мен кенгашиб лашкаримни уч фавжга ажратсан яхши бўлар, дедим. Бироқ жангда енгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остида яширинлиги боис бу тўғрида амирларим билан кенгаш ўтказдим. Улар сипоҳийларга хос ишни тутиб, уруш очмоқни маслаҳат бердилар.

[Шундай бўлса] ҳам мен қайсарнинг [файрат] ўтини аччиқ-чучук гап билан сўндиromoқни маслаҳат кўрдим ва қайсарга мактуб йўлладим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди: “Еру кўкни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинким, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ва ҳокимлари менга эгилиб, итоат ҳалқасини жон қулоқларига тақдилар. Ўз қадрини билиб, ҳаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ёрлакасин! Сенинг наслу наسابинг ким эканлиги жаҳон ҳалқи олдида маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъат оёғини олдинга қўймаки, ранжу меҳнат балчиғига ботиб, бало чукурига йиқилгайсан. Иқбол эшигидан ҳайдалган бир тўда ифвогар кишилар ғаразли ишларини бажариш учун сенинг паноҳингдан жой олиб, ухлаб ётган фитнани уйғотмишлар. Яна ўшаларнинг ифвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмагил. [Дарҳол] Кора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўқнашганда юзингга очилғусидир”<sup>152</sup>.

Мактубни танилган элчиларим билан қайсарга юборганимдан кейин Шом пойтахти (Димишқ)га бориб туришга қарор қилдим. Ҳумис ва Ҳалаб йўли орқали у ерга равона бўлдим. Ҳалаб шахрига етганимда Миср подшоси Малик Барқұқ ўғли Малик Фараж<sup>153</sup> менинг Димишққа келаётганимни эшитиб, шошилинч равища Мисрдан Димишққа қараб йўл олгани ҳақида хабар келтирдилар. Мен Миср ва Шом лашкарларининг қўшили-

<sup>152</sup> Лекин Боязид Йилдирим Амир Темурнинг талабини инобатта олмаган, аксинча унга ҳақоратомуз жавоб мактуби йўллаган.

<sup>153</sup> *Малик Барқұқ ўғли Малик Фараж* – 1382 – 1517 йилларда Миср билан Шомда ҳукмронлик қилган Буржийлар сулоласидан чиқкан олий ҳукмдор (1399 – 1405). Шарқдаги Темурга қарши кучлар, Тўхтамиш, Кора-қуюнли туркманлари, Султон Ахмад жалоир ва Рум султонлари билан иттифоқдош бўлган.

шига йўл қўймаслик учун зудлик билан отланиб, олдинга юрдим. Лекин Малик Фараж абжирлик қилиб, мендан олдин Димишққа етиб олди. [Шундай бўлса ҳам] мен унинг орқасидан шаҳарга етиб бордим ва Димишқни забт этдим<sup>154</sup>.

### РУМ МАМЛАКАТИНИ ЗАБТ ЭТИБ, ҚАЙСАР ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Шом шаҳарларини забт этганимдан кейин ва Мисру Шом подшоси Малик Фараж жанг майдонини ташлаб қочгандан сўнг, Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини<sup>155</sup> олиб келди. Лекин [Боязид] Миср ва Шом лашкари мендан енгилганини эшитгач, ўланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилинч равишда юришга тайёргарлик кўра бошлаганини ҳам айтди. Мен эса кенгашиб Димишқ шаҳрини олиб, Шом вилоятларини бўйсундиргач, Мўсул<sup>156</sup> йўли билан Бағдодга қараб юрдим. Бу билан қайсарнинг мен билан уруш қилиш нияти бор-йўқлигини билиб олмоқчи бўлдим.

Табриз тарафга қараб юрдим. Амирзодалардан баъзиларига кўп сонли лашкар фавжларини қўшиб, Бағдод устига жўнатдим. Бу вактда Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалоир шаҳарни ва унинг қалъасини кўриқлашни навкари Фаррухга топшириб, ёнига кўп одамларни қўшиб берганди. Амирзодалар Бағдодга етиб, шаҳарни қуршаб олдилар. Иш уруш қилишга бориб тақалгач, [чопар орқали] бор ҳақиқатни менга арз қилдилар. [Бу хабарни] эшишиб ўзим Бағдодга бориб, шаҳар ва қалъани озод этишга қарор бердим. Табриз йўлидан орқага қайтиб, юриш билан Бағдодга келдим ва эҳтиёткорлик билан ҳарбий хийлалар ишлатиб, қалъани қўлга олишга киришдим. Қамал муддати икки ойу ва яна бир неча кунга чўзилгандан кейингина қалъа билан шаҳар ишғол эти-

<sup>154</sup> 1401 йил 11 январь.

<sup>155</sup> Ибн Арабшоҳнинг сўзларига қараганда, Боязид I Йилдирим ўзининг жавоб хатида Амир Темурдан орани очиқ қилиш учун унинг ҳузурига келишини талаб қилган. Акс ҳолда, “хотинларинг уч талок” (“талок би-с-салоса”) бўлсин, деб уни ҳақорат қилган.

<sup>156</sup> Мўсул – Араб Ироқининг катта шаҳарларидан.



либ, ғалаба қозонилди<sup>157</sup>. Қалъа бошлиғи Фаррух Дажла дарёсида ғарқ бўлди. Мен шаҳарга кирдим ва барча бебош, бузуқи кишиларни ўлдиришни, қалъа ва шаҳар иморатларини бузиб ер билан баробар қилишни буюрдим.

Бағдоддан кейин Озарбайжонга келдим ва ўша ерда бир қанча вакт туриб қолдим. Шу аснода қайсар Ҳалаб, Хумис ва Диёрбакр вилоятларига лашкар фавжларини юборгани ва мендан қочиб қайсар паноҳига кирган Қора Юсуф туркман эса қароқчилар бошлиғига айланиб, айниқса икки муқаддас шаҳар<sup>158</sup> зиёратига қатновчиларнинг карвонларига кўп зарар келтираётганлиги хабари қулоққа эшитилди. Бунинг устига ўша тарафлардан бир жамоат кишилар келиб, улар ҳам Қора Юсуфнинг жабрзулмидан арз қилдилар. Шунинг учун Қора Юсуфнинг жазосини бериб, қайсарнинг кўзини фафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда маслаҳатни шундан топдимки, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар тўплаб, қайсарнинг устига ёпирилиб боргайман. Лашкарлар жам бўлгандан кейин хижрий 804 йилининг раҷаб ойида (милодий 1402 йил февралида) Озарбайжондан чикиб, қайсарга қарши жанг килиш учун йўлга тушдим. Ўзимдан илгари лашкаримдан бир неча фавжини Рум мамлакати устига тўсатдан босқин қилишга тайин этдим. Яна бир неча фавжга эса йўлимиздаги тўхташ манзилларини кўздан кечириб, емиш ва ичмишни ҳозирлаб туришни буюрдим. Ўзим Ангурия<sup>159</sup> йўли билан юриш қилдим. Қайсар тўрт юз минг отлик ва пиёда аскари билан менга қарши юзланди. Урушни бошладим ва уни енгдим<sup>160</sup>. Қайсарни лашкарбошиларимдан бири кўлга тушириб, ҳузуримга келтирди.

Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим<sup>161</sup>.

<sup>157</sup> 1401 йил 20 июнь.

<sup>158</sup> Маккан мукаррама ва Мадинаи мунаффарага берилган фахрли ном.

<sup>159</sup> Ангурия – ҳозирги Анқара шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.

<sup>160</sup> 1402 йил 20 июля.

<sup>161</sup> 1404 йил август ойида.

## Иккинчи мақола

Мамлакатларни фатҳ этгувчи баҳтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи кудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим ва зурриётим салтанат таҳтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш бобида ўзим қўллаган ишларни бир неча тузукка<sup>162</sup> боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин; меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, Тангрининг инояти ва ҳазрати Муҳаммаднинг, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд ҳалқининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар.

Бу тузуклардан салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат заару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор баҳтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўригим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат таҳтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Менинг ва ўзларининг давлату салтанатларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчиси — давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим шулким, Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини кувватладим.

<sup>162</sup> Тузук — конун; турк-мўғул ҳалқлари орасида амалда бўлган конун-коидалар.



Иккинчиси шулким, ўн икки табака ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан кувватлаб, мажлислиримни шулар билан зийнатладим.

Учинчиси шулки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик, эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини муросаю мадора, муруват ва сабротекат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка солдим, дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.

Тўртингчиси – давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам саклаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипох, раият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига дайвогарлик қила олмади.

Бешинчиси – амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, олтин-кумуш билан хушнуд этдим. Базмларда уларга [ўз ёнимдан] ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Диরҳам ва динорларни улардан дариф тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машакқатларини ўзимга юкладим ва уларни тарбият қилдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшохнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб ва Ироқи ажам, Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хурросон, Жета Даشتси, Даشتси Қипчок, Хоразм, Ҳўтсан, Кобулистон, Бохтарзамин, Хиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим.

Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёrlарни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирдар қўлладим, ғаним фавжларини синдиридим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёnlарини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчидим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шутариқа дунёда ном чиқардим.

Олтинчиси – адолат ва инсоф билан Тангрининг ярат-



ган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гунохкорга ҳам, бегунохга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан хукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат<sup>163</sup> ва инсоф билан сипохийларим ва раиятни умид ва кўрқинч орасида тутдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик килдим, сипохийларга инъомлар улашдим.

Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатта мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гунохкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўткизмадим.

Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишлирини хотирадан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, бутунлай унтишар эди.

Еттинчиси – сайидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим. Шиҷоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан сухбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Буларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуо-фотиха беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, факир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талбларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ, фийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага тухмату фийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

Саккизинчи – азму жазм билан иш тутдим. Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин

<sup>163</sup> Бу ерда жазолаш маъносида.



деб. Одам Атодан бошлаб Мұхаммад пайғамбаргача, улардан то ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунларини ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суроштирудим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриклари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан ўрнак олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирудим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим, наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчилиқдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

Тўққизинчиси – раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоху раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридағи алоқаларни хатга битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Борди-ю эгри ёзганлари менга билдирилса уларни жазоладим. Ҳокимлару сипохдан қай бирининг халққа жабр-зулм еткизганини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Ўнинчидан – турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Яхшиларига – яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим.

Ким менга дўстлик қилса қадрладим, унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилса, хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим. Чунончи, улус амири Шер Баҳром аввал менга ҳамроҳ эди, бошимга иш тушганда мени ташлаб кетди ва душманларимга қўшилди, менга қарши қилич кўтарди. Охири берган тузим ҳаққи тиз уриб, яна илтижо қилиб келди.



Асл эр-йигит экани ва жанг-жадал билан суюги котган мардлардан бўлганлиги сабабли ёмон ишларининг ҳаммасидан кўз юмдим. Ҳузуримга келгач, ўзини хурматлаб, мартабасини оширдим. Уни марду мардоналиги учун кечирдим.

Ўн биринчиси — фарзандлар, қариндошлар, ёру биродарлар, қўшилар ва мен билан бир вактлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, [молу мулк ва нақд пул билан] ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлиқ меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дархол [қўл-оёғини] боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни [туриш-турмушнинг пасту баландларида] турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссик-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Ўн иккинчиси — дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипохийларни хурмат қилдим, чунки улар бокий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдонга, ҳалокатга отиб, жонларини курбон қиласидилар.

Агар фаним сипохидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундан одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Кошимга [паноҳ истаб] келганда, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

Қайси бир сипохий туз ҳақи ва вафодорликни унубиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўғириб, менинг олдимга келган бўлса, ундан одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоятлар ёзиб, ўз хукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишон берган туз ҳақини унутдилар. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғишириб қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимча, “булар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қиласиди?” деб ўйладим.

Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида курилмас экан, тўра-тузукка боғланмас

экан, ундей салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, уни кўрган ҳар кимса [ундан] нигохини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланги-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги – тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен салтанатим биносини ислом дини, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим.

Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Мухаммад, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси<sup>164</sup> (ҳазрати Мухаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим.

Равшан динга ривож беришда кўллаган биринчи тузугим шу бўлдики, саййидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга бошлик-садр этиб тайинладим. Тамом вақф<sup>165</sup>ларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий танлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда қози, муфтий, муҳтасиб тайинлашни унинг ўзига ҳавола қилдим. У саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа арбобларга суюргол<sup>166</sup> белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилсин, дедим.

Лашкар учун маҳсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим; ҳар мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундин. Ноибларимга ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар куришни, йўловчи мусофиirlар учун йўл устига работлар солишни, дарёлар устига кўприклар куришни бујордим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим береб, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинглар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

<sup>164</sup> *Хайр ал-аном* – Ҳазрати Мухаммаднинг сифатларидан.

<sup>165</sup> *Вақф* – подшоҳ ва бой-бадавлат кишилар тарафидан масжидлар, хонақоҳлар, мозорларга ёки айрим йирик дину тариқат арбобларига, уларнинг маоши учун берилган ер-сув, мол-мулк.

<sup>166</sup> *Суюргол* – инъом, совға (ер, мол-мулк).



Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида менга хабар қилиб туришларини буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин, деб адолат амирини тайинладим.

Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим. Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик ахли мўминнинг қулоғига етгандан кейин, ислом олимлари: “Тангри таоло ҳар юз йилда Мұхаммад, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва ривож бергувчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йиллик<sup>167</sup> да Амир соҳибқирон<sup>168</sup> ислом динини жаҳон ахлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Мұхаммад динига ривож бергувчи зот шу киши бўлғай”, деб фатво бердилар.

Замон уламосининг улуғи бўлмиш Мир Сайид Шариф<sup>169</sup> бу хусусда менга мактуб йўллаб ёзган эдиларки, илгариги ва кейинги авлод ислом олимларининг барчаси бир оғиздан иттифоқ бўлиб деганларки, Оллоҳи таоло, ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбаримиз, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг динини тарқатиш учун ҳар юз йилда бир кишини динга ривож бергувчи сифатида ихтиёр этади. Саккизинчи юз йилликнинг бошида Амир Соҳибқирон дини мўбинни ривожлантириди ва ҳар томонга ёйди. Дини ислом оламнинг турли ўлкалари ва шаҳарларида равнақ топди. Ҳақли равища [бу асрда] дининг тарқатувчиси Амир соҳибқиронлиги тасдиқланди. Ушбу мактубнинг нусхаси бу-

<sup>167</sup> Саккизинчи юз йиллик – хижрий ҳисоб; милодий XIV аср.

<sup>168</sup> Соҳибқирон – Зухра ва Муштарийнинг бир-бирига яқинлашган ҳолати “Қирон буржи” деб аталади. Амир Темур Зухра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) бир-бири билан яқинлашганда туғилган. Эътиқодга кўра, бундай бола келажақда тож – салтанат ва баҳту иқбол эгаси бўлади. Шундай фахрий номга Чингизхон (1155 – 1227) ва Шайбоний Абдуллоҳон II (1583 – 1598) хам сазовор бўлишган.

<sup>169</sup> Мир Сайид Шариф Журжоний (1330 – 1414) – журжонлик машхур файласуф олим. 1387 иили Амир Темур уни Самарқандга олиб келган ва у улуғ амирнинг “Дорушшифо”сида дарс берган.



дир: “Ё, Оллоҳ! Кимки, Мұхаммад динини құллаб-куватласа, Сен ҳам уни құллагил, кимки Мұхаммад динини хор қылса, Сен ҳам уни хор қылғил.

Рисолатпаноҳ пайғамбаримиз хижрат этғанларига ҳам саккиз юз йилдан ошди. Ҳар юз йил бошида Оллоҳи таоло ва тақаддус ўз әлчиси ва ҳабиби Мұхаммад динини унинг умматига тарқатувчи ва ривож бергувчини ихтиёр қиласы. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, саккизинчи юз йиллик бошида Оллоҳи таоло Амир соҳиб-қиронни ислом динининг ёйувчиси ва ривожлантирувчиси сифатида ихтиёр қилди ва у турли ўлкалар ҳамда мамлакатларда ҳалққа Мұхаммад динини қабул қилдирди. Илк ислом олимлари динни ёйувчилар ва ривожлантиргувчилар аҳволини ўрганиб, ўз китобларида бу ҳақда маълумот берганлар. Бу ривож бергувчилар қуидагилардир:

Хижратдан кейинги биринчи юз йилликда динга ривож бергувчи киши Умар ибн Абдулазиз<sup>170</sup> эдилар. У хорижийлар<sup>171</sup> минбардан туриб, ҳазрати Алига таъна қилишиб, лаънатлар ёғдиришиб, ислом динини заифлаштирганда, бу [низони] бартараф қилди. Ўша вақтда ислом аҳли иттифоқи бузилиб, кинаю адоват пайдо бўлган эди. Бир тоифа одамлар тўғри йўлдан борган халифаларни лаънатлаб, уларга таънаю дашном ёғдирилар; бошқа бирлари эса мўминлар амири ҳазрати Алини, имом Ҳусайн<sup>172</sup> ва ҳазрати Аббос<sup>173</sup>ни лаънатлар эдилар. Бу икки гурӯж ҳам ўзаро адоватда бўлиб, ўта мутаассиб эдилар. Умар ибн Абдулазиз бу низоларни бартараф килиб, ислом динига ривож берди.

Иккинчи юз йилликнинг бошида келган динга ривож бергувчи халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашид<sup>174</sup> эди. У

<sup>170</sup> Умар ибн Абдулазиз – умавия сулоласи (661–750)га мансуб саккизинчи халифа (712–720). Форсча матнда “мураввиж”, “мужадидин” истилоҳлари келтирилган.

<sup>171</sup> Хорижийлар – (араб. “ажралиб чикқанлар”; исёнчилар) – VII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган исломдаги ғоявий-сиёсий оқим.

<sup>172</sup> Имом Ҳусайн – халифа ҳазрати Алиниң ўғли (626–680). Куфада халифа Язид (680–683) аскарлари билан бўлган урушда 680 йил 10 октябр куни ўлдирилган.

<sup>173</sup> Ҳазрати Аббос – Мұхаммад пайғамбарнинг амакиваччаси Абул-аббос ас-Сафоҳ, аббосийлар сулоласининг асосчиси (749–754).

<sup>174</sup> Маъмун ибн Хорун ар-Рашид – машҳур халифа Хорун ар-Рашид (786–809)нинг ўғли ва таҳт вориси (813–833).

ислом динида пайдо бўлган етмиш икки турли ботил<sup>175</sup> мазҳабларни йўқотиб, ҳақ мазҳаби — ахли суннат ва жамоатни ривожлантириди. Али ибн Мусо Жаъфар<sup>176</sup>ни, ундан Оллоҳ рози бўлсин, Хурросондан олиб келиб, уни ўзига валиаҳд деб эълон қилди. Унинг изни ва маслаҳати билан мамлакатда ҳукмронлик қилди.

Учинчи юз йиллик бошида дини Муҳаммадийга ривож бериб равнаққа етказган халифа Муктадир биллоҳ Аббосий<sup>177</sup> эди. Абу Тоҳир бошчилигидаги қарматлар<sup>178</sup> Маккан муazzзамани босиб олиб, арафа куни ҳажга боргандардан ўттиз мингтасининг жонига қасд қилдилар ва уларни шаҳид этдилар. Муқаддас қора тош<sup>179</sup>ни Каъба деворидан сууриб олдилар. Ислом мамлакатларини вайрон этиб, [халқни] катлиом ва талон-тарож қилдилар. Шу сабабдан ислом дини заифлашиб қолди. Муктадир биллоҳ бу қавм устига лашкар тортиб, уларни улоқтириб ташлади [ва фитнани бостириди]. Бу билан ислом дини ва шариатига ривож берди.

Тўртингчи юз йилликнинг бошида дини Муҳаммадийни ривожлантирган киши Иззуддавла Дайламий<sup>180</sup> эди. Шу даврнинг халифаси аббосий Мутиъ амриллоҳ<sup>181</sup> [ҳукмронлиги вактида бўлган] фисқ-фужурлар ва унга тобеъ кишиларнинг зулми орқасида дини ислом заифлашган ва ислом мамлакатларида турли-туман фисқ-фасод кўпайган эди. Иззуддавла бу халифани таҳтдан йикитиб, ўрнига ўғли Тоиъ Биллоҳ<sup>182</sup>ни валиаҳд қилди. Иззуддавла шахсан ўзи бу динни тарқатиш ва тозалашда, бидъатни йўқотища, ношаръий ишларни бартараф этишда, жабр-зулмини тугатища мутасадди бўлди. Муҳаммад динига ривож берди.

<sup>175</sup> *Ботил* — бекор килинган, бузук.

<sup>176</sup> *Али ибн Мусо Жаъфар* (765 ёки 770—818) — шиаларнинг саккизинчи имоми.

<sup>177</sup> *Муктадир биллоҳ Аббосий* — Аббосийлар хонадонига мансуб ўн тўққизинчи халифа (908—932).

<sup>178</sup> *Қарматлар* — исмоилийлар мазҳаби шаҳобчаларидан бирининг тарафдорлари, IX асрда Месопотамиянинг жанубида пайдо бўлган.

<sup>179</sup> Матнда “ал-Ҳажар ал-асвад”.

<sup>180</sup> *Иzzuddavla Dailamiy* — Бувайхийлар сулоласидан (932—1062) чиққан ва Ирокда ҳукмронлик қилган подшоҳ (967—978).

<sup>181</sup> *Мутиъ амриллоҳ* — аббосий халифалари жумласидан (946—974).

<sup>182</sup> *Тоиъ Биллоҳ* — аббосий халифаларидан (974—991).



Бешинчи юз йиллик бошида дину шариатни ривожлантирган одам Султон Санжар ибн султон Маликшох<sup>183</sup> эди. Шайх Аҳмад Жом<sup>184</sup> ва Ҳаким Санойи<sup>185</sup> унинг замондошлари бўлиб, султон уларнинг муриди эди. Бу даврда динсизлар ва жоҳиллар ислом динини заифластирган эди. Султон Санжар динсизларни йўқотиб, ислом динини ривожлантиришга киришди. Мухаммад динига итоат ва тобеълиқда шундай даражага эришдики, шариатга хилоф бўлган ҳеч бир иш қилмади.

Олтинчи юз йилликнинг бошида динга ривож бергувчи Фозонхон ибн Арғунхон ибн Ҳалокухон<sup>186</sup> эди. Ислом дини туркистонлик кофирларнинг<sup>187</sup> истилоси натижасида заифлашган эди. Оллохи таоло дин ривожи учун Фозонхонни юз минг аскари билан қўзгади. [Тангри таолонинг иродаси билан унга топширилган] юз минг аскар Лор сахросида шайх Иброҳим Ҳамавий<sup>188</sup> раҳнамолигида Оллоҳга иймон келтириб, мусулмон бўлдилар. Тилларини: “Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Мухаммад Оллоҳнинг [ердаги] элчисидир”, деган иймон калимасига очдилар ва куфр-бидъат ишларини ташладилар, мамлакатда ва шаҳарларда шариатга ривож бердилар.

Еттинчи юз йилликнинг бошида келган Улжойту Султон<sup>189</sup> ибн Арғунхон, лақаби Султон Мухаммад Худобанда эди. Мазкур санада<sup>190</sup> оғаси Фозонхондан сўнг салта-

<sup>183</sup> Султон Санжар ибн султон Маликшоҳ – 1038 – 1194 йиллари Эрон билан Ирокни идора қилган салжуқийлар сулоласидан бўлган подшоҳ (1118 – 1157).

<sup>184</sup> Аҳмад Жом (1049 – 1142) – хуросонлик машхур ҳадис олимни ва мутасаввиф шоир.

<sup>185</sup> Ҳаким Санойи – Фазнавийлар сулоласи даврида яшаган йирик мутасаввиф шоир (1070 – 1140).

<sup>186</sup> Фозонхон ибн Арғунхон ибн Ҳалокухон – 1256 – 1353 йилларда Эрон, Озарбайжон ва Ирокни идора қилган ва тарихда Элхонийлар номи билан машхур бўлган мўғул сулоласи намоёндаси. У 1295 – 1304 йиллари салтанат қурган; ислом динини қабул қилиб, катор ижтимоий-сиёсий ислохотлар ўтказган.

<sup>187</sup> “туркистонлик кофирлар...” – бу ерда Мовароуннахр, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларни истило қилган (XIII аср) Чингизхон қўшинлари назарда тутилади.

<sup>188</sup> Шайх Иброҳим Ҳамавий – хуросонлик йирик шайх Садриддин Иброҳим назарда тутилмоқда.

<sup>189</sup> Улжойту Султон (1304 – 1317) – Элхонийлардан. Мусулмон бўлгани учун Султон Мухаммад Худобанда номи билан танилган.

<sup>190</sup> 1304 йилда.

нат тахтига ўтири. [Бир қуни] унинг қулоғига “дини Мұхаммадий шу қадар бўшашганки, намоз вактида мусулмонлар ташаххуд<sup>191</sup> дан сўнг Мұхаммадга, унинг авлодига салавот айтмай кўйибдилар, деган гап етказилди. У ўрнидан туриб Султония<sup>192</sup> жомеъ масжидига борди ва у ерга ислом уламоси ҳозир бўлишини буюрди. Сўнгра султон улардан: “Намоз вактида Мұхаммадга ва унинг наслу авлодига салавот айтишнинг нима фазилатлари бор?”, деб сўради. Улар бир овоздан: “Худойи таоло ҳукмига кўра, намозда Мұхаммад ва унинг авлодига салавот айтиш лозимдир”, деб жавоб бердилар. Ўша пайт бир гурух уламо: “И мом Шофиъий<sup>193</sup>, Мұхаммадга ва унинг авлодига салавот айтмасдан ўқилган намоз бузилган ҳисобланади, деб айтганлар”, деб ўз фикрини билдирди. Яна бир гурухи айтдиларким: “И моми Аъзам<sup>194</sup> демишидирки, Мұхаммадга ва унинг авлодига салавот айтилмай ўқилган намоз макрух<sup>195</sup> дир”. Шунда султон уламодан сўради: “Нега салавот айтганда пайғамбаримизнинг наслу авлодидан бўлган ҳар бир кишининг исми [алоҳида] зикр этилмайди-ю, [факат] хотам ул-анбиё бўлмиш пайғамбаримизга салавот айтгандагина “ва унинг авлоди...” деб қўшадилар?”. Бутун уламо бу саволга жавоб беришга ожизлик қилиб, ўйланиб қолиши. Шунда султон айтди: “Бу саволга жавоб беришда хотиримга икки далил келади. Биринчиси шулки, душманлар пайғамбаримиз Мұхаммадни ўғилсиз (абтар) деб атадилар.

<sup>191</sup> Ташаҳхуд (араб. – гувоҳлик) – Оллоҳнинг ягоналиги ва Мұхаммад пайғамбарнинг элчилигини билдирувчи диний ибора; ислом динидаги 5 асосий арконнинг биринчиси; кўпинча “калимаи шаҳодат” дейилади.

<sup>192</sup> Султония – элхон Улжойтухон қурдирган ҳалокуийлар пойтахти бўлган шаҳар. Ҳаробалари Абхар ва Занжон оралиғида жойлашган (Эрон Озарбайжонида).

<sup>193</sup> И мом Шофиъий – суннийликда шофиъийлик мазҳабининг асосчиси ва бош имоми; факих. Асли исми Абу Абдуллоҳ (767–820).

<sup>194</sup> И моми Аъзам (катта имом) – суннийликдаги тўрт мазҳабдан бири ҳисобланган ханафийлик мазҳабининг асосчиси ва бош имоми. Асл исми Абу Ханифа Нуъмон ибн Собит (699–767).

<sup>195</sup> Макрух (араб. – рад этилган, қораланган, номақбул) – шариат ҳукмларидан бири (фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром билан бирга). Қатъян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган амаллар макрух ҳисобланган, бундай хатти-харакат учун жазо белтиланмаган.

Тангри таоло наслсизликни уларнинг ўзига раво кўрди. Дунёдан насллари узилди. Агар насл қолган бўлса ҳам ном-нишонсиз бўлиб, уларнинг номини бирор киши тилга олмайди. Аммо пайғамбаримиз оиласининг зурриётлари сони шу қадар ўсдики, уларнинг ҳисобини Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. [Шунинг учун] пайғамбаримизга, унга Оллоҳнинг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, салавот айтгандан кейин уларга ҳам [Оллоҳдан] яхшилик тилайдилар. Иккинчиси шулки, ўтган барча пайғамбарларнинг динлари, қилган ишлари ё йўқоларди ёки ўзгаради. Улар динининг аҳкомлари доимий эмас эди. Аммо ҳазрати Мухаммад, унга Оллоҳнинг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, дини ўзгаришдан омон бўлиб, қиёматгача шу йўлда сакланур. Шундай бўлгач, онҳазрат (пайғамбар)нинг умматлари салавот айтиш вактида, унинг муборак номини зикр этган пайтда, унинг авлодини ҳам эслашлари лозимдир. Умматларга мълум бўлсинким, Мухаммад динининг ҳомийлари, Куръони каримни шарҳловчилар, мақтовга лойиқ шариат илмининг ҳофизлари, пайғамбарлик илмининг ворислари айнан шу кишилардир. Мусулмон динининг илмлари ва исломнинг фарзу вожибларини улардан ўргансинлар, уларга эргашиб, хурмат қилишни бурчларидан бири деб билсинлар”, деди.

Султон шу сўзларни айтгани ҳамоно, масжидга тўпланган уламо ва одамлар бирданига гулдиратиб, пайғамбарга ва унинг авлодига салавот ўқидилар. Шунда султон айтди: “Мухаммад авлодидан биринчиси – ҳазрати Али, сўнгтиси – имом Мухаммад Маҳдий<sup>196</sup> охирзамондир. Шундай бўлгач, пайғамбаримиз авлодининг изни ва рухсатисиз унинг мулкини ўз тасарруфимизга киритмаслигимиз зарур, акс ҳолда босқинчилик қилган бўламиз”.

Султоннинг бу сўзлари хосу оммнинг қулогига эшитилгач, барча уламо унинг айтганларини қабул этди. Гаплари инобатга олинганидан сўнг, султон амр қилди: “Ҳақиқат шул эркан, ахли байт<sup>197</sup> номига хутба ўқиб, уларнинг номи

<sup>196</sup> *Мұхаммад Маҳдий* – шиаларнинг ўн иккинчи имоми. 874–878 йиллар орасида, 7–9 ёшлик пайтида йўқолган. Замон тақозосига кўра, ўлдирилган бўлиши эҳтимоли бор. Шиалар эътиқодига биноан, у бир кун ерга қайтиб келади ва жаҳон узра адолат ўрнатади.

<sup>197</sup> *Ахли байт* – Мухаммад пайғамбар хонадонига мансуб, умуман эса, яқин кишилар тушунилади.



зарбланган пуллар чиқариш лозим". Бу гапларни эшигтан, кўрган уламо унинг фикрини тасдиқлаб, Оллоҳга иймон келтиридилар ва "Улжойту Султон — дину шариатга ривож берувчи", деб фатво ёздилар.

Саккизинчи юз йилликда чиққан зот динни ривожлантириб равнакқа етказувчи Амир Сохибқирондирки, оламнинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида дину шариатни ривожлантириди; саййидлар ва уламони иззату икром қилди. Пайғамбар хонадони зурриётларининг изни ва рухсати билан унинг мулкини ўз тасарруфига киритди..."

Мир Сайд Шариф ёзган ушбу мактуб менга етгач, Тангри таолога шукр айтиб, Мұхаммад ва унинг хонадонига илтижо қилиб, Тангри таолога ёлвордим: "Менга дину шариатни ёйиш ва унга ривож беришда мадад бергил!" Сўнг бу мактубни олиб, пиримнинг ҳузурларига юбордим. [Ул зот] мактуб ҳошиясига мана бу сўзларни ёзиб менга қайтардилар: "Дину шариатга ривож берувчи [Амир] Темур сохибқиронга, Оллоҳ уни қўлласин, маълум бўлсинким, бу иш ул кутби салтанатга Оллоҳи таоло тарафидан берилган жуда катта эҳсон ва буюк ёрдамдир. Динни ёйиш, шариатга ривож беришдек улкан ишда Тангри таоло сенга ёрдам бағишиламиш. [Вафодорлигинг ва яхши ишларингни] қанча кўпайтирсанг, Оллоҳ ҳам сенга [иноят ва карамини] шунча оширгай".

Пиримга юборган ушбу мактуб, унинг хати билан зийнатланиб менга қайтгач, саййидлар ва уламони иззату икром этишни бажо келтириб, шариат ривожи учун илгаригидан ҳам кўпроқ саъй-ҳаракат қилдим. Бу мактубни [бошимдан кечмиш] воқеалар дафтари<sup>198</sup> га ёзишлиарини буюрдим.

Дину шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар (тўра ва тузук)ка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим. Салтанатим обрў-марtabасини сақлаш тузуклари куйидагилардир:

<sup>198</sup> Воқеалар дафтари – подшохликда ҳар куни бўлиб турадиган воқеалар ёзиб борилган маҳсус дафтар; кундалик. Матнда "Дафтари Вақоев". "Темур тузуклари" асари қатор шарқ қўлёзмалари каталогларида "Вақоев", "Воқеот" деб ҳам номланган. "Бобурнома" асари ҳам кўпгина шарқ қўлёзмалари каталогларида шу ном билан келтирилган.



Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Мұхаммад)-нинг шариатига боғлаб, иззату хурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига мұхабbat билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини гоҳида сабртоқат, гоҳида билиб-бilmасликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Менда бирон кимсанинг ҳаки бўлса, ҳакини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсан, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим. Давлатим ва салтанатим қуёши кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган яхши-ёмон одамлар, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсин, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эхсонларим билан хижолатга кўйдим. Ўзимни уларнинг ёмонликларини унугандек тутиб, ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижаотли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузук қўрқокларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртингчидан, очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халкни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабрзулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Шу пайтда пиримдан<sup>199</sup> хат келди. Улар: “Буюк зафарлар соҳиби (Амир) Темурга, Оллоҳ уни ҳамиша қўлласин, маълум, бўлсинким, [унинг] салтанати корхонаси Тангри таоло корхонасининг бир [кичик] нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар, ноиблар,

<sup>199</sup> Мир Сайид Барака тахмин қилинади.

эшик оғалари бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғулдир, ҳеч бири ўз мартабасидан четта чиқмайди ва доимо Оллоҳнинг амрига мунтазир туради. Шундай экан, сен ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёткор бўл, токи вазирлар, лашкарбошилар, амалдорлар, иш юритувчилар, сипоҳсолорлардан ҳеч бири ўз мартабаси чегарасидан чиқмасин ва доимо сенинг ҳукмингни кутиб туришсин. Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз мартабаларида тутгинки, [бу билан] салтанатинг низомга келиб, давлат интизомга киргай. Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп халал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг қадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.


[Ҳазрати] Мухаммад авлодидан бўлганларнинг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззатхурматини ўрнига кўйгил. Уларга қанча кўп мұхабbat билдиранг ҳам, уни исроф деб ўйлама, чунки қайси иш худо йўлида бўлса, унда исроф йўқдир. Ўн икки тоифа билан давлатингга зийнат бериб, шулар билан салтанат кургил. Вассалом”, деб ёзибдилар.

Пиримнинг ушбу мактуби менга етгач, унда буюрилган ҳар бир нарсани бажо келтирдим. Салтанатим ишларини тартиб-интизомга солиб, салтанатим мартабасига тўра ва тузук билан зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим.

Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки оий деб ҳисобладим.

**БИРИНЧИ ТОИФА** – сайидлар, уламо, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштиридим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисларимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, аклий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

**ИККИНЧИ ТОИФА** – ақлли кишилар ва кенгаш сохиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар; кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг сухбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба ҳосил қиласардим.



УЧИНЧИ ТОИФА – дуогўй кишиларни қадрладим. Хилватда улардан дуолар тилаб, истакларимнинг бажо этилишини ўтиниб сўрардим. Мажлисларда, йифинлар, базмлар ва жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топдим. Чунончи, менинг лашкарим Тўхтамишхон лашкарининг кўплигини кўриб саросимага тушиб қолганда, сохиби дуо бўлмиш Мирзиёуддин Сабзаворий<sup>200</sup> бошидан салласини олди; кўлларини дуога очиб [мен учун] Тангридан зафар тилади. Ҳали дуоси тугамай, дуо таъсири кўринди [ва лашкарим ёйини қочирди].

Яна бир мисол шулки, саройим ҳарамидагилардан бири қаттиқ бетоб бўлиб, ўлими яқинлашди. Дуогўй саййидлардан ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умридан бир йилни унга бағишлади ва у соғайиб яна ўн икки йил умр кўрди.

ТЎРТИНЧИ ТОИФА – амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан сұхбатлашиб, маслаҳатлар олдим.

Жанг майдонида мардона килич чопишган шижаатли жасур кишиларни хуш кўтардим; жанг майдонларига от чоптириб кириб-чиқиши усулларини, фаним лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, килич чопишни улардан сўрар эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга ишониб кенгаш сўрар эдим.

БЕШИНЧИ ТОИФА – сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан чиккан баҳодирлар, довюракларга махсус фахрли ўтога<sup>201</sup>, камар ва ўқдон тақдим этиб, мартабаларини кўтардим.

Ҳар мулк ва мамлакатнинг беклари, улуғлари, бошлиқ-оқсоқоллари<sup>202</sup> ни ҳурматладим; уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим; ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келажакда қиладиган хизматлари учун етти йиллик озуқаларини бирваракайига бердим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисига зулм кўрсатиб, оёқости қилолмас эди. Бошка

<sup>200</sup> Низомиддин Шомий ва Шарафулдин Али Яздий "Зафарнома"-ларида Мир Сайийд Барака номи келтирилади.

<sup>201</sup> Ўтога – бош кийимга тақиладиган, укпар ва қимматбахо тошлар билан безатилган зийнатли белги, мансаб ва мартаба рамзи.

<sup>202</sup> Матнда "Калонтарон ва қадхудоён".

сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, улар ҳаддидан ошиб ортиқча қадам кўёлмасди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ховлиқтирмадим ва на кўп тушуриб кўнгилларини чўктирмадим. Ҳайси бири бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича хурматладим.

Кимнинг ақли ва шиҷоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларнидан ортиқроқлигини кўрсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим.

**ОЛТИНЧИ ТОИФА** – ишончли, тўғри эътиқодли оқил-хирадманд кишиларким, давлат сирларини уларга очиб, салтанат ишлари бўйича улардан маслаҳат олишимга лойик эдилар. Бу тоифа кишилар билан сирдошлик қилиб, ўз маҳфий ишларим ва ниҳоний сир-асрорими ни ўшаларга топширдим.

**ЕТТИНЧИ ТОЙФА** – вазирлар, девон котиблари ва муншийларики, салтанатим саройини шулар билан бе-затдим. Буларни менга мутеъ мамлакатларни кўрсатувчи кўзгу деб билдим. Чунки улар ҳар мулк-мамлакат, сипоҳ ва раият воқеаларини менга билдириб турдилар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанат мулкига тушган рахналарни беркитишнинг лойик чораю тадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимиға оид ишларни тўғри олиб бордилар. Ҳамиша мамлакат тўкинчилиги ва ободлиги учун ҳаракат қилишарди.

**САККИЗИНЧИ ТОИФА** – ҳакимлар, табиблар, мунахжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатар эдим. Мунахжимлардан сайёralарнинг кутлуг ва қутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг тархини чиздирдим.

**ТЎҚҚИЗИНЧИ ТОИФА** – муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар накл килувчилар ҳамда қиссанхонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштиридим. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни,



уларнинг салтанат тахтига қандай етишганликларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганлигини улардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшишиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва жаҳон ахли ахволидан хабар топар эдим.

**ЎНИНЧИ ТОИФА** – машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, сухбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшишиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини мушоҳада этдим ва сухбатларидан роҳатланиб, хузур қилдим.

**ЎН БИРИНЧИ ТОИФА** – касбу ҳунар эгалариdir; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва турғунликда сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа жиҳозларни ҳозирладилар.

**ЎН ИККИНЧИ ТОИФА** – ҳар мамлакат ва диёрсаёҳатчилирию мусофиirlарининг бошини силадимки, турили мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карvonбошлилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин, Хитойгами, Хўтсан, Чину Мочин<sup>203</sup>, Хиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон<sup>204</sup> гами, уерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтирсинглар. Ўша мамлакатларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмуши хақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомала-ю муносабатда эканлигини аникласинлар.

## **МЕНИНГ ДАРГОҲИМГА ИЛТИЖО ҚИЛИБ, ПАНОҲ ИСТАБ КЕЛГАН ТУРКУ ТОЖИК, АРАБУ АЖАМ ТОИФАЛАРИДАН БЎЛГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ТУЗУГИМ**

Биринчи навбатда, мазкур тоифа ва табақалардан бўлган саййидлар ва уламони иззат-хурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса дарҳол муҳайё этиб, муқар-

<sup>203</sup> Чину Мочин – Чин Хитойнинг марказий ва шарқий қисми; Мочин – Жанубий Хитой. Мочиннинг бошқа номи Табғач.

<sup>204</sup> Фарангистон – бу ерда Франция.



пар равища уларнинг ахволидан хабардор бўлиб туришни буюрдим. Агар сипохийлар тоифасидан бўлсалар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-ахволларига яраша эҳтиёжлари таъминлансан. Агар касбу хунар ва маърифат ахлларидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсан. Булардан бошқа билагида кучи бор факир-мискинлар эса ўз ахволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар. Яна шундай амр қилдимки, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсан. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсан. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли усқуналар ва ёрдам берилсан.

Ҳар тоифа ва ҳар синфдан кимки ўз ихтиёри билан сипохийлик хизматига киришни истаса, уни ҳарбий [хизмат]га олсинлар. Асил ва шижаатли сипохийзода қайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин берив, хизматига ва ишига яраша тарбият қилсинлар.

Яна амр этдимки, узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирав экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхони неъматидан уни маҳрум киласинлар.

Кимки ҳузуримга киритилса ва кўзим унга тушса ҳолига яраша хурматлаб, совға-саломлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккичи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар.

## **САЛТАНАТНИ ЎЗ ЭРКИМДА САҚЛАШ УЧУН АМАЛ ҚИЛГАН ТУЗУТИМ**

Ушбу ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан салтанат таҳтига ўтиредим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебахра қолур.

[Подшоҳ]:

Биринчидан, ўз сўзига эга бўлсан, ишини ўзи билиб қилсан, яъни раият подшосининг айтган сўзини, қилган



ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Шундай бўлгач, подшоҳ салтанат мартабасига шерик бўлгудек қилиб бироннинг гапига ва ишига эргашмасин. Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик, ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, кошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди. Чунончи, амир Ҳусайннинг золим бир вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ноҳақ жарималар солар эди. Орадан кўп вақт ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Ҳусайннинг салтанат уйи хароб бўлди.

Учинчидан, бутун мамлакатда буйруқ ва таъкидлашлар подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи хукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг хукмига аралашиб, ўзgartира олмасин.

Тўртингчидан, подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қиласин, уни бекор этмасин ва то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшоҳ хукми жорий этилиши зарур, яъни қандай хукм чиқаришидан қатъий назар, амалга оширилиши керак. Бирон кимса гарчи хукмни заарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қиломасин. Чунончи, эшитганманки, султон Маҳмуд Фазнавий<sup>205</sup> Фазна шахри<sup>206</sup> майдонига катта тошни келтириб қўйишни буюрган экан. Ундан ўткинчи-кеткинчиларнинг от-увловлари хуркиб ўта олмай қолибди. Шунда одамлар тош йўл бўйидан олиб ташланса, деб султон хузурига қанчалик арзшикоят қилиб боришмасин, султон “чиқарган хукмимдан қайтмайман, унга хилоф бирон иш ҳам қилмайман”, деган экан.

<sup>205</sup> Маҳмуд Фазнавий – Хурросон, Афғонистон ва Шимолий Хиндистонни 977 – 1186 йиллар идора қилган ғазнавийлар сулоласининг юрик намояндаси (998 – 1030); машхур фотих, илм-фан ва адабиёт ҳомийиси.

<sup>206</sup> Фазна (Fazni) – Кобулнинг жанубида, Қандахор орқали Лоҳур ва Шимолий Хиндистоннинг бошқа шаҳарларига олиб борадиган йўл устида жойлашган пойтахт шаҳар.



Олтинчидан, подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё бевафо хотин каби, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади. Чунончи сulton Махмудга хоинлик қилган вазирлар уни салтанат тахтидан тушириб, тахтни ўzlари эгалладилар. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди.

Еттинчидан, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. [Лекин] қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида саклаб, вактида ишлатсин.

Саккизинчидан, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб иш тутмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳакида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, эшитсин. Лекин амал қилишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

Тўққизинчидан, подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармонига ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этолмасин; итоат ва тобеълик қилсан; исён кўтармасин.

Ўнинчидан, [подшоҳ] нима қилса, ўз эркича қилсан, нима деса ўз сўзида катъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукм хурматидан бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ўн биринчидан, салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

Ўн иккинчидан, [подшоҳ] мажлис аҳлидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, гапни ташқарига ташийдилар, подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшашибир воқеа менинг ўзим билан [ҳам] рўй берганди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча сухбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари бўлиб чиқди.

## СИПОХ САҚЛАБ ТУРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жанг жадал билан суяги қотган ўн киши йифилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар.

Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб, тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировини амир килиб, уни юзбоши деб номласинлар.

Агар ўн юзбоши йифилса, амирзодалардан ақлли, шижоатли, баҳодир бир кишини амир этиб сайлаб, уни мингбоши десинлар ва мингбоши амир дея мурожаат қиласинлар.

Агар қарамларидаги бирон кимса ўлса ёки қочиб кетса, ўрнига янги кишини тайинлаш ўнбошиларнинг ихтиёрида бўлсин. Шунга ўхшаш юзбошилар ўнбошиларни, мингбошилар юзбошиларни тайин қиласин. Булардан ўлган, қочган, янги тайинланганлар бўлса, сабабларини айтиб, менинг арзимга етказинлар,

Яна буюрдимки, уруш кунларида ва салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг хукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники [эса] қўл остидагиларга жорий этилади. Агар бу тузукка қаршилик қиласалар жазога тортилсинлар. Агар уруш ишларида ким камчиликка йўл қўяр экан, уни четлатиб, ўрнига бошқани қўйсинлар.

## СИПОҲГА УЛУФА<sup>207</sup> БЕРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва оддий сипоҳийларга ушбу тартибда маош берилсин.

Оддий сипоҳийга, ўз вазифасини ўринлатиб бажариси шарти билан, маоши минган отининг баҳоси бўлсин. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинсин. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Юзбошилар

<sup>207</sup> Улуфа – харбийларга бериладиган ҳак, маош.



маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларнидан уч баробар зиёда бўлсин.

Яна ҳукм қилдимки, сипохийлардан қайси бири уруш ишларида хатоликка йўл қўйса, маошидан ўндан бирга камайтирсинглар.

Яна буюрдимки, ўнбоши юзбошининг тасдиги билан, юзбоши мингбошининг тасдиги билан, мингбоши амир ул-умаро(амирлар амири)нинг тасдиги билан улуфа олсинлар.

Амр қилдимки, амирлар амирининг маоши ўз қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхаш, девонбеки ва вазирларнинг маошлари эса амирларнидан ўн баробар қўп бўлсин. Ясовул<sup>208</sup> лар, қалақчи<sup>209</sup> ларнинг маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан ўн минг [танга микдорида] бўлсин.

Ахли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозиллар, ҳакимлар, табиблар, мунахжимлар, қиссаҳонлар, хабарчилар, тарихшуносларга ўз холларига қараб, суорғол, вазифа ва маош белгиласинглар. Пиёдалар, хизматчилар, чодирчилар юздан минггача [танга баробарида] маош берсинглар.

Яна ҳукм қилдимки, амир ул-умаро ўз ҳақини девонбеки ва вазирларнинг тасдиги билан олсин. Давлат томонидан белгиланган бутун маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеки ва вазирлар аввал менга билдириб, сўнгра танҳоҳ<sup>210</sup> берилсин.

Яна буюрдимки, сипохийларнинг ҳар бирига маош олиш ёрлифи топширилсин. Уларга берилган маблағ миқдори шу ёрлиғнинг орқасига ёзиб қўйилсин.

## СИПОҲГА ТАНҲОҲ ВА УЛУФА ТАҚСИМЛАШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, пиёдалар, қалақчилар, ясовуллар, чоповулларнинг бир йиллик маошларини ҳисоблаб, белги-

<sup>208</sup> Ясовул – хонларнинг кичик хизматчи; қўриқчи; ясо бажаришини назорат килувчи.

<sup>209</sup> Қалақчи – хосилга қараб хирож микдорини белгилаб берувчи мансабдор.

<sup>210</sup> Танҳоҳ – сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва бошқалар учун маҳсус ҳазинадан маош топширилиши учун ҳисбот бериш шарти билан бериладиган пул; баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳоҳ сифатида ер-сув берилган.



ланган маблагни девонхонага келтириб, шу ерда уларга улашсиналар. Оддий сипоҳийлар ва баҳодирларнинг олти ойлик маошини ҳам хисоблаб, танҳоҳ хазинасидан олиб беришни буюрдим.

Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар омонлиги<sup>211</sup> хазинасидан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул хисобида ёзилсин. Мингбошиларга вилоят ичидаги тупроклардан тијол<sup>212</sup> берсиналар. Амирлар ва амир ул-умароларга эса сарҳад ерлардаги вилоятлардан бири тијол қилиб белгилансин.

Вилоятлардан тушган даромадларни ушбу йўсинда тақсимлашни буюрдим: вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жаъми даромадни тақсимлаб, маош бериш ёрлиқларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзсинлар. Сўнг ёрлиқлар девонхонага келтирилсин. Амирлар ва мингбошилар шу ёрликлардан бирини чиқариб олсин. Агар ёрлиқда маошидан ортиқ [кўрсатилган] бўлса, бошқани ўзига шерик қилсан. Бордию кам бўлса, уни қўйиб бошка ёрлиқ тортиб олсин.

Яна буюрдимки, амирлар, мингбошилар раиятдан молу жиҳот<sup>213</sup> йиққанларида, хирождан ортиқча соварий<sup>214</sup>, қўналға<sup>215</sup> ва шилон<sup>216</sup> талаб қилмасинлар.

Тијол қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинласинлар. Бири вилоятдан йифилган молни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсинки, ер эгаси фуқарога жабр-зулм етказиб, уларнинг ҳолини хароб этмасин. У вилоятдан йифилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиши лозим. Иккинчи вазир эса, [даромаднинг] харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзсин

<sup>211</sup> Шаҳар омонлиги хазинаси –фатҳ этилган шаҳар ахолисидан тўпланган “моли омон” (ўлпон) сакланадиган хазина.

<sup>212</sup> Тијол – хирож ва солик йифиб олиш ҳаққи билан инъом этилган ер-мулк; вилоят.

<sup>213</sup> Молу жиҳот – қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан натура тарзida олинадиган солик; даромаднинг бешдан бир ёки учдан бир қисми хажмида олининган.

<sup>214</sup> Соварий(турк) – тортиқ, совға.

<sup>215</sup> Қўналға – элчилар, хон чопарлари, ўткинчи амалдорлар ва сипоҳийга қўноқ бериш; уларнинг навкарлари, соқчилари ва хизматчиларини, шунингдек, от-увовини бокиш мажбурияти.

<sup>216</sup> Шилон –подшоҳлар зиёфати учун халқдан тўпланадиган маблағ.



ва [йиғилган моллардан] сипоҳийларнинг маошига тақсим қилсин. Қайси амирга тијол берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинар. Агар аҳвол бунга терс бўлса, ул вилоятни холиса<sup>217</sup>га ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга ҳақ берилмасин.

Яна буюрдимки, хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, кўрқитиш ва тушунтириш йўли билан ундири辛勤лар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундаи ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир.

## ЎФИЛЛАР ВА НАБИРАЛАРГА УЛУФА БЕРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, тўнғич ўғлим Мухаммад Жаҳонгир валиахдимдир; у вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг отлик аскар ва уларнинг улуфасини олсин.

Иккинчи ўғлим — Умаршайх ўн минг отлик аскар ва уларнинг улуфасини олсин. У бир вилоятни олсин.

Учинчи ўғлим — Мироншоҳ тўққиз минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятни бошқарсин.

Тўртинчи ўғлим — Шоҳруҳ етти минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятга эга бўлсин.

Набиралар эса ҳар қайсиси, истеъодига яраша, уч мингдан етти минг отликқача улуфа олиб, бир вилоятга ёгалик қилсин.

Ва яна менга қавм-қариндошлиги бор кишиларга, ўз ҳолига қараб ва қобилиятига яраша, биринчи дараҷали амир мартабасидан тортиб то еттинчи даражали амир мартабасигача бўлган амирлик ва ҳукмдорлик [манслаблари] берилсин. Уларнинг ҳар бири ўз мартабасига яраша иш тутиб, ҳаддидан ошмасин. Бунга хилоф равишда иш тутганлар, жавобгарликка тортилсин.

<sup>217</sup> Холиса — давлат ихтиёрида бўлган ва барча соликлардан озод этилган ер-сув ва мол-мулкни тасарруф этувчи олий идора.



## ЎФИЛЛАР, НАБИРАЛАР, ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛАР, АМИРЛАР ВА ВАЗИРЛАРНИ ЖАЗОЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН САЛТАНАТДА ИНТИЗОМ САҚЛАШ ҲАҚИДА ТУЗУК

Амр қилдимки, агар ўфилларимдан қайси бирори салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча, асирликда сақласинлар, токи Ҳудонинг мулкида уруш чиқмасин. Агарда набиралар ёки қавм-қариндошлардан бири менга қарши кўтарила, уни дарвишлик ҳолатига солсинлар<sup>218</sup>.

Салтанатим қўргонлари бўлмиш амирлар агар иш устида нифоққа борсалар, уларни мартабасидан туширсинлар ва ерлари тортиб олинсин. Агар давлатга зиён еткизгудек иш қилсалар, улар бошқа амирларга тобеъ этилсинлар. Агар сипохийлик ишларида ялқовлик қилган бўлсалар, уларга ёзиш-чизиш билан шуғулланувчилар орасидан иш берилсин. Агар шундан кейин ҳам хатоликка йўл қўйиб, калтабинлик қилсалар, иккинчи бор хизматга олмасинлар.

Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида.

Шундай буйруқ бердим: агар улар салтанат ишларида хиёнат этсалар ва салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришда шошилмасинлар. Авваламбор уларни айловчи ва хабар етказгувчиларнинг кимлигини текшириб кўрсинлар. Кораловчилар даъволарининг рост-ёлғонлигини маҳак тошига<sup>219</sup> уриб синааб кўрсинлар. Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва фийбатчилар ё кўролмай, ёки тамагирлик билан ёлғон тўкиб, уни чиндай қилиб кўрсатадилар ва [палид] максадларига етишадилар. Талайгина пасткаш, разил одамлар борки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жонфидойиларини ҳийлагарлик ва маккорлик билан хароб қиладилар. Макруу сотқинлик билан салтанат қўргонига путур етказмоқ пайда бўладилар.

Чунончи, амир Ҳусайн менинг вазирларимдан бири билан тил бириктириб, унга бойлик ваъда қилган ҳолда

<sup>218</sup> Яъни мол-мулки тортиб олинсин.

<sup>219</sup> Маҳак тоши – кумуш ва олтиннинг тозалигини аниклаб берадиган кора тусли бир тош.

давлатимнинг таянчларидан бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жокуни менга қарши қайрашни буюрди. Унинг шум ниятидан огох бўлдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга олдим.

Яна бир воқеа юз берганди. Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ ва эътиборли амирларимдан, саналган амир Аббосга ҳасад ва душманлик қилиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини алангалатдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида амир Аббосни ўлимга маҳкум этдим. Охироқибатда уларнинг амир Аббос ҳақига хиёнат қилганикларини англадим ва килган ишимдан ўқиниб, пушаймон бўлдим.

Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари, молия ишларида хиёнат қилсалар ва [бойликнинг бир қисмини] ўзлаштириб олган бўлсалар, [текшириб кўрилсин]. Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли ҳақ микдоридан ошмаса, мазкур маблағ унга инъом ўрнида қолдирилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортифи оладиган маоши хисобидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси [салтанат хазинасига] тортиқ сифатида олинсин.

Яна ҳукм қилдимки, [вазирларни] ортиқча сийламасинлар, чунки алоҳида иззат-икром кўрсатиб, ўзларини обрўсизлантириб қўйишлари мумкин. Бу эса салтанатга зиён етишига сабаб бўлур.

Фаразгўй, бузуки ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табакадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам ахлиниң барчаси дунёталабдир. Агар вазирлар бундай одамларнинг кўнглига қарасалар, давлатга хиёнат қилган бўлурлар; қарамасалар, вазирларга душманлик килурлар.

Чигатойхон<sup>220</sup> нинг бир вазири бўлган экан. Фаразгўйлар уни “хазинадан бир неча минг олтин ўғирлади”, деб [хонга мактуб] ёзган эдилар. Мактубни хонга кўрсат-

<sup>220</sup> Чигатойхон – Чингизхоннинг иккинчи ўғли, 1227 – 1242 й.да ўз улусида – Чигатой улусида хон бўлган. Ушбу улусга ҳозирги Шарқий Туркистон, Кошфар, Или ва Еттисув воҳасидаги ерлар, шунингдек, Мовароуннаҳр караган.

ганларида, у мазкур вазирни хузурига чақиришиб, унга ғазаб қилиб дебди: “Сен назари паст одам экансан. Мендек подшохнинг вазири бўлатуриб, мамлакатимдан шунчалик оз нарса ўзлаштириб олибсан!” Доно вазир [хоннинг] бу қадар катта эҳсонидан мамнун бўлиби ва бор давлатининг барчасини келтириб хонга пешкаш қилиби. [Бу билан] хон олдида ўз мартабасини ва обрў-эътиборини сақлаб қолиби.

[Яна хукм қилдимки], қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошибб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум кўлига топширсинглар, токи унинг жазосини зулм кўрганлар берсин.

Кишлок оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикроқ дарражадаги одамга зулм қилсалар, ўша зулмга яраша, ҳар кимнинг кўтаришича жарима солсинглар. Агар доругалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм этиб, уларни ҳароб қилган бўлсалар, ишларига лойиқ жазо берилсин. Бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан кейин ундан жарима олсалар, сўнг яна дарра билан урмасинглар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинглар.

Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, ясо<sup>221</sup> бўйича жазолансин. Кимки бироннинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинглар.

Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозисига олиб бориб топширсинглар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси хукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса ажрим қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин.

## ВАЗИР ТУТИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга кишилардан бўлишлари лозим: биринчиси — асилилк, тоза насллилк; иккинчиси — ақл, фаросатлилк; учинчи-

<sup>221</sup> Ясо — турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган конун-коидалар; Чингизхон даврида жорий этилган конунлар.



си — сипоху раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик; тўртингчиси — сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.


Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундан одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Мамлакат ишларини, сипох ва раият ихтиёрини унга топширсинглар. Бундай вазирга тўрт имтиёз; ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат берилсин.

Камолатга эришган вазир улким, давлат муомалаларини тартибига келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилик билан, асли-насли тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйрукларида унинг асилиги ва тоза насллиги кўриниб турсин. Душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар кимнинг номини яхши сўзлар билан тилга олади. Бирордан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бирордан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиласди, у [охири] ёмонлигидан қайтади. Ўзига ёмонлик қилган одамга нисбатан шундай яхшилик қиласди, [охири] олдига бош эгиб келади.

Қайси вазир фийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Наслию зоти паст, ҳasadчи, кина-кеқ сакловчи, қора кўнгилли кишиларга зинхор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуки, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди. Масалан, Маликшоҳ Салжуқий<sup>222</sup> ўз вазири Низомулмулк<sup>223</sup>ни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам ва-

<sup>222</sup> *Маликшоҳ Салжуқий* – салжуқийлар сулоласи (1038–1194)дан чиккан ва кўпинча Жалолиддин Маликшоҳ I номи билан машҳур подшоҳ (1072–1092). Бу вақтда салжуқийлар Эрон ва Ироқ устидан хукмронлик қилганлар.

<sup>223</sup> *Низомулмулк* (асл исми: *Абу Али ал-Ҳассан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий* (1018–1092) – Салжуқий сultonлардан Аллар Арслон (1063–1072) ва Маликшоҳ I (1072–1092)ларнинг бош вазири. Низомулмулк “Сиёсаннома” номли катта тарихий асари билан ҳам машҳур.



зирнинг қабиҳ ишлари, зулми-ситами ва нафси бузуклиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади. Шунга ўхшаш яна бир мисол. Аббосийлардан халифа Мустаъсим Биллоҳ<sup>224</sup> ҳасадчи, гина-кудуратчи ибн Алъамийни ўзига вазир этиб тайинлади. У кўнглида халифага нисбатан гана-кудурат, душманлиги бор бўлганлиги учун, халифани мунофиқона гаплар билан алдаб, ўзи эса Ҳалокухон билан тил бириктириб, уни халифалик тепасига олиб келди. Халифа Мустаъсимни эса қўлга олиб, ўлимга маҳқум этди. Шуни эътиборга олиб, асли тоза, насли пок, улуғ зотлардан бўлган, яхши равишлик кишилардан топиб, вазир қилинглар. Чунки асли тоза киши хатоликка йўл қўймайди, бадасл эса [хожасига] вафо қилмайди.

Қайси вазир софлик, тўғрилик билан вазирлик ишига киришиб, давлатнинг молия мулкия ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуклик қилмай, омонатга хиёнат этмай бажаарар экан, ундан вазирни энг олий марта-баларга етказсинлар. Қайси вазир бузуклик қилиб, ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай ундан салтанатдан хайру баракат кўтарилади.

Доно вазир шулдирки, ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиқ-қўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўлик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб, тамагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар кўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради. Салтанат ишларини сабр-тоқат, чидам билан адо этади. Салтанат муаммоларини ўз ўрнида қаттиққўллик, ўз ўрнида мулойимлик билан ҳал қиласди. Бу хилдаги вазирни давлат шериги деб билсинлар, чунки давлату салтанат уч нарса: мулк, хазина ва лашкар билан тикидир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши ахволда, саранжом тутади. Жами яхши хулқлар соҳиби бўлган вазир азият етганда ҳам

<sup>224</sup> Мустаъсим Биллоҳ – аббосийлар сулоласига мансуб Бағдод халифаларининг сўнгти вакили (1242–1258).



ҳеч кимга кўнглида гина-адоват сақламайди. Агар гинаю кек сақлаб, душманлик қиларкан, бундай вазир мунофиқдир. Ундан вазирдан эҳтиёт бўлиш керак, чунки давлат душманлари билан тил бириктириб, хазинани ва лашкарни хароб қиласди. Ақлли вазир улки, бир кўли билан раиятни, иккинчи кўли билан эса сипохни тутади. Олгулик жойдан олиб, бергулик жойга беради. Сергаклик ва эҳтиёткорликни қўлдан бермайди. Тўғрилик ва ростлик билан муомалада бўлиб, хар ишнинг оқибатини ўйлаб иш тутади. Давлат фойдасини кўзлагани учун, бирорвга душманлик қилишни кўнглига келтирмайди. Тажрибали, ишбилармон ва билимдон вазир шундай бўладики, мамлакат ободонлигини, раият ва сипохнинг тинчфаровонлигини, хазина бойлигини доим кўзда тутади. Давлат, салтанатга фойда келтирадиган ишларни бажаришга тиришиб, ҳаракат қиласди. Салтанатга зарар етказидиган хатарли ишларни бартараф қилишда молу жонини аямайди. Сипоху раиятта тегишли муҳим ишларни яхшилик йўли билан, тўғри тадбир ишлатиб, амалга оширади. Яхши ҳулқли вазир шулки, унинг эзгу ишлари ёмон феъл-атворидан устунлик қиласди.

Эшитишумча, Низомулмulkнинг озгина ёмон қилмишларини кўплаб хайрли ишлари мағлуб этган эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: “Малиқшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир”.

Яна эшитганманки, Али ибн Лақатий халифа Хорун ар-Рашид<sup>225</sup>нинг вазири эди. Ундан Тангри таолонинг бандаларига кўп нафъу фойда етарди. Кунлардан бир куни ўз ихтиёри билан вазирликни тарк этмоқчи бўлибди. Ўшанда дин пешволаридан бири унга шундай деб ёзибди: “Сен халифа даргоҳида мулозимлик қилиб, вазирлик ишини бажариб туравер. Бу ишни ташлашни ўйлагин ҳам, чунки [бу мартабада туриб] халққа етказаётган ёрдаминг ва нафинг, сен қилган бутун ишлар ва ҳаракатларингнинг энг олийсидир”.

<sup>225</sup> *Хорун ар-Рашид* – аббосийлар сулоласидан чиккан машхур халифа (786–809);adolatparvar ҳукмдор ва илм-фан, маданият ҳомийси.



Яна шуни эшитдимки, ҳазрати пайғамбаримиздан, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, сўрабдилар: “Агар сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда, қайси иш билан машғул бўлардингиз?” Улар шундай деб жавоб берган эканлар: “Султонлар хизматида бўлишни ихтиёр этиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказардим”.

Шу сабабдан, ҳалқка ёрдаму мадад бериш максадида, мен ҳам Туғлук Темурхоннинг ўғли Илёсхожага вазирлик ҳамда сипоҳсолорлик қилишга рози бўлган эдим. Тангри таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, Оллоҳ таоло мени салтанат мартабасига етказди.

Тадбиркорлик ва қилич воситаси билан бирор мамлакатни забт этган, ёки [химоя этиб] сақлаб қололган вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар. Унинг мартабасини ошириб, уни “қилич ва қалам сохиби” деб атасинлар.

Ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир шундай бўладики, бир тўғри тадбир қўллаб ғаним қўшинини пароканда қилиб юбора олади. Муросаю мадора, ҳушмуомалалик билан сипоҳни бирлаштириб, душман лашкарини ўзига ром қиласди. Бундай вазир валинеъматнинг сокчиси бўлиб, подшосининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлик ва узоқни кўра билиши билан осонлаштиради. Агар салтанат ишларида чигил-жумбоқ учраса, ақлу фаросати бармоги билан уни ечиб юборади. Чунончи, Алибек Жониқурбоний мени банд этгач, бурга тўла уйга камаб кўйди. Вазирларимдан Азизуддин Термиздан юриш қилиб, менга ёрдам бериш учун этиб келди, [тадбир ишлатиб] Алибекни ухлатиб кўйди. Бу иши билан унинг кўзини мендан беркитиб, қувват бағишлади. Шижаот ва мардлигим тутиб, қўлимдаги қилич зарби билан кўп сокчилар орасидан кутулиб нажот топдим. Шунга ўхшаш Низомулмулк ҳам Султон Маликшоҳни Қайсар<sup>226</sup> бандидан халос этган эди.

Шундай бўлгач, бунака вазирни давлат шериги деб билиб, азиз тутсинглар, зинхор унинг сўзидан чиқмасинлар. У нима деган бўлса бари ақл кўзгусидир.

<sup>226</sup> Қайсар – ўрта асрларда битилган тарихий манбаларда Рум мамлакати (ҳозирги Туркия) султонлари шу ном билан аталган.



Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳнинг жабр-зулмини [тўхтатиш] чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса салтанат ишлари тез муддатда инқирозга учрайди.

## АМИРЛИК ВА ҲУКМДОРЛИК ТУЗУГИ

Энг яқин навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, акл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди ва кетини ўйлаб иш тутадиган кишилар эди. Уларнинг ҳар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда, ўринбосари унинг ўрнига ўтиради ва уни “амирликка номзод” деб атайдилар. Менинг бу уч юз ўн уч амирларимнинг бариси акл-хуш эгалари, базму жанг шерлари маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди.

Тажрибамдан синааб билдимки, жангнинг сир-асорорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизигандан ўзини йўқотмасдан, кўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар кўшин сафига рахна тушса уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади.

Шундай киши амир ул-умаро бўла оладики, мен йўғимда, тинчлигу савашда ўринбосарим бўлиб, шон-шавкат ва маҳобат билан бутун сипоҳга буйруқ бериб, унга каршилик қилганларни жазолай оладиган бўлсин.

Уч юз ўн уч кишидан тўрт нафарини бегларбеги этиб, бир кишини амир ул-умаро қилиб тайинлашни буюрдимки, унинг ҳукми юришларда, урушларда амирлар ва бутун сипоҳ томонидан сўзсиз ижро этилсин. У ўзим боримда йўлдошим, йўғимда эса ўринбосаримdir.

Файратли, ор-номусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда амирлик даражасини бердим:

Биринчи амирга минг кишига буйруқ бериш ҳақини бериб, уни амир қилиб тайинладим. Иккинчи амирга икки минг кишига буйруқ бериш ҳақини бериб, мазкур икки минг аскарга амир этиб қўйдим. Шунга ўхшаш учинчи амирни – уч минг, тўртинчисини – тўрт минг, бешинчисини – беш минг ва шу тартибда ўн иккичи амиргача кўпайтириб бориб, олти мингдан ўн икки минг-



гача аскарга амир этиб белгиладим. Амирлик тартибига қараб, бирини иккинчисига ноиб этдим. Масалан, биринчи амирни иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирни учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амирни ўн иккинчи амирнинг ноиби қилиб белгиладим. Ўн иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби бўлди. Амир ул-умаро эса менинг ноибим ҳисобланади. Қайси бир амирга бирор кор-хол бўлса, ўрнига ноиби ўтиурсин.

Яна буюрдимки, ўша уч юз ўн уч кишидан юзтаси – ўнбоши, юзтаси – юзбоши, юзтаси – мингбоши бўлсин. Жанг пайтида амир ул-умаро – амирларга, амирлар – мингбошиларга, мингбошилар – юзбошиларга, юзбошилар – ўнбошиларга бошлиқ деб буйруқ бердим. Шунингдек, ўнбошининг ишини – юзбошига, юзбошининг ишини – мингбошига, мингбошининг ишини – амирга, амирнинг ишини – амир ул-умарога буюрмасинлар. Ўнбоши билан битадиган ишни юзбошига, юзбоши битирса бўладиган ишни мингбошига юкламасинлар. Амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур.

## **СИПОҲИЙЛАРНИ ЭНГ ҚУЙИ ДАРАЖАДАН ОЛИЙ МАРТАБАГАЧА КЎТАРИШ ТУЗУТИ**

Қилич чопищда ўзини кўрсатган баҳодирларни, биринчи мартаба бўлса – ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса – юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар. Ўнбоши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда уни ўнбоши қилсинлар. Қилич чопищда ўзини ҳимоя қила туриб кўзга ташланган аскарлар бундан истиснодир, чунки ҳўқиз ҳам сузишганда шохини никтайди. Шундай экан, сипоҳийнинг аслу насабига ҳам караш лозим.

Агар мингбоши қилич зарби билан ғанимнинг бир фавж лашкарини синдирса, уни биринчи амир этиб тайинласинлар. Биринчи амир ёв лашкари сафини бузиб, уларни тарқатиб, баҳодирлик кўрсатса, уни иккинчи амирлик даражасига кўтарсинлар. Шунга ўхшаш, қайси амир ёв лашкари тўпини тўздириб, иш кўрсатар экан, уни ўз мартабасидан юқори кўтарсинлар. Сипоҳийлардан кимки астойдил қилич чопса, ойлигини оширсинлар. Қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгириб қочса, уни илтифоти-



миздан маҳрум этсинглар. Агар мажбуран чекинган бўлса, узрини қабул қилсинглар. Агар уни ваҳима босган бўлса, изза қилсинглар. Қайси сипохий, душман қаршисида қилич чопиб, яраланса, уни тақдирлаб, инъом берсинглар. Борди-ю яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланганигини эътиборга олсинглар. Чунки у фанимга ҳужум қилмаган тақдирда ҳам, ёв ҳамласи вақтида жароҳатлангандир, яраси унинг не ҳолга тушганигининг гувоҳидир.

Қайси бир сипохий ўзини қўрсатган бўлса, рағбатлантириб ҳақини адо этсинглар. Қайси бир сипохий хизматда юриб қарилик ёшига етаркан, уни ойлик-ҳақдан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик керак. Ҳеч бир сипохийнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё накди учун аямаганликларининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиклигини билдиради. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини қўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар.

Яна амр қилдимки, қайси бир амир ёки сипохийнинг менинг давлатим учун хизмати синггани аниқ бўлса – фаним лашкарини синдирган, бирор мамлакатни забт этган, ёки [жон-жаҳд билан] қилич чопишган бўлса, хизматини тақдирлаб, ҳақини адо қилсинглар. Ёши кекса сипохийларни ҳурматлаб, азиз тутсинглар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинглар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинглар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтқазсинглар.

Яна амр қилдимки, фаним томонидан қўлимизга ҳар қандай сипохий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинглар. Унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қилса, навкар бўлсин; йўқ деса уни озод этсинглар. Бунга мисол, мен қайсар билан урушда<sup>227</sup> қўлга тушган тўрт минг румлик аскарни озод қилдим,

Фаним сипохийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрий равишда, ёки мажбур бўлиб, паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинглар. Чун-

<sup>227</sup> Амир Темурнинг Рум султони Боязид I Йилдирим билан 1402 йилнинг 20 июлида Анқара останасида бўлган уруши.



ки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган туз ҳақини оқлаган. Шунга ўхшаш, мен ҳам Шер Баҳромга нисбатан шундай қилдим. Амир Ҳусайн билан бўлган урушда у мен билан юзма-юз тўқнашиб, қилич чопишиди; кейинрок эса ўзи иложсизлиқдан менинг паноҳимга келганида, уни ҳурматладим.

Менгли Буғо ҳам Балх урушида менга қарши лашкар тортиди. Жанг бошланишидан аввал ўзим томонга оғдириш мақсадида унга хат юбордим. У эса Туғлук Темурхоннинг ҳақига кўрнамаклик қилмади ва менга қарши лашкар тортиб, эрларча жанг қилди. Охирокибат енгилди. Кейинчалик ўз ихтиёри билан ҳузуримга тиз чўкиб, паноҳ излаб келганда, унинг мартабасини улуғладим, илтифоту марҳаматлар кўрсатдим. Унга қилган иноятларим ҳаки ўртамиздан ўтган ноҳушликларни бутунлай унудди. Йиғинларда унинг қилган баҳодирликларидан сўзлаб, оғарин айтар эдим. Ўзи аслида эр йигит бўлгани учун менинг давлатимда ҳам кўп баҳодирлик кўрсатиб, мени мамнун этди. Озарбайжон урушида Қора Юсуф билан тўқнашганимда, лашкарим оғир аҳволга тушиб қолди. Шунда у майдонда Қора Юсуфнинг ўлган аскар бошликларидан бирининг бошини найза учига санчиб, баланд кўтарди ва лашкаримга Қора Юсуфнинг боши деб, уни ўлдига чиқарди. Бундан лашкарим дадилланиб, жангга ташланди ва Қора Юсуф лашкарининг ўртасига ҳужум қилиб, Қора Юсуфни қочирди. Бу урушда Ҳора Юсуф устидан қозонилган ғалабани Менгли Буғо номига ёздиридим ва унинг мартабасини оширдим.

### **АМИРЛАР, ВАЗИРЛАР, СИРОХИЙЛАР ҲАМДА РАИЯТНИ ТАҚДИРЛАБ, ИНЬОМ-СОВФАЛАР ВА МАРТАБАЛАР БЕРИШ ТУЗУГИ**

Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ёғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: фахрли хитоб, түф ва ноғора бериб, уни “баҳодир” деб атасинлар; уни давлат ва салтанат шериги [деб] билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар; унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Агар амирлардан қайси бирори тўрани (хон ўғлини) енгса ёки бирон амирзодага



шикаст етказса, ё бирор ўлка хонини мағлуб этса, уни юқоридаги тартибда мукофотласинлар. Чунончи, Дашиби Қипчоққа, Ўрсухонга қарши уруш учун юборган амирим Ики Темур уни енгиб қайттач, амирни мукофотлаб, унга туман(лашкар), туғ, алам (байроқ) ва ногора бердим. Уни давлатимга шерик билиб, ўзимга маслаҳатчи ва вазир қилдим. Кенгашларимга киритдим ва чегарадаги вилоятлардан бирини унга тақдим этиб, у ерлик амирларни унга бўйсундирдим.

Шунда ҳасадчилар унинг ҳақида [турли уйдирма] гаплар тарқатиб, “Ўрсухоннинг улусини талон-торож қилиб, мол-мулкини ўзиники қилиб олди” дедилар. Бу гаплари билан ундан кўнглимизни бир оз совутдилар. Бироқ мен Баҳром Чубин<sup>228</sup> қиссасини эшитиб тажрибам ортганди. Воқеа бундай бўлган экан. Хоқон<sup>229</sup> уч юз минг қонхўр турк аскари билан Хўрмуз ибн Нуширвон<sup>230</sup> устига лашкар тортди. Хўрмуз эса Нуширвоннинг вазири, маслаҳатчиси ва сипоҳсолори бўлмиш Баҳром Чубинни 320 минг эроний аскар билан хоқонга қарши урушга йўллади. У хоқон лашкари билан тўқнашиб, уч кечаю уч кундуз жангу жадал қилди. Охири хоқонни енгиб, бор ҳақиқатни Хўрмузга арз қилди, ўлжа қилиб кўлга киритган бутун мол-мулкни Хўрмузнинг ҳузурига жўнатди. Шу аснода ҳасадчилар ва фийбатчилар Хўрмуз мажлисида унга қарши тухмат қилиб, “Баҳром мол-мулкнинг катта қисмини ўзига олиб қолди, хоқоннинг асл қиммат-баҳо тошлар билан безатилган қиличи ва тожи, жавоҳирлар қадалган этигини ўзлаштириб олди”, дедилар. Хўрмуз ҳам хомтамъа бўлиб, Баҳромнинг [аввалги] хизматларини унудди. Фаразгўй ва фийбатчи кишиларнинг гапларига ишониб, Баҳром Чубинни гуноҳкор ва хоин деб билди. Унга аёллар ёпинчиғи, бўғов ва занжир кишан юборибди. Баҳром бўйнига бўғов, оёғига занжир кишан солиб, аёллар либосини кийди. Сўнг ҳузурига амирлар, сипоҳ бошлиқларини чақиртириб, саройда йифилгандар олдига шу алпозда чиқди. Саркардалар ва оддий сипоҳийлар бу

<sup>228</sup> Баҳром Чубин – сосонийлар (мил.нинг III – VII асрлари) замонида ўтган машхур саркарда, вазир ва Эрон подшоси (590 – 591).

<sup>229</sup> Милоднинг 590 йили Эронзаминга бостириб кирган гарбий туркларнинг хоқони Шаба хоқон назарда тутилган.

<sup>230</sup> Хўрмуз ибн Нуширвон (Ануширвон) – сосонийлар сулоласидан чиқкан шаҳаншоҳ Хўрмуз IV (579 – 590).



холни кўриб, Хўрмузга таънаю дашномлар ёғдиришиди. Ундан ихлослари қайтди. Сипоҳ Баҳром Чубин билан иттифоқ бўлиб, Хўрмуз даргоҳига бостириб келди: уни салтанатдан тушириб, Ажам мамлакати салтанатининг таҳтига Хусрав Парвиз<sup>231</sup> ни ўтқаздилар.

Мен бу воқеадан сабоқ олганим сабабли, сипоҳимнинг таънаю дашномларига қолиб кетмаслик учун амир Ики Темурни хузуримга чорладим; сарой ходимлари ва халқни тўплаб мажлис қурдим. Ўрусхон улусидан ўлжа қилиб олинган бутун мол-мулкни бир ерга тўплаб, амир Ики Темурга ва у билан бирга қилич чопган баҳодирларга ва сипоҳийларга инъом қилдим.

Яна амир қилдимки, жангда ўзини кўрсатиб, қаршисидаги ғаним лашкарини синдириган ҳар бир амирнинг мартабасини оширсинилар.

Чунончи, Тобон баҳодир Тўхтамишхон билан бўлган урушда [от солиб], ғаним байроқдорига этиб олди ва душман байроғини ерга туширди, ўзи бир неча жойидан яраланди. Ҳасадчилар ва шу қаҳрамонликка даъвогарлар унинг бу хизматини мендан яширмокчи бўлдилар. Лекин мен уни [инъомдан] холи қолдириш инсофдан эмас, деб билиб, Тобон баҳодирга амирилик мартабасини бердим. Сўнгра унга иззат-икром кўрсатиб, байроқ тақдим этдим.

Яна амр қилдимки, ўнбоши, юзбоши ва мингбошлиардан қай бири душман сафини бузиб, ўз қаршисидаги аскар фавжини синдириса, ўнбоши бўлса, шаҳар ҳокимилигини берсинилар. Юзбоши бўлса, уни бирон мамлакат ҳукмдори этсинилар. Бунга мисол шулки, юзбоши Барлос баҳодир Тўхтамишхон билан бўлган урушда ёв лашкари билан юзма-юз тўқнашиб, душманни синдириди. Уни Ҳисори Шодмон мамлакатига ҳоким этиб тайинладим. Яна буюрдимки, мингбошилардан биронтаси қаршисида турган ғаним лашкарини синдириса, уни мамлакат ҳукмдори қилсинилар. Бунга мисол, Муҳаммад Озод Катур жангидан [бир оз бурун] Бурхон ўғлон лашкарини мағлубиятга учратган сиёҳпӯш<sup>232</sup> жамоасини енгиб, уларни синдири-

<sup>231</sup> *Хусрав Парвиз* – сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ (581–628).

<sup>232</sup> *Сиёҳпӯш* – юзига қора мато тортилган одам; баъзи манбаларда Катур (Кофиристон) халқи исломни қабул қилмаганликлари учун шундай аталган.



ди. Мұхаммад Озодни Қундуз ва Кўлоб<sup>233</sup> мамлакатла-рига волий этиб тайинладим.

Яна ҳукм чиқардимки, амирлардан қайси бири ғаним қўлидаги бирор мамлакатни фатҳ этиб, душман тасарру-фидан озод қилса, шу мамлакатни уч йилга унга инъом тариқасида берсингилар.

Ва амр қилдимки, қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида чўмок, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоға, камар, турна беллик қилич ва бир от берсингилар ҳамда ўнбошилик мартабасига кўттарсингилар. Иккинчи, учинчи бор баҳодирлик кўрсатса, юзбоши ва мингбоши мартабасига етишади.

## КАТТА НОФОРА ВА БАЙРОҚ АТО ЭТИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир нофора берилсин. Амир улумарога байроқ ва нофора, туман туғи<sup>234</sup> ва чортуғ<sup>235</sup> тақдим этсингилар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсингилар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта нофора берсингилар. Аймоқ<sup>236</sup> ларнинг амирларига бўлса, биттадан бургу тақдим этсингилар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, нофора, чортуғ ва бургу берсингилар.

[Ўн икки] амирдан қайси бири душман фавжини син-дирса ёки ғаним қўли остидаги бирор мамлакатни фатҳ этса, уни тақдирлаб, агар биринчи [даражали] амир бўлса, иккинчи [даражали], иккинчи бўлса, учинчи [даражали], учинчи бўлса, тўртинчи [даражали] амир мартабасини берсингилар. Шу тартибда ўн биринчи [даражали] амиргача давом эттирсингилар. Агар ўн биринчи [даражали] амир бўлса, уни ўн иккинчи [даражали] амир

<sup>233</sup> Кўлоб – қадимги Хутталон (Хатлон); “Темур тузуклари” бинринчи мақоласининг 11 ва 13-кенгашларида Хатлон (Хутталон) шаклида берилган. Асарнинг 1868 йилги Текрон нашрида Кўлоб эмас, Хатлон шаклида берилган. “Кўлоб” атамаси XVII асрдан кейинги нусхаларда пайдо бўлган, дейиш мумкин.

<sup>234</sup> Туман туғи – ўрта асрларда учнiga қўтос, от ёли ёки думи, ярим ой ёки керилган беш панжа тасвири ўрнатилган лашкарнииг байроқсизмон нишон-белгиси; асарда туғ атрофида тўплантган ҳарбий бўлинма маъносида ҳам келтирилган.

<sup>235</sup> Чортуғ – ҳарбий бўлинма амирининг даражасини билдирувчи учи ўткир найза; байроқнииг бир тури.

<sup>236</sup> Аймоқ (умоқ) – бир неча қариндош-уруғлар иттифоқи; қабила.



қилиб, байрок, түр ва ноғора берсінлар. Шу йўсинда биринчи [даражали] амирга битта түр, иккінчисига – иккита, учинчисига – учта, тұрттынчисига – тұртта түр ва ноғора бериб, уларни тумантүр ва чортур олиш мартабасига етказиб рағбатлантирынлар.

## СИПОХНИНГ ЯРОҚ-ЖАБДУҚЛАРИ ВА АНЖОМ-ЖИХОЗЛАРИ ТУЗУГИ

Шундай буйруқ бердимки, юриш вактида оддий аскарлардан ҳар ўн саккыз киши ўзи билан бирга бир чодир олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садок-ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, бир коп, жуволдиз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта олсин.

Баҳодирлардан ҳар беш киши бир чодир олсин. Ҳар бири битта оддий темир совут<sup>237</sup>, дубулға, бир қилич, садок, ёй ва тузукка мувофиқ от олсин.

Ўнбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга бир чодир, совут<sup>238</sup>, қилич, садок, ёй ва бешта от олсин.

Юзбошилардан ҳар бири бир чодир, ўнта от, қурол-аслаҳадан: қилич, садок, ёй, гурзи, чўқмор, коскан<sup>239</sup>, зирих, бағтар<sup>240</sup> олсин.

Мингбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга битта чодир, бир соябон, қурол-аслаҳадан жавшан, дубулға, найза, қилич, садок ва ўқ-ёйдан кўтарганича олсин.

Биринчи амир бир чодир, бир ўтов, бир жуфт соябон, қурол-аслаҳадан шу миқдорда олсинларки, қўл остидагиларга ҳам бергудек бўлсин. Шунга ўхшаш иккинчи, учинчи, тұрттынчи амирдан тортиб то амир ул-умарогача ҳар қайсилари, ўз мартабаларига яраша чодирдан, ўтовдан, отлардан бошлаб, то бошқа ҳарбий анжомларгача саранжом-саришта қилиб қўйисинлар. Биринчи амир бир юз ўн от, иккинчи амир бир юз йигирма, учинчи амир бир юз ўттиз, тұрттынчи амир бир юз қирқ от,

<sup>237</sup> Матнда “жавшан” – оддий темир совут.

<sup>238</sup> Матнда “зирих” – совутнинг симдан тўкилган, ўқ ва тиф ўтмайдиган бир тури.

<sup>239</sup> Коскан – бош кийими остидан ўраладиган сим рўмол. У жангчини ўқ, қилич ва гурзи зарбидан саклаган.

<sup>240</sup> Бағтар – темир симдан тўқилиб, усти баҳмал ёки бошқа мато билан ўралган ҳарбий камзул.



амир ул-умарога етгунча тартиб шундай бўлсин. У эса ўзи билан бирга уч юздан кам от олмасин.

Пиёдалар бўлса ҳар бири ўзи билан бирга бир қилич, бир камон ва қўтарганича ўқ-ёйдан олсинлар. Бирок жанг пайтида тузукларда кўрсатилганидан кам бўлмасин.

## УРУШДА ВА ТИНЧЛИК<sup>241</sup> ДА СОҚЧИЛИК ҚИЛИШ<sup>242</sup> ВА МАЖЛИС-ЙИФИНЛАРДА ҲОЗИР БЎЛИШ ТУЗУТИ

Амр қилдимки, сипохийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлислирга кулоҳсиз, этиксиз, кавушсиз, бўрк ёқалик чакмонсиз, ханжар<sup>243</sup>сиз, қиличсиз ҳозир бўлмасинлар. Ўн икки минг қилич осган аскар урушу тинчлик вактида бутун ярог-аслаҳалари билан кўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан қуршаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши соқчилик қилиш учун ҳозир бўлишсин. Ҳар юз қиличлик устига бир юзбоши қўйилсин ва унга шартлашилган махфий сўз<sup>244</sup> ни айтсинлар.

Яна амр қилдимки, уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг куролланган отлиқ сипохий билан бир кеча-кундуз давомида ҳар қайсилари ўз хонини қўриқлаш учун ҳозир бўлсинлар. Бу ўн икки минг отлиқ лашкарни тўрт фавжга бўлиб, бир фавжини баронфорга, бошқасини жавонфорга, биттасини ўрдунинг олдига, бошқасини эса ўрдунинг орқа тарафига тайинласинлар. Ушбу фавжлар навбатма-навбат ўрдудан ярим фарсанг узоклашиб соқчилик қилсинлар. Ушбу тўрт сипохий фавж ўзлари учун ҳировул белгиласинлар, ҳировулдан эса қоровуллар тайинласин. Улар бўлса эҳтиёткорлик ва хушёрикни қўлдан бермай, ўрдуга хабар етказиб турсинлар.

Яна хукм қилдим, атрофимда жойлашган лашкар ва ўрдуга, ҳар бирига биттадан кутвол тайинласинлар ва ўрдуни қўриқлаш, соқчилик қилиш ишлари шулар ус-

<sup>241</sup> Матнда “Базм ва разм”.

<sup>242</sup> Матнда “Поташ”.

<sup>243</sup> Матнда “Бўкда”.

<sup>244</sup> Матнда “Йуқий”, яъни ўран (пароль) дейилмоқчи.



тига юклансин. Бозор ахлидан<sup>245</sup> солиқ олиш ҳам шулар зиммасида бўлсин. Агар ўрду ахлидан бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса, улар жавобгарликка тортилсинлар.

[Лашкар орасидан] тўрт фавж чопқунчилар тайинлашни буюрдим. Булар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб, уларни қўриқлаб борсин. Борди-ю лашкардан бирон киши ўлдирилганини ёки яраланганини кўрсалар, унинг ишини ўз зиммаларига олишлари лозим. Агар бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса, улар жавобгардир.

Яна буюрдим-ки, лашкарнинг учдан бир қисми чегараларни қўриқлаш ишига белгилансин; икки қисми эса доим салтанат хизматига ҳозир турсин.

## ВАЗИРЛАРНИНГ ХИЗМАТ ҚИЛИШ ТУЗУТИ

Амр қилдимки, тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар. Биринчи — мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатнинг муҳим ва кундалик ишларини, раият ахволини, вилоятлардан йифилган ҳосил, солик-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, [мамлакат] ободонлигини, [ахолининг] фаровонлиги ишларини ва мулкни қай тарзда тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин.

Иккинчи — сипоҳ вазиридерки, сипоҳийларнинг улуфа ва танҳо борасида менга маълумот берсин; сипоҳ тарқоқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун уларнинг ахволидан хабардор бўлсин, вазиятни менга англатиб турсин.

Учинчиси — эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган [савдогарлар ва сайёҳларнинг] мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлов-яйловларини бошқариб, буларнинг барисидан йифилган даромадни омонат тарзида сакловчи вазирдир. У ғойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхўрларига топширсин.

Тўртингчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, [ҳатто] отходи-

<sup>245</sup> Бозор аҳли — ҳарбий юришлар вактида ўрду атрофида савдосотик билан машғул бўлган кишилар.



на ва [саройдаги] бошқа жонзотларга қилингандарга огох бўлиши лозим.

Яна амр қилдимки, чегара ерлар ва менга тобе мамлакатларга оид [ишларга масъул] уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий муомалалар ва келадиган даромадларни бошқарсинлар.

Бу етти вазир девонбегига бўйсуниши лозим ва у билан иттифоқда мухим молиявий ишларни амалга ошироқлари ва менинг арзимга етказишлари зарур.

Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб [хузуримга келувчиларнинг] аҳволини, мамлакатнинг ободхароблигини, мухим ишлардан қайси бири битган-битмаганигини менинг арзимга етказиб турсин.

Амр қилдимки, садри аъзам саййидлар ва бошқа арбобларга суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вакфларнинг аҳволини, улар вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини ва уларга ажратилган жамғармаларнинг тақсимланишини менга арз қилиб турсин.

Ислом қозиси шариат ишларининг бориши ва ажрим қозиси дунёвий ишлар ҳақида менга билдириб турсинлар.

Яна амр қилдимки, салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, сипоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш-тадбирларни хос мажлисда менга арз этсинлар. Бу мажлисларда маҳфий ва сирли ишларни пинҳон тутишга қодир маҳсус котиб ҳозир бўлиб, ростлик қалами билан маҳфий-яширин кенгашларни ва гапларни ёзиб борсин.

Ва яна мажлис котиблари<sup>246</sup>ни тайинлашни буюрдимки, девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ҳал қилингандарга мухим масалалар ва айрим ишлар тафсилотларини ёзиб олиб, сақлашлари лозим. Менга арз қилингандарга гаплар, чиқарган ҳукмларим, мажлисларда кўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб, жузъий ишларгача барчасини қаламга олиб, [бошимдан кечирган] воқеалар дафтарига киргизсинлар.

Салтанатнинг ҳар бир идорасида бўладиган кирим-

<sup>246</sup> Матнда “мажлиснависон”.



чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинланисин.

## УЛУСЛАР, ҚҰШИН<sup>247</sup> ЛАР ВА ТУМАН<sup>248</sup> ЛАРНИНГ АМИРЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТУЗУГИ

Буюрдимки, юриш (ясок) вақтида ҳар бир улус ва туман амири ҳар чодирликдан<sup>249</sup> бир отлик, ҳар икки олачук<sup>250</sup>дан бир отлик, ҳар бир уйдан бир отлик аскар ажратиб, ўзлари билан бирга олиб кетсінлар. Улар қайси мамлакатга келиб түшсалар, оладиган улуфалари ўша ернинг сұғориладиган майдони ва ўтлоғи хисобидан белгилансин. Улусларнинг амирларига ярғу<sup>251</sup> ва байроктар берсінлар. Амирлар улуслар ва туманларнинг ҳолкудратига яраша, отлик аскар ҳозирлаб юришга олиб келсінлар.

Қараморымдаги қирқ аймокдан ўн иккитасига – барлос, тархон, арғын, жалойир, тулкичи, дұлдай, мұғул, сұлдус, туғой, қипчоқ, орлот, тоторға тамға берилсінкім, булар менинг хос навкарларим бўлиб ҳисоблансанлар.

Барлос уруғидан [қуидаги] тўрт кишини амир улумаро қилдим: Амир Худойдод, унга Бадахшон мамлакатини инъом этдим; амир Жоку, амир Ики Темур ва амир Сулаймоншохга ҳам биттадан чегара мамлакатини тортиқ қилдим. Барлос уруғидан яна юз кишини мингбoshi қилдим. Амир Жалолиддин барлосни ўнинчи амир, амир Абу Сайидни тўққизинчи амир даражасига кўтардим.

<sup>247</sup> *Кұшин* (*Kýshun*) – лашкар бўлинмаларидан бирининг аталиши; аммо бир қўшунга бириктирилган аскарлар сони аниқ белгиланмаган. Баъзи манбаларда бир қўшун 50–100 кишидан иборатлиги сўзланган, бошқаларида эса ҳатто 600–1000 кишигача етган.

<sup>248</sup> *Туман* (*tumon*) – ўн мингдан иборат рақамни англатиб, лашкар хисобига ҳам, маблағ хисобига ҳам кўлланилаверган. Кўпинча мазкур рақамдан иборат лашкар бирикмаси ва бу бирикмани юбориши лозим бўлган қабила ёки урувлар уюшмаси маъносида келади. Лашкар тумани ўз навбатида ҳазора (минглик), сада (юзлик), даҳа (ўнлик) – ҳарбий қисмларидан иборат.

<sup>249</sup> Матнда “хиргоҳдан”.

<sup>250</sup> Олачук (олачуге) – чайла, капа.

<sup>251</sup> Ярғу – ёсо ва юсун (қонун) асосида чиқарилган хукм; бу ерда бирон ҳак-хукуқ берувчи расмий ҳужжат маъносида.



Тархон улусидан амир Боязидни еттинчи амир дара-жасига тайинладим. Улардан йигирма кишини юзбоши қилдим.

Аргин улусидан Тошхўжани саккизинчи амир қилдим. Булардан йигирма кишини мингбоши, юзбоши ва ўнбоши килиб тайинладим.

Жалойир улусидан Тўқ Темур ва Шер Баҳромни саккизинчи ва тўққизинчи амир этиб тайинладим, Булардан йигирма кишини юзбоши ва ўнбошиликка белгиладим.

Тулкичи улусидан Улжойту Апердига амирлик мартабасини бердим.

Дулдай улусидан Тобон баҳодир ва Сон баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Мўғул улусидан Темирхожа ўғлонни амирлик мартабасига етказдим.

Сулдус улусидан Элчи баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Туғой улусидан Али Дарвишни амир қилдим.

Қипчоқ улусидан Сори Буғога амирликни бердим.

Орлот улусидан амир Муйядниким, синглим унинг никоҳида эди, амир ул-умаро этиб тайинладим. Сулойчи баҳодирни ҳам амирликка кўтардим.

Тотор улусидан Кўнакхонга амирлик (мартабасини) бердим.

Тамғага етмаган йигирма саккиз аймоқ бошлиқларига улус амирлигини бердим. Улар юриш ва жангу жадал пайтида тузукка биноан ўз улусидан отлик аскар тўплаб, ҳозир бўлсинлар.

## НАВКАРНИНГ БЕГИГА ВА БЕКНИНГ НАВКАРИГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Тўғри навкар билсинким, у агар ўз навкари бўлган такдирда ундан нимани кўзласа, айнан шу нарсани унинг беги ҳам ўзидан кўзлайди. Шундай бўлгач, ўзини бек хизматидан озод этилган деб ҳисобламасин. Яна шуни ҳам билиши керакки, агар беги унга аввалига иноятмарҳаматлар қилса-ю, охири иноятсизлигу илтифотсизлик қилса, у ҳолда айб ва нуқсонни бегидан эмас, ўзидан ахтарсин. Тўғри навкар ўз бегига ихлос қўйиб, хо-



лис хизмат қилиши керак. Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кўнглида гина-кудурат сақласа, ихлоссизлик ва адовати туфайли бахтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос қўйган навкарнинг бойлигу давлати ва нознеъматлари кундан-кун ортиб боради.

Бегига эътиқоди кучли навкар улким, унинг оғир-қаттиқ эътироэли сўзларидан ранжиб, кўнглида кек сакламайди. Бегидан танбех эшитса, ўзини айбдор деб билади. Бундай навкар таъмину тарбияга лойикдир.

Қайси навкарнинг ҳиммати емак-ичмак; яхши кийин-маккагина боғланар экан, албатта, иш вақтида сусткашлик қиласди.

Қайси навкар ўз хизмати, ҳак-бурчини унутиб, иш вақтида [мехнатдан] юз ўгирад экан, ундай навкардан юз ўгирмоқ лозим. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, (Пўлод ва Темур ўғлон бошимга иш тушганда ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби) бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай одамларни парвардигори олам [хукмига] топшириш зарур.

Яна ҳақиқий подшоҳларга лозимдирки, қайси навкарни ўзлари улуғлаб [мартабасини] кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан туширмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни ташламасинлар. Кимники билган ва таниган бўлсалар, уни унутмасинлар. Агар ахён-ахёнда унинг иззат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгариgidan икки баробар ортиқ иззатини оширсинлар ва ўша навкарни ўз ихлоси ва эътиқодига ҳавола қилсинлар. Агар у кўнглида гина-адоват сақласа, тез орада ўзи бахтсизликка учрайди. Бегининг кўнглида яхшилиги билан жой олган ҳар бир навкар куни келиб яхшилик қўриши аниқдир.

Қайси бир навкар ўз ихтиёри биланми, ёки ихтиёрсизми бегидан ажраб кетса-ю, кейинроқ яна қайтиб келса, уни хурматласинлар, чунки у ажралиб кетганидан пушаймонлиги учун ҳам қайтиб келган.

Яна амр қилдимки, ғаним томонидан навкар бизга қарши қилич кўтарар экан, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган саналади. Агар шундай кишилардан бирон-



таси жанг пайтида қўлга тушса ёки фаним томонидан умиди узилиб, бизга келиб хизмат қилишни истаса, уни азиз тутсинлар, мартабасини ошириб, вафодор одам деб билсинлар. Чунончи, Менгли Буғо, Ҳайдар Андхудий ва амир Абу Саййид — булар олти минг отлик аскар билан Балх дарёси<sup>252</sup> бўйида менга қарши жанг қилдилар. Кейинроқ, Туғлук Темурхондан ноумид бўлиб, менинг паноҳимга келганларида уларга иззат-икром кўрсатиб, Ҳисори Шодмон, Андижон ва Туркистон вилоятларини уларга инъом килдим.

Ва амр қилдимки, ҳар бир навкар фаним наздида хурмат-эътиборга эга бўлиб қадрланса-ю, бироқ жангу жадал пайтида ўз бегига хиёнат, унинг душманига дўстлик қилса, туз ҳақини, бек хурматини, навкарлик [бурчини] ва [ундан] кўрган ноз-неъматларини унутса, ўз бегининг душманига ён босиб, уни ўз бегидан устун кўйса, бундай кимсани хизматга йўлатмасинлар. Ҳаётнинг ўзи бундайларнинг қилмишига яраша жазосини беради.

Қайси бир навкар юриш вақтида ўз бегидан юз ўгириб, ундан ажralиб, [сизнинг] олдингизга хизмат истаб келса, ундей навкарга ишониб бўлмайди. Агар у маълум муддатдан кейин кўп хизмат қилиб вафодорлигини кўрсатса, у чорда уни олиб қолса бўлади. Агар [бирон навкар] тинчлик вақтида сизга хизмат қилишни ихтиёр этса, уни қадрласинлар.

Агар вазирлардан ёки навкарлардан биронтаси [уруш кунларида] тадбиркорлик ишлатиб, душман билан алоқа боғлаб, унга ошнолик қилса ва шу тариқа ўз бегининг ишини битирса, ундей одамни энг ақлли дўстлардан ва хизматкорлардан деб хисоблаш зарур. Лекин бирон навкар ёв билан келишиб, ўз эгасига мунофиқлик қилса, бундай навкарни душманга тақдим этиш лозим.

Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, фанимни синдирап экан, фаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмасинлар, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рафбатлансинлар.

Сипохий фавжлардан ёки амирлардан қайси бири ёв

<sup>252</sup> Балх дарёси – Амударёning ўрта оқими.



билан келишиб, дўсту ошно бўлиб яшаш йўлидан бурилиб, ғанимлар сафига бирлашар экан, уларни юртдан чиқариб, ҳеч ердан ўрин бермасинлар. Бунга мисол, Кеш<sup>253</sup> лашкарининг саркардалари мендан юз ўгириб, амир Ҳожи барлос лашкарига қўшилдилар. Шундан кейин мен уларга ишонмай қўйдим.

Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалар-у, у бевафолигидан душман билан келишиб, юртни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкам этсинлар. Мамлакатни қўл остида сақлаб қололган навкарни эса юкори мартабага қўтариб, хурматласинлар.

Қайси бир амир уруш кунлари, ахвол танг бўлган пайтда, жанг майдонида ихлос қадамини маҳкам қўйиб, дўст-ошнолик ҳақини сақлаган бўлса, уни ўз оға-иниси-дек кўрсинглар. Чунончи, Кеш амирлари ва лашкари мендан бутунлай юз ўғиргандарида ва амир Жоку барлосдан бошқа ҳеч кимса олдимда қолмаган бир пайтда, мен амир Жокуни ўз азиз оғамдай қўриб, давлатимнинг ишончли одами деб билдим. Уни амир ул-умаро этиб тайинлаб, Балх ва Ҳисор мамлакатларини унга инъом қилдим.

## ДЎСТУ ДУШМАНГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Сармарқандда салтанат таҳтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан [муомалада] бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган Бадахшон амирлари, турку тожик кўшинларининг баъзи амирлари қилган қинғир ишларидан кўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб, ўзлари шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсан, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликни чиқардим ва мартбаларига қараб имтиёзлар бердим.

Лекин сулдус ва Жета амирларидан нафратландим,

<sup>253</sup> Кеш – Шаҳрисабз шаҳри ва вилоятининг ўрта асрлардаги иоми.

чунки улар Қобиљшоҳ<sup>254</sup> Чингизийни амирлик, кейинроқ хонлик [такти]га ўтқазиб, унга дўстона ихлос билан хизмат қилиш хусусида ахду паймон қилгандилар. Бироқ кейинроқ, менинг салтанат тахтига ўлтирганимни эшитишгач, менга хушомад қилмоқчи бўлиб, онтларини буздилар ва уни ўлдиридилар.

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига гарқ бўлдилар.

Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ излаб келганларида, уларни ўзимнинг баҳту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон молмулк ва тирикчилик ашёларини улардан аямадим.

Яна ўз тажрибамдан билдимки, содик ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёви деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман, жоҳилю нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи, амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини, ҳеч бир душман қилмайди.

Амир Худойдод менга шундай деди: “Душманингни лаълу жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон тошлок ерга келиб қолсанг, уни олиб тошга шундай ургинки, толқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин”. У яна шундай деди: “Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил”. Чунончи, мен Тўхтамишхонга қилганим каби. У паноҳимга сифиниб келганда, унга яхшилик ва мурувват кўрсатдим. Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг [хукмига] топшир.

Чин дўст улдирики, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қиласди.

<sup>254</sup> Қобиљшоҳ – асли чингизий шаҳзодалардан, дарвиштабиат одам. 1364 йил бошида Амир Ҳусайн ва унинг атрофидагилар уни хон кўтардилар. Лекин, орадан кўп ўтмай, уни ўзлари тахтдан тушириб катл этдилар.

## САЛТАНАТ САРОЙИДА ЎЛТИРИШ ВА ЎРИН ОЛИШ ТУЗУГИ

Амр этдимки, ўфилларим, набираларим ва қавм-қариндошларим ўз даража ва мартабаларига яраша худди ой кўрғонлагандек, салтанат тахтини ўраб ўлтирсинглар.

Сайийдлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва аслзодалар ўнг томондан ўрин олсинлар.

Амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, нўёнлар, улус, туманлар ва қўшинларнинг сардорлари ва амирлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўз мартабаларига яраша, чап қўл томонда ўтирсинглар.

Девонбеги ва вазирларнинг ўрнини таҳт қаршисидан кўрсатдим. Турли мамлакатлар, эл-улусларнинг юрт-оғалири ва беклари эса, вазирлар орқасида қатор бўлиб ўтиришларини буюрдим.

Баҳодир деган фахрли номга эга мард йигитлар, қилич чопиб танилган ўғлонлар, салтанат тахтининг орқасидан, ўнг қўл томонда ўтирсинглар. Коровулбекиларни эса салтанат тахтининг орқасида, чап қўл томонда ўтиришларини буюрдим.

Ҳировул амири менинг рўпарамдан ўрин олсин. Ички<sup>255</sup>, хусусий ясовулим эса катта чодир эшиги олдида, тахтим поясининг тўғрисида тик турсин. Арз-дод қилиб келганлар ўнг ва чап томонда тик турсинглар.

Оддий сипохийлар, хизматчи ва сарой кишилари<sup>256</sup> ҳар қайсилари ўз мартабаларига яраша саф тортиб, ўз жойларини билиб тик турсинглар.

Ўрин олиш қоидаларининг бажарилишини назорат қилувчи тўрт амирга, мажлисга ҳозир бўлганларни ўз тартиби билан тахтимнинг ўнг ва сўл, олди ва орқасига жойлаштиришларини буюрдим.

Яна ҳукм қилдимки, қачон мажлис қоидага мувофиқ тартибга келтирилгач, минг товоқ ош, минг дона нон келтириб, умум йигилганларга шохона зиёфат<sup>257</sup> берсинглар. Минг товоқ ошни мумтоз ва хос кишилар базмига олиб келиб, шундан беш юз товоғини улус амирларига,

<sup>255</sup> Ички – подшоҳ ва хонларнинг хос хизматчилари ва беклар.

<sup>256</sup> Матнда “ҳашам”.

<sup>257</sup> Матнда “шилон”.

саркардаларга, оқсоқолларга, ҳар қайсисининг номига атаб тарқатсиналар.

## МАМЛАКАТЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШ ТУЗУГИ

Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фиску фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатишиб, фиск-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга хужум бошлиши лозим. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни золимнинг қўлидан тортиб олиб, одил [подшоҳ]га топширади.

Чунончи, мен Мовароуннахр вилоятида адолат ўрнатишиб ниятида уни золим ўзбакия тоифасининг қўлидан тортиб олдим.

Қайси бир мамлакатда шариат заифлашган бўлса, Оллоҳ улуғ қилган нарсаларни хор тутсалар ва Худонинг хос бандаларини ранжитсалар, чинакам жаҳонгир сulton, ҳазрати Мухаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам) дин ва шариатига ривож бериш учун ўша мамлакатга кирсин. Худонинг расули унга мададу иноят қўрсатгай. Бунга мисол, мен Ҳиндистон пойтахтини Фирузшоҳ<sup>258</sup> нинг набираси Султон Махмуддан, Маллухон ва Соранг<sup>259</sup>дан тортиб олдим, дину шариатга ривож бердим ва ўша диёрганинг бутхоналарини буздим.

Қайси мамлакатнинг аҳолиси ўз ҳокими ёки волийсидан озор чеккан ва ўша диёр аҳлиниң кўнгли ўз валийсидан қолган бўлса, мамлакатларни забт этгувчи чинакам подшоҳ у ерга қадам қўйиши билан фатху зафар ҳам унга ёр бўлиб, [у билан] бирга киради. Бунга мисол, мен Ҳуресон вилоятини Карт сultonларидан<sup>260</sup> ажратиб олдим<sup>261</sup>. Ҳуресон пойтахти – Ҳиротга қараб юзланишим

<sup>258</sup> *Фирузшоҳ* – Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Туғлуклар сулоласи (1320–1413)дан чикқан ҳукмдор (1351–1388).

<sup>259</sup> *Соранг* – Маллухоннинг иниси. Ўша пайтларда Мултон вилоятининг ҳокими лавозимида турган.

<sup>260</sup> *Карт сultonлари* – Ҳуресон, Шимолий Ҳиндистонни 1000–1215 йиллари ва ундан кейин 1245–1381 йиллари Фур билан Ҳиротни идора қилган сулола. Сўнгги сулолага малик Шамсуддин Мухаммад (1245–1278) асос солган.

<sup>261</sup> Амир Темур Ҳиротдаги Картлар сулоласини 1381 йили тугатган.

били Султон Фиёсиддин<sup>262</sup> бутун мамлакатни, хазина-дафиналари билан пешкаш қилиб менга топшириди.

Қайси мамлакатда диндан қайтишлиқ ва худосизлик кучайса ва у диёрнинг аҳолиси, сипоҳу раият турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, у мамлакатнииг ҳалокати яқиндир. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундаи юрт устига босқин қилиши лозим. Мисол учун мен Ироқи ажам ва Форс вилоятларини малъун динсизлар вужудидан тозаладим, турли тоифадаги хукмдорларни ағдариб, худо бандаларини, ҳар ерда ўз салтанат байробини кўтарганларнинг жабр-зулмидан қутқаздим.

Қайси бир вилоят ҳалқининг эътиқоди ҳазрати саййид ал-мурсалин<sup>263</sup>, унга Оллоҳнинг марҳаматлари бўлсин, хонадони ақидаларидан фарқланиб ўзгарган бўлса, подшоҳлар ўша вилоятни босиб олишлари ва у ер аҳолисини бузук эътиқодларидан қайтаришлари лозим. Бунга мисол, мен Шом вилоятига кириб, бузук эътиқодли кишиларни жазоладим.

Жаҳонгирлик қилишга киришганимда тўрт нарсани хотиридам да маҳкам сақладим.

Биринчиси – қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсан, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим.

Иккинчиси – хатога йўл кўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Шунинг учун менга Оллоҳнинг мададу инояти етиб, нима тадбир қўллаган бўлсан, тўғри ва рост чиқди. Ҳар ер эл-улусининг табиати ва ҳалқининг мизожларини хотиримга келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тутиб, шунга қараб уларга ҳоким тайинладим.

Учинчиси – уч юз ўн уч асил, зотли, шижаатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштиридим. Бирлик-иттифоқлари шундай эдикни, ҳаммалари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, раъйлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни қилайлик деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмас эдилар.

<sup>262</sup> Султон Фиёсиддин – сўнгти карт малики Султон Фиёсиддин Пир Али (1373–1381).

<sup>263</sup> Сайид ал-мурсалин – барча пайғамбарларнинг етакчиси; Мұхаммад пайғамбарнинг фаҳрли номларидан.



Тўртингиси – бугунги ишни эртага қолдирмадим. Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулоимлик қилдим; қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошилинч ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан турили мамлакатларни забт этиш шатранжи устида бош қотирдим. Кечалари бўлса тўшагимда ёнбошлаб олиб, мамлакат ишларини қандай юргизиш кераклиги ҳакида ўйладим ва уларни бажариш воситаларини ўзимча тасаввур килиб кўрдим. Ўзга мамлакатларни забт этиш йўлларини ўз кўнглимда чамалаб, қай тарзда ҳужум қилиб, қандай чекиниш мумкинлигини белгилар эдим. Сипоҳийларим билан қандай муомала қилишим тўғрисида фикр юргизиб, қайси бирини қандай тарбият қилишим керак, қайси ишни қай бирига топширсам, хато қилмаган бўлман деб, ҳар ишнинг олди-кетини ўйлар эдим.

Сипоҳ бошлиқларидан қайси бири менга дўстлик қиласа, унга ортиғи билан хайр-эхсон қилдим. Яхшилик қиласам, ёмонлик билан жавоб берган кимсаларни ҳаромзода деб билдим. Икки олам сарварининг (Худо) расули дебдиларким: “Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёни тарк этмайди”.

Пирим менга ёздиким: “Худонинг ва пайғамбарининг хукмига амал қилгин, расулиллоҳнинг зурриётига ёрдам бер, Тангрининг неъматларини еб, яна унга ва унинг пайғамбарларига душманлик қилган подшоҳларни Оллоҳнинг мулкидан чиқар. Парвардигорнинг мулкида адолатли иш туттилким, шундай демишлар: “Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди”.

Қабих хатти-ҳаракат, ёмон ишлардан Оллоҳ мулкини тозалагин. Ёмон таом баданга қандай зиён қиласа, ёмон хатти-ҳаракат ҳам оламга шундай таъсир кўрсатади. Зулмнинг ном-нишонини йўқот. Золимнинг дунёда узоқ ҳаёт кечиришини яхшиликдан деб била кўрма. Золим ва фосиқларнинг узоқ яшашига сабаб шуки; ўзларидағи бор ёмонликларини юзага чиқариб, тугатмагунларича Тангри уларга муҳлат беради, кейин Оллоҳнинг қахру ғазабига



учрайдилар. Гоҳида Оллоҳнинг қудрати билан золимлар, фиску фужур қилувчилар, бирдан банду зиндонга, талон-торожга, очликка, қаҳатга, вабога, тўсатдан ўлишга гирифтор бўладилар. Гоҳида бегуноҳ бўлган яхши, тўғри ва тақвodor кишилар ҳам ёмонларнинг қилмишларидан оғату балога учрайдилар, Шундайким, тўқайга ўт тушса, хўлу қуруқقا қарамай барчасини куйдиради. Коғирлар, золимлар, фосиқу фужурлар қанча кўп зулмхиёнат, фиск-фасод қилсалар, ноз-неъматлари шунча кўпаяр экан, деб ўйламагин. Қисқаси, уларнинг неъматлари кўпайишининг сабабини билиб олиш керак. Бунинг сабаби ушбудир: “Эҳтимол, ҳақиқий неъматлар берувчи (Оллоҳ)нинг иноятини кўриб, улар [балки] зулмдан, фиск-фасоддан қайтиб, иймон-инсофга келиб, унинг неъматларига шукр қилсалар”, деб шундай қилингандир. Бироқ Оллоҳга шукр айтишни унутарканлар, Тангрининг даргоҳига қайтмас эканлар, худо ва унинг расули неъматлари ҳақини билмас эканлар, охир ал-оқибат парвардиғорнинг қахру ғазабига гирифтор бўладилар”.

Пиримнинг бу мактуби менга етиб келгач, Худо мулкини золимлар, бидъатчи мунофиқлар, фосиқу фужурлар кўлидан тортиб олиш, уларни йўқотиш учун белга ҳиммат камарини боғладим.

## САЛТАНАТНИ ИДОРА ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Қайси мамлакатни забт этган бўлсан, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим. Уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оғаниниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим. Мазкур мамлакатларнинг сипоҳи учун даргоҳимга йўл бердим. Раиятини ўзимга қаратиб олдим. Ҳаммани қўрқув ва умид орасида сақладим. Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан кувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойик ишлар топширидим, ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Ҳар элнинг улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларини ҳурматлаб, мар-



табаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

[Ўз эрки билан] менга бўйсунган вилоят ҳокимлари га ўша юрт хукуматини бердим ва уларни инъому эхсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим. Бўйсунмаганларини эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим.

Амр этдимки, “ўғри ва қароқчиларни “Ясо” асосида жазоласинлар; фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар”.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинларки, сипоҳу раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин.

Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриклаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофиirlарни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинглар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдириса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин.

Яна буюрдимки, ҳар ернинг ғаразгўй, тухматчи ва нафси бузук кишиларнинг тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимни жазоламасинлар. Факат бирорвнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жазоласинлар. Амр этдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан жон солифи<sup>264</sup>, уй солифи<sup>265</sup> олмасинлар. Сипохийлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловини тортиб олмасин.

Ҳар бир мамлакатнинг раияти билан бўлган муоммада, уларга нисбатан холислик билан иш тутсинглар. Яна буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинглар, тики шу йўл билан гадолик йўқотилсин.

<sup>264</sup> Матнда “сари шўмор”.

<sup>265</sup> Матнда “хоне шўмор”.

## МУЛКУ МАМЛАКАТ, СИПОХУ РАИЯТ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР ВА ОГОХ БЎЛИБ ТУРИШ ТУЗУТИ

Ҳар ерда, вилоят у шаҳар ва ўрдуда кундалик воқеаларни ёзувчиларни<sup>266</sup> тайин қилсинларки, ҳокимлар, риият, сипох, ўз лашкари ва ёт-лашкарнинг хатти-харакати ҳакида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чикқан мол-мулк, четдан кирган ва четта чикқан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳакидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳакидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш туттундай бўлсалар, [бўлиб ўтган] воқеаларни ёзмасалар, ёзғувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи бирор сипоҳийнинг хизматини яшиrsa, ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб [ёлғон] ёзган бўлса, у ҳолда унинг қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни тухмат ёки ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар.

Амр қилдимки, мингта тезюар түя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюар пиёданi [чопар] этиб тайнинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб. ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини килайлик.

Чунончи, Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳакида менга хабар келтиргандарида, энди паноҳ излаб ҳузуримга келишини билдим. [Шунинг учун] Ўрусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим ва Тўхтамишхонга ёрдам бердим.

[Шунга ўхшаш] яна бир мисол Ҳиндистонни забт этиш учун йўлга чикқанимда, бу ўлканинг ҳар бир вилоятида алоҳида ҳоким ёки волий салтанат таҳтида ўлтиргани ҳакида менга хабар келтирдилар. Чунончи, Мўлтон ўлкасида Маллухоннинг иниси Соранг, Дехлида Султон Маҳмудхон салтанат байробини ёйганди. Лоҳур нохия-

<sup>266</sup> Матнда “хабарнавис” .



сида Маллухон лашкар тўплаганди, Қануж вилоятида бўлса Муборакхон салтанатга даъвогарлик қилиб бош кўтарган эди. Қисқаси, Ҳиндистоннинг ҳар бир вилоятида бирон-бир кимса салтанат тожу тахтига даъвогарлик қиласади. Бу хабар қулоғимга етгач, бу мамлакатни забт этишим осон туюлди. Чунончи, Ҳиндистонни забт этган вактимда Рум қайсари менинг баъзи мамлакатларимга чопқун қилгани, гуржилар бўлса ўз юртлари чега-расидан ташқари чиқиб, менинг лашкарларим қамал қилиб турган баъзи қалъалар ичидаги одамларга ёрдам берадигани ҳақида хабар келтирдилар. Ўз-ўзим билан кенгашиб, агар Ҳиндистонда кўпроқ туриб қолсанм, Эрон мамлакатида ҳам тартибсизлик бошланиши мумкин, дедим. Шунинг учун Ҳиндистон пойтахтидаги ишларимни тезда тартибга келтириб, юриш бошладим. Йўлда бир неча кун Мовароуннахрда тўхтадим. У ердан Рум ва Гуржистон томон йўл олдим. Ўша мамлакатларнинг барисини забт этдим.

**ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР АҲОЛИСИГА МУНОСАБАТ,  
УЛАРНИНГ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ ҲАМДА  
АВЛИЁЛАР ВА ДИН ПЕШВОЛАРИНИНГ  
МОЗОРЛАРИНИ ТУЗАТИШ, ВАҶФ ВА НАЗР  
ИШЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТУЗУГИ**

Амр этдимки, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипохийлар [ўз ихтиёрлари билан] паноҳимга келсалар, уларни навкар қилиб, [аскарларим орасидан] жой берсинлар. У диёрнинг раиятини ёмон ҳодисалардан, қатл эттиришдан, асиру банд этилишдан ва таланишдан муҳофаза қилсинлар. Уларнинг мол-мулкини, буюмларини талон-тарождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни эгаларига қайтарилиб берилишини текширсинлар.

Саййидлар, уламо, машойих, фузало, акобир ва улуғларни азиз тутсинлар. Беклар, оқсоколлар, дехқон<sup>267</sup>-лар ва экин майдонларига ишлов берувчилар кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Раиятни умид ва қўрқинч орасида тутсинлар. Гуноҳлари ва қилмишла-

<sup>267</sup> Дехқон – бу ерда ер эгаси маъносида.

рига яраша жазоласинлар. Менга бўйсунган мамлакатларнинг сайидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, зоҳидларини суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Факиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларига кундалиқ маошларини белгиласинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вакфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом ва чироқ билан таъминласинлар. Биринчи навбатда амир ул-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Талибнинг, унга Оллоҳнинг қарами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф ва Хулани вақф этиб берсинлар. Имом Ҳусайннинг, Оллоҳ ундан рози бўлсин, нурга чўмган муқаддас мозори, авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилоний<sup>268</sup> нинг муқаддас қабри, имоми Аъзам Абу Ханифанинг, унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин, мақбарасини ва Бағдодда нурга чўмган бошқа машойихлар, дин пешволари ва улуғларнинг мозорларини яхши сақлаш учун баҳоли кудрат Карбало, Бағдод ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ва бошқа жойлардан вакф сифатида ер-сув ажратсинлар. Имом Мусо Козим<sup>269</sup>, имом Мухаммад Нақий<sup>270</sup>, Салмон Форсий<sup>271</sup> ларнинг нурли равзалари учун эса ал-Жазоир экин майдонларидан ва Мадоин<sup>272</sup> даромадидан вакф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусо<sup>273</sup> нинг табаррук равзалари учун Кутаҳбаст ва Тус шахри атрофидаги ерлардан вакф ажратсинлар ва палос, чироқ ҳамда кундалиқ емишичмишлар белгиласинлар. Шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мозорлари ва қабрлари учун ҳар бирiga алоҳида номма-ном назру вакфлар ажратсинлар.

<sup>268</sup> Абдулқодир Жилоний – йирик мутасаввuf олим; кодирия тарикатининг асосчиси (1166 й. вафот этган).

<sup>269</sup> Имом Мусо Козим – шиаларнинг етtingчи имоми (799 й. вафот этган).

<sup>270</sup> Имом Мухаммад Нақий – шиаларнинг ўнинчи имоми.

<sup>271</sup> Салмон Форсий – Мухаммад пайғамбарнинг эронлик саҳобаси (655 й. вафот этган).

<sup>272</sup> Мадоин – Бағдоддан 65 чақирим жануби-шарқда жойлашган қадимий шаҳар.

<sup>273</sup> Имом Али ибн Мусо – шиаларнинг саккизинчи имоми (821 й. вафот этган).



Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишлар билан таъминлаб, уларга бирон иш берсингилар. Ҳамда барчаси тамғалансингилар, токи бошқа гадолик қилмасингилар. Агар тамғадан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсингилар, ёки ҳайдасингилар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади.

## **РАИЯТДАН МОЛ-ХИРОЖ ОЛИШ, МАМЛАКАТНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ВА ЮКСАЛТИРИШ, УНИНГ ОБОДОНЧИЛИГИ, ХАВФСИЗЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ КИШИЛАР ТУЗУГИ**

Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йигишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш [давлат] хазинасининг камбағалланишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучизланишига олиб боради.

Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилса ёки жанг даҳшатларисиз амну омонлик тиласа, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олсингилар.

Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсингилар, акс ҳолда [хирожни] тузукка мувофиқ йигсингилар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йигсингилар. Чунончи, узлуксиз равишда кориз<sup>274</sup>, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсингилар ва ундан ерлардан олинган ҳосилнинг [учдан] икки ҳиссасини раиятга, [учдан] бир ҳиссасини салтанат хазинаси<sup>275</sup> учун олсингилар.

Агар раият рўйхатга олинган ерлардан бериладиган соликни нақд ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг

<sup>274</sup> Кориз – ер ости сувларини тортиб чиқариш учун курилган ишишот.

<sup>275</sup> Матнда “олий саркорлик” шаклида келтирилган.



мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар. Нархнавога мувофиқ олинган нақд ақчани сипоҳга етказсинлар. Бордию раият ҳосилни учга айиришга рози бўлмаса, у чоғда хисобга олинган экин ерларни биринчи, иккинчи ва учинчи жариб<sup>276</sup> экин ер килиб ажратсинлар. Биринчи жарибдан [олинган ҳосилнинг] уч харвори<sup>277</sup>, иккинчи жарибдан [олинганининг] — икки харвор, учинчи жарибдан бир харворини йифиб олсинлар. Бунинг ярмини буғдой, ярмини арпа ҳисоблаб, ҳосилнинг ярмини олсинлар. Агар раият бу йўсинда солиқ тўлашга рози бўлмаса, у ҳолда бир харвор буғдойига беш мисқол<sup>278</sup> кумуш, бир харвор арпасига икки ярим мисқол кумуш миқдорида нарх қўйсинлар. Яна қалъя фойдасига бериладиган тортиқни ҳам бунга қўшиб қўйсинлар. Шулардан бошқа, қўшимча тарзда, улардан ҳеч қандай олиқсолиқ талаб қиласинлар.

Булардан ташқари кузги, баҳорги, қишки ва ёзги дехқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни эса жарибларга бўлсинлар, хисобга олинган бу ерлардан [солиқ олишда] учдан бир ва тўртдан бир коидасига амал қиласинлар.

Ҳар шахар ва ҳар ердан олинадиган жон солифи, қасб-хунардан ҳамда ўтлоқ ва сувлоқдан олинадиган солиқни тўплашда қадимдан келган тартиб-коидага амал қиласинлар. Бордию бунга раият рози бўлмаса, бори-бўлганича иш тутсинлар.

Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинлар.

<sup>276</sup> Жаріб — ер сатҳи ўлчови. Бир жаріб 3600 кв. газга, яъни тахминан бир таноб (958 кв. м.)га ерга тенг бўлган.

<sup>277</sup> Харвор — бир эшак кўтариши мумкин бўлган юқ; 150—300 кг.га яқин оғирлик ўлчови.

<sup>278</sup> Мисқол — оғирлик ўлчови; ўша замонда бир мисқол 4,235 гр.га тенг бўлган.



Яна амр этдимки, кимки бирон сахрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартиrsa, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили [эса олик-солик] қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар.

Яна буюрдимки, агар [ҳар ер ва элнинг] амалдорлари ва калонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса [бундай вакъларда] етказилган зарарни калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар.

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, [лекин] обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.

Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига [янги] кўприклар курсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар бунёд этсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қисинлар, факиру мискинларга лангархона<sup>279</sup> солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда сарой<sup>280</sup> ва қозихона<sup>281</sup> курсинлар. Ва раияту зироатни қўрикловчи қурчи<sup>282</sup> лар ҳам тайинласинлар.

Яна ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим.

<sup>279</sup> Лангархона – йўловчилар қўниб ўтадиган ер; мискин ва етимесирга таом бериладиган жой; ғарибхона.

<sup>280</sup> Матнда “Дор ул-аморат”.

<sup>281</sup> Матнда “Дор ул-адолат”.

<sup>282</sup> Курчи – курол кўтариб юрувчи; подшоҳ, хон, султон ва амирларнинг шахсий қўрикчиси. Бу ерда раият ва экинзорларни қўрикловчи ҳарбий бўлинма.



Булардан бири раият учун [бўлиб], ундан йифиладиган олиқ-солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йифилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқарди. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йигилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин.

Яна амр этдимки, ўлганларнинг молларини ўз ворисларига етказсингилар. Агар вориси йўқ бўлса, уни хайрли ишларга сарф қилсингилар ёки Маккайи муаззамага юборсингилар.

### **ЖАНГУ ЖАДАЛ, УРУШ МАЙДОНИГА КИРИШ, ҚЎШИННИ САФЛАШ ВА ФАНИМ ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ ТУЗУГИ**

Амр этдимки, агар фаним [лашкари] сони ўн икки минг отликдан кам бўлса, бу урушда амир ул-умаро [лашкаримга] сардорлик қилсинг. Аймоқ ва туманлардан ўн икки минг отлик унга ҳамроҳ бўлсин. Мингибошилар, юзбошилар ва ўнбошиларни ҳам ўзига ҳамроҳ қилсинг. Фаним лашкарига бир манзил<sup>283</sup> йўл қолгунча юриш қилиб, душман билан рўбарў келгач, менга хабар юборсинг.

Яна амр қилдимки, ўшал ўн икки минг отлик аскарни тўққиз қисмга бўлсингилар, ушбу тартибда; қўлда бир фавж, баронғорда уч фавж, жавонғорда уч фавж, хироувулда — бир фавж ва қоровулда — бир фавж турсин. Баронғорнинг ўзи ҳировул, чоповул ва шиковулдан иборат бўлсин. Шунга ўхшаш, жавонғор ҳам, ҳировул, чоповул ва шиковулдан иборат бўлсин.

Ва буюрдимки, амир ул-умаро уруш майдонини танлашда [қуидаги] тўрт нарсани назарда тутсинг. Биринчиси — у ернинг сувга яқин-узоқлиги. Иккинчиси —

<sup>283</sup> *Манзил* — бир кунлик йўл.

# ЛАШКАРНИ САФГА ТИЗИШ ТАРТИБИ



КОРОВУЛ ФАВЖИ



ХИРОВУЛ ФАВЖИ



ЖАРАНГОРНИНГ  
ХИРОВУЛ ФАВЖИ



БАРАНГОРНИНГ  
ХИРОВУЛ ФАВЖИ



ЖАРАНГОРНИНГ  
БИРИНЧИ ФАВЖИ



БАРАНГОРНИНГ  
БИРИНЧИ ФАВЖИ



ЖАРАНГОРНИНГ  
ИККИНЧИ ФАВЖИ




БАРАНГОРНИНГ  
ИККИНЧИ ФАВЖИ



КҮЛ (ФУЛ)

аскар сақлайдиган ерни. Учинчиси — ғаним лашкари турган ердан тепароқда бўлиши ва офтобга рўбарў бўлмаслигини, токи қуёш шуъласи сипохийлар қўзини қамаштирасин. Тўртингиси — уруш майдони олди очик, кенг жой бўлиши лозим.

Яна амр этдимки, урушдан бир кун олдин лашкарни сафга тизсинглар ва тузукка мувофик уни фавжларга ажратиб, душман томонга қараб юрсинглар. Лашкар отларининг боши кўзланган йўналишга қаратилсин ва юрар



йўлдан чап ёки ўнг ёққа бурилмасин. Яна буюрдимки, сипохийлар кўзи фаним лашкарига тушиши ҳамоно, баланд овоз билан “Оллоҳу акбар!” деб такбир айтсингилар ва сурон солиб, душман черики устига бостириб борсингилар.

Лашкар назоратчиси<sup>284</sup> сардорнинг жанг вақтида хато қилганини кўрса, дархол унинг ўрнига бошқа сардорни ўтиргизсин. Амирларга ва сипохийларга эса мен унга ишонч билдириб берган зафарнишон ёрлиғни кўрсатсан.

Амр этдимки, сардор лашкар назоратчиси билан бирга душман сипохининг оз-кўплигини мулоҳаза этсингилар, саркардаларини фаним лашкарбошилари билан солиштирсингилар. Шунга қараб, ўз сипохларининг каму кўстларини тўғрилаб, жангта ҳозирласингилар. Яна ўз сипохининг қурол-аслаҳаларини душманники билан таққослалинлар.

[Шунингдек], фанимнинг уруш олиб бориш йўлларини шошмасдан, бир зайлдами ёки шиддат билан жангта киришини кузатсингилар. Яна фанимнинг жанг қилиш тартибини чамалаб кўрсингиларки, улар бор аскари билан бир йўла от қўйиб шиддат билан хужум қиласими<sup>285</sup> ёки фавж-фавж бўлиб, кетма-кет ҳамла этадими? Яна кўрсингиларки, фаним ҳамла килган вақтда, жанг қилиб орқага қайтиб, кейин яна ҳамла қиласими ёки биринчи ҳамласи билан чегараланиб, охиригача савалашадими? Фаним агар орқасига қайтмай жанг килса, сипоҳ унинг ҳамласи билан тўсаддан етган зарбага сабр-тоқат килиб, охиригача туриб бериши керак. [Унда] шижоат бир соатлик сабр демакдир.

Амр қилдимки, душман уруш очмагунича ўзларича жангга кирмасингилар. Яна амр этдим: душман жанг майдонига киргач, лашкар бошлиғи ёсол<sup>286</sup> да турган тўққиз сипохий фавжга жангта тушиб, уруш бошлашлари хақида буйруқ берсин, чунки сипоҳ лашкарбошисининг вазифаси, жанг вақтида кўркувдан қўл-оёғи бўшашиб, саросимага тушмайин, буйруқ беришдан иборатдир. У ҳар бир сипоҳ фавжини уруш аслаҳаларидан бири деб билсин ва ўқ-ёй, ойболта, қилич, гурзи, пичок ва ханжар каби ҳар

<sup>284</sup> Матнда “оризи лашкар”.

<sup>285</sup> Матнда “турктоз” атамаси қўлланган.

<sup>286</sup> Ёсол — кўшин сафи. Ёсол тузиш — кўшинни юриш, кўрик ёки жанг олдидан сафга тизиш.



бир фавжни ўз ўрни келганды ишлатсин. Ишбилармон лашкарбоши, ўзини ва тўқиз сипохий фавжини бир тандек кўриб, уларни кўл-оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларини ишлатиб курашувчи бир пахлавондек хисобласин. Шундагина, ғаним сипохий фавжлари устига кетма-кет урилган тўққизта қилич зарбасидан кейин, тўққизинчи зарбада албатта енгилишига умид қилса бўлади.

Ҳақиқий лашкарбоши аввал ғаним устига хировул фавжини юборади, сўнгра ёрдам учун кетидан баронгор хировулини жўнатади. Баронгор хировули кетидан эса жавонфор хировулини жангга ташлайди. Шу тарзда душман аскари устига кетма-кет уч зарба тушган бўлади. Бордию шу вақт хировуллар ғанимга қарши кучсизлик қилсалар, у ҳолда баронфорнинг биринчи фавжи от қўйисин, кетидан жавонфорнинг иккинчи фавжини жангга ташласин. Шунда ҳам зафар қозонилмаса баронфорнинг иккинчи фавжини жангга киритсин, кетидан жавонфорнинг биринчи фавжини юборсин. [Улар жангга киргач], менга хабар жўнатиб, кейинги буйруқларимни кутсин. Шундан сўнг Оллоҳнинг мададу иноятига таяниб, лашкарбошининг ўзи ҳам жангга кирсин. Мени ҳам уруш майдонида ҳозир деб билсинлар. Оллоҳнинг ёрдами билан ғанимга саккиз зарба етгандан кейин, тўққизинчи зарбада душман енгилиб, фатху нусрат насиб бўлади.

Тўғри сардор улким, у шошма-шошарлик қилмай [аввал] лашкарини ишга солади. Борди-ю лашкарбошининг ўзи қилич чопишга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сакласин, чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтириб, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, сардор ақлу тадбиркорлик билан иш юритиб, шошма-шошарлик қилмасин, чунки шошқалоқлик шайтоннинг ишидир. Чораси бўлмаган ишга кириш масин, чунки ундан қутулиб бўлмайди.

## ЗАФАРЛИ СИПОХИЙ ФАВЖЛАРНИ УШБУ ТАРТИБДА САФГА ТИЗИШ ТУЗУГИ

Амр этдимки, агар ғаним лашкари ўн икки минг отлиқдан ортиқ бўлса-ю, лекин кирқ мингта етмаса, [лашкаримга] баҳтиёр ўғилларимдан бири сардор бўлсин.

## ҮН ТҮРТ ФАВЖНИ САФГА ТИЗИШ ТАРТИБИ



ХИРОВУЛ



ШИҚОВУЛНИНГ  
ХИРОВУЛИ



ШИҚОВУЛНИНГ  
БИРИНЧИ ФАВЖИ



ШИҚОВУЛНИНГ  
ИККИНЧИ ФАВЖИ



ЖАРАНФОРНИНГ  
ХИРОВУЛИ



ЖАРАНФОРНИНГ  
БИРИНЧИ ФАВЖИ



ЖАРАНФОРНИНГ  
ИККИНЧИ ФАВЖИ



ЧОПОВУЛНИНГ  
ХИРОВУЛИ



ЧОПОВУЛНИНГ  
БИРИНЧИ ФАВЖИ



ЧОПОВУЛНИНГ  
ИККИНЧИ ФАВЖИ



БАРАНФОРНИНГ  
ХИРОВУЛИ



БАРАНФОРНИНГ  
БИРИНЧИ ФАВЖИ



БАРАНФОРНИНГ  
ИККИНЧИ ФАВЖИ



ҚҰЛ



Икки бегларбеки кўшунот, туманот ва улусот амирлари ҳамда қирқ минг отликдан кам бўлмаган сипоҳ билан унинг хизматида ҳозир турсинлар. Зафарли сипоҳ фавжлари, тадбиркорлик, мардлик ва мардоналийни кўлдан бермасликлари учун, мени доим майдонда ҳозир деб билсинлар,

Амр этдимки, менинг зафару баҳт келтирувчи чодиримни [лашкар] бошига олиб чиқишигач, ўн иккита сипоҳий фавж тайинласинлар, уларнинг ҳар бирига улусот амирларидан бири фавж амири этиб белгилансин. У мен тузган саф тизиш, [ғаним] сипоҳи фавжлари сафини бузиш, жанг майдонига кириш ва чиқиш йўллари ҳакидаги ўн икки тузукни доим назарда тутиши лозим.

Сардор улким, ғаним сипоҳи саркардаларининг сонини ҳисоблаб, уларга тенг келадиган лашкар бошликларини тайинлади. У ғаним сипоҳининг жангда кўпроқ ўқчиларними, қилич чопувчиларними, ёки найзадорларни майдонга туширишини назарда тутсин. Ғаним сипоҳининг рафтторини кўрсиким, сипоҳ фавжларини узлуксиз, оҳиста-оҳиста жанг майдонига юборадиларми, ёки ҳаммасини бирданига хужумга ташлайдиларми (буни яхши билсин). Жанг майдонига кириш ва чиқиш йўлларини ҳам мулоҳаза килиб кўрсин. Душман қай тарзда жанг қилишини англаб олсин. Гоҳида ғаним ўзини камсонлик ёки қочаётгандек килиб кўрсатади. Шундай пайдада, уларнинг макр-хийлаларига учмаслик ва ўзини қочаётгандек қилиб кўрсатишига алданмаслик керак.


Жанг кўрган, тажрибали сардор улким, у урушнинг барча жумбокларини яхши билади, қайси сипоҳ фавжини жангга ташлаб, қайси чигинни қандай чора-тадбир билан тузатиш ва қай усулда жанг қилиш кераклигини билиши лозим. Тажрибали сардор ғанимнинг нияти ва режаларини, унинг қай усулни кўллаб жангга кирмоқчи эканлигини сеза билиши ва душманинг ўша тадбирни кўллашига тўскинлик қила олиши керак.

Чин сардор улким, қирқ минг отлик сипоҳдан ушбу тартибда ўн тўртта сипоҳий фавж туза олади. Аввал ўзига қарашли сафларни тузиб, уни қўл (фул) деб номласин. Сўнгра баронфорнинг уч фавжини тузиб, улардан бирини баронфор ҳировули деб атасин. Яна жавонфорнинг уч сипоҳий фавжини тузиб, улардан бирига жавон-



ғор ҳировули деб от кўйисин. Шу тарзда баронғор фавжларининг олдига яна уч сипохий фавж кўйиб, уларни чоповул деб номласин. Шу уч фавждан бирини эса чоповул ҳировули деб атасин. Шу тартибда яна уч сипохий фавж тузиб, уларни жавонғор фавжларининг олдига кўйиб, уни шиковул деб номласин. Бу уч фавждан бирини эса шиковулнинг ҳировули этиб тайинласин. Шундан сўнг қўл қаршисида синалган, тажрибали ўқчилар, қиличбозлар, найзадорлар ва баҳодирлардан иборат катта ҳировул тузсинлар. Чунки ҳировулнинг айнан шу фавжлари қаттиқ сурон солиб ёвни синдиради.

Ҳақиқий сардор улким, ғаним лашкарининг рафторини кузатиб туради ва амирлардан қай бири буйруқсиз юриш бошлаб, бошқалардан илгарилаб кетса, унга танбех бериши лозим. Чин сардор душманнинг қай тарзда жангга кириши ва чиқишини назаридан қочирмасин, токи ғанимнинг ўзи уруш бошламагунча жангга киришга ошиқмасин. Ёв жангга киргандан сўнг, сардор уларнинг жанг қилиш усулини кўриб ўргансин, жанг майдонига қай тартибда кирадилар ва чиқадилар, уларга қандай ҳужум этадилар, ҳамла қилгач ортларига қайтадиларми ёки вақти билан қочиб, [кейин яна] фурсат пойлаб қайтадан жангга кирадиларми, [буларни кузатиб турсин]. Яна сардорга лозимдирки, [қаттиқ зарба емай туриб] енгилгандек қоча бошлаган ёв кетидан кувламасин, чунки уларнинг ортларида кучли ёрдамчи қўшинлар турган бўлади. Сардор шуни ҳам билсинки, ғаним лашкари бор кучи билан бир катта тўпдек бўлиб ҳужум қиласидими ёки ўнгу сўл қанотини ёзиб, уруш олиб борадими. Сардор аввал уларга қарши катта ҳировул фавжларини рўбарў қилиши ва жангга ташлаши керак. Унинг ортидан катта ҳировулга мадад тарикасида кетма-кет чоповул ҳировули ва шиковул ҳировулини жангга киргизиши керак. Уларнинг орқасидан эса чоповулнинг биринчи фавжи ва шиковулнинг иккинчи фавжини жангга ташласин. Уларнинг кетидан эса чоповулнинг иккинчи фавжи ва шиковулнинг биринчи фавжини жангга ташласин. Агар ғанимга етказилган ушбу етти зарбадан кейин ҳам галабага эришилмаса, у вақтда баронғор ва жавонғорнинг ҳировулларини жангга ташласин, [бу билан] ғанимга тўққиз зарба урилган бўлади. Агар тўққиз зарбадан кейин ҳам



фатху зафар мұяссар бўлмаса, баронғорнинг биринчи фавжи ва жавонғорнинг иккинчи фавжини урушга солсин. Агар шу ўн бир зарбадан кейин ҳам ғалабанинг дараги бўлмаса, баронғорнинг иккинчи фавжи ва жавонғорнинг биринчи фавжини жангга ташласин. Шу ўн уч зарбадан кейин ёв енгилиб, ғалабага эришилади, деб умид қилса бўлади. Мабодо бу ўн уч зарба билан ҳам фатху зафар ҳосил бўлмаса, у ҳолда қўл сипоҳий фавжларини урушга шайлаб, ўзи ҳам улар билан жангга кирсиин ва душман қўзига ўзини тоғдек кўрсатиб аста-секин, туташган ҳолда ҳаракат қилсин. Уруш баҳодирларига буюрсинким, қиличларини яланғочлаб хужум қилсинлар. Ўқчилар эса визиллатиб ёйлардан қалин ўқ ёғдирсинглар. Шунда ҳам фатху зафарга эришилмаса, сардорнинг ўзи жанг майдонига тушсин ва менинг [мадад кучларим] ва буйруқларимни кутсин.

### ҚИРҚ МИНГ ОТЛИҚДАН ОРТИҚ СИРОХ ФАВЖЛАРИНИ САҒГА ТИЗИШ ТУЗУГИ

Шундай тузук битдимки, агар ёғий лашкари қирқ минг отликдан ортиқ бўлса, бегларбегилар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодирлар ва бошқа сипоҳийлар менинг зафарли байроғим остида бўлсин ва амру фармонимни кутсин.

Амр этдимки, қайси бир сипоҳий фавж амирига ёрлиғ юборсам, ёрлиғдаги хукмимга биноан иш тутсинлар ва унга хилоф иш қилмасинлар. Бегларбегилардан ёки амирлардан биронтаси хукмимга хилоф иш тутиб, ундан четта чиқса, уни қиличдан ўтказиб, ўрнига “мунтазир ал-аморат” ҳисобланган ўринбосарини кўйсинлар.

Ва [яна] амр қилдимки, улусот, қўшунот, туманотга тегишли қирқ аймоқдан тамға олган ўн иккитаси қирқ фавжга тақсим қилинсин. Тамға олмаган йигирма саккиз аймоқ амирлари эса [ўз лашкарлари билан бирга] қўл сипоҳий фавжининг орқасида саф тортсинлар. Ўғилларим, набираларим ўз фавжлари билан қўл кисмининг олдида ўнг қанотдан саф тизсинлар. Қариндошларим ва жиянларим эса ўз фавжлари билан қўл фавжининг олдириғида чап қанотдан жой эгалласинлар. Булар шай



бўлиб турсинлар ва қаерга мадад етказиш лозим бўлса, ёрдам берадилар.

Баранфорга олти сипохий фавж тайинлансин. Яна бир сипохий фавжни эса баранфор хировули сифатида белгиласинлар. Шунга ўхшаш, жаранфорда олтида фавждан саф тузсинлар. Яна бир фавжни бўлса, жаранфор хировули қилиб тайинласинлар.

Амр этдимки, баранфор фавжларининг олдидан олтида сипохий фавж жойлаштирунлар ва уларни чоповул деб номласинлар; бошқа бир фавжни тузиб, уни чоповулнинг хировули қилиб тайинласинлар. Шунингдек, жаранфор фавжларининг олдига кўйиш учун ҳам олтида сипохий фавж тайинласинлар ва уларни шиковул деб атасинлар. Яна бир фавж тузиб, уни шиковул хировули қилиб қўйсинлар. Чоповул ҳамда шиковул фавжларининг олдига тажрибали амирлар ва синалган баҳодирлар бошчилигига олтида фавждан саф тузиб, катта хировул килиб белгиласинлар. Бу олти фавждан бўлак яна бир фавж тузиб, уни хировулнинг олдига қўйсинлар ва хировулнинг хировули деб номласинлар. [Лашкарнинг олд қисмида] хировул хировулининг ўнг ва сўл қанотига икки қоровулбегини, барча биродарларимдан иборат сипохий фавжлари билан бирга қўйсинларким, улар фаним лашкарини кузатиб турсинлар.

Амр қилдимки, ўша кирк фавж амирлари, менинг ёрлиғим етиб бормагунча, жангга кирмасинлар ва навбат етмагунча жойларидан жилмасинлар, лекин жангга шай бўлиб турсинлар. Жангга кириш ҳақидаги буйруқ олингач, ёвнинг вазиятига қараб, сўнг жангга кирсинларким, фаним қайси йўлдан жангга кирса, унинг йўлини тўссинлар ва душман тўсган ҳар йўлни чораю тадбир ишлатиб очсинлар.

Амр этдимки, хировулнинг хировули жангта киргандан кейин, олти фавжлик хировулнинг амири ўз фавжларини бирин-кетин жангта туширсинки, фаним устига кетма-кет олти зарба берилгач, уларнинг сафлари бузилиб, кучлари синдирилади. Шу пайт ўнг кўл чоповул амири ўзининг олти фавжини бирин-кетин ёрдамга юбориб, орқасидан ўзи ҳам хужум қилсин. Шунингдек, шиковул амири ўзининг олти сипохий фавжини олдинда турган фавжларга ёрдамга юборсин. Уларнинг орқаси-



дан ўзи ҳам [жанг майдонига] етиб борсинким, оллоҳнинг мададу инояти билан, ғаним устига ўн саккиз зарба урилгач, уларнинг кучлари синиб, орқага чекинадилар. Душман бу зарбаларни егандан кейин ҳам бўшашмаса, баранғор ва жаранғор амирлари ўз хировулларини жангта киргизсинглар. Шу тариқа иккала хировул фавжи ўнг ва чап қанотдан уруш очгач, ёв албатта бардош беролмай, кучи синади. Агар шундан кейин ҳам ғаним енгилмаса, баранғор ва жавонғор амирлари ўз сипоҳий фавжларини бирин-кетин унинг устига юборсинглар. Агар баранғор ва жавонғор амирлари зафарли аскарлари ҳам ғаним фавжларини енга олмаётганлигини кўрсалар, ўзлари душманни енгиш учун жангта кирсинглар. Шунда ҳам баранғор ва жавонғор амирлари [ғанимни енгишга] ожизлик қилсалар, баранғор тарҳида бўлган амирзодалар ва жаранғор тарҳида бўлган қариндошларим, ғаним устига шиддат билан бостириб борсинглар. Буларнинг кўзлари ёв сардорида ва байроғида бўлсин ва шижаоту мардлик билан ғаним сафларини бузсинглар; сардорни қўлга туширишга интилсинглар ва душман байроғини ерпарчин қилишга ҳаракат қилсинглар. Агар шу зарбалардан кейин ҳам ғаним чекинмай, ўрнида тураверса, у холда кўлнинг сараланган фавжлари ва баҳодирлари, кўл фавжлари ортида саф тортиб турган улусларнинг лашкари, барчаси бирданига шиддат билан душман устига ташлансинглар. Агар шунда ҳам фатху зафар қозонмасалар, Султоннинг ўзи шер юрак ва баланд ҳиммат билан ҳаракат қилсин. Чунончи, қайсар билан бўлган жангда шундай қилдим: амирзода Мироншоҳ ўнг қанотнинг сардори эди. Унга қайсар чап қаноти рўбарўси ва ёнидан жангга киришни буюрдим. Чап қанотнинг амирлари: амирзода Султон Маҳмудхон<sup>287</sup> ва амир Сулаймон(шоҳ)га эса ёрлиғ юбориб, қайсарнинг ўнг қанотига хужум қилишни буюрдим. Ўнг қанотимдаги амирзода Абубакрга эса тепалик устида турган Йилдирим қайсарнинг қўл фавжига турктоз қилишни буюрдим. Ўзим эса қўл фавжлари ва улус, аймоқ лашкарлари билан қайсар томонга юрдим.

<sup>287</sup> Султон Маҳмудхон – Чигатой улусининг Амир Темур давридаги иккинчи хукмдори (1388 – 1402). Биринчи хукмдор Суюргатмишхон (1370 – 1388) эди.

# ТАМФА ОЛГАН (ВА) ЎН ИККИ АЙМОҚДАН ТУЗИЛГАН ҚИРҚ ФАВЖНИ САФЛАШ



ҲИРОВУЛНИНГ ҲИРОВУЛИ



ХИРОВУЛНИНГ  
ЧАП ҚАНОТИ




КАТТА ҲИРОВУЛ



ҲИРОВУЛНИНГ  
ЎНГ ҚАНОТИ




ШИҚОВУЛ ҲИРОВУЛИ



ШИҚОВУЛ



ЧОПОВУЛ ҲИРОВУЛИ



ЧОПОВУЛ



ЖАРАНФОР ҲИРОВУЛИ



ЖАРАНФОР (ЧАП ҚАНОТ)



БАРАНФОР ҲИРОВУЛИ



БАРАНФОР (ЎНГ ҚАНОТ)



ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛАР  
ФАВЖИ



АМИРЗОДАЛАР  
(ЎФИЛЛАР) ФАВЖИ



ҚҮЛ (ФУЛ)



ТАМФА ОЛМАГАН ЙИГИРМА САККИЗ АЙМОҚ



Қайсарнинг сипоҳий фавжлари биринчи ҳамламдаёқ енгилди. Султон Маҳмудхон [қочаётган] қайсарнинг кетидан қувиб, уни қўлга туширди ва менинг даргоҳимга олиб келди<sup>288</sup>.

Тўхтамишхонни ҳам шу тузукларни қўллаб енгган эдим. Унинг байробини эса ертубан қилишни буюргандим.

Агар ёв бостириб келиб, чоповул, шиковул, баранфор ва жаранфор фавжларини маҳв этиб, лашкарнинг қўл қисмига етар экан, у чоғда султон шижаат оёғини сабр узангисига маҳкам тираб, душманни даф қилиб йўқотиш учун олдинга ташлансин. Чунончи, мен Шоҳ Мансур билан бўлган жангда шундай қилдим. У турган ерга етиб олдим ва у билан юзма-юз тўқнашдим, токи уни ҳалокат тупроғига қормагунимча урушдим.

---

<sup>288</sup> Боязид Йилдиримнинг асир олиниши воқеаси 1402 йилнинг 20 июл куни содир бўлган.





## МАЬНАВИЯТИМИЗ ТАРИХИДА “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”НИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Амир Темур тарих саҳнасига чиқмасидан олдин Чингизхон босқинчилиги Шарқу Фарбнинг кўплаб мамлакатларига беҳисоб вайроналик ва талафот келтирган эди. Шарқда Хитойдан тортиб, Фарбда Дунайгача, шимолда Россиядан тортиб жанубда Ироқ, Эрон ва Афғонистонгача чўзилган беҳад улкан ҳудудларда Чингизхон ва унинг авлодлари талончиликка асосланган шафқатсиз ҳарбий империя тузиб, бутун-бутун элларни курол кучи билан асоратда тутадилар. Шундай катта империяда бир асрдан ортиқ давр мобайнида босқинчиларга бас келадиган, уларга қақшатқич зарба бериб, ватанларини қуллик занжирдан озод қиласидан зўр кучлар топилмайди. Тўғри, золимларга қарши кўп жойларда халқ қўзғолонлари бўлиб турарди. Лекин жуда катта ҳарбий курдатга эга бўлган ва тиш-тирноғигача куролланган босқинчилар Махмуд Торобий каби кўплаб ботир қўзғолончиларни аёвсиз йўқ қиласар эдилар.

Чингизийлар асоратидан қутулиш учун узоқ тайёргарлик кўрган ва бутун ҳаётини озодлик учун курашга баришлаган доно йўлбошли ва яхши уюшган жанговар кучлар халқ орасидан етишиб чиқиши керак эди. Чингизхон босиб олган ўнлаб ўлкалар орасида биринчи бўлиб бизнинг Туронзамин даҳшатли империя қўшинлари билан дадил олишишга ва она-Ватанини босқинчилардан озод килишга қодир бўлган қаҳрамон курашчиларни тарих саҳнасига қандай олиб чиққани “Темур тузуклари” да ҳаққоний кўрсатилгандир.

Кўчманчи чингизийлар Самарқанд ва унинг атрофларидағи ўтрок аҳолига жабру зулмни ҳаддидан оширади, ҳатто аёлларнинг номусига тажовуз қиласиди. Жабрдийдаларни ҳимоя қилмоқчи бўлган адолатпарвар одамлардан етмиштасини қамоқقا ташлайди. 25 ёшлик Амир Темур бу адолатсизликка чидай олмайди. Олтмиш йигити билан қамоқхонага бостириб бориб, ноҳақ ҳибс этил-



ганларни озод қилади. Мүфул хони буни ўзига қарши исён деб билади ва Амир Темурни тутиб олиб ўлдириш ҳакида фармон чикаради.

Аммо кўпчилик ҳалқ Амир Темур томонига ўтади. Юрт оқсоқоллари, уламолар ва саййидлар фатво чикариб, Амир Темурниadolatli раҳбар ва олий хукмдор деб эълон қиладилар, “барча мусулмонлар босқинчи мўфулларни даф этишда Темурбекка молу жонини аямай ёрдам берсинглар” деб даъват этадилар<sup>289</sup>.


Мана шу тарзда Самарқанддан бошланган ҳалқ ҳаракати аввал Қарши ва Бухорога, сўнг бутун Турон ва Хурсонга тарқалиб, 1362 йилдан 1370 йилгача давом этади. Қиёс учун ёшлигимизда тарихнинг ботир қаҳрамонлари сифатида таниганимиз Е.Пугачёв ва С.Разиннинг куролли қўзғалонларини эслайлик. Бу қўзғолонлар бир ярим йилга бормай бостирилиб тутатилади. Амир Темур бошчилик қилган куролли қўзғолон эса саккиз йил давом этади ва чингизийлар ҳокимиятини ағдариб ташлаб, юртимизда мустақил давлат тузиш билан якунланади. Амир Темур давлати бунёдкорлик, ободончилик ва эл-юрга ҳаётидаadolatni тиклаш бўйича мутлақо янгича сиёsat олиб боради.

Босқинчилар билан ўнлаб марта мардона жанглар қилган Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн Арабшоҳ унинг қиёфасини куйидагича тасвирлаган: “(Амир) Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникидай катта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиник юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган изитиробсиз, вазмин одам эди”<sup>290</sup>.

“Темур тузуклари”да келтирилган воқеалар Ибн Арабшоҳ тасвир этган қаҳрамон қиёфасига мантиқан тўғри келади. Амир Темур ўлимдан қўрқмайдиган ботир йигит бўлгани учун мўфул истилочиларига қарши кураш майдонига чиқади, олтмиш йигити билан минг кишилик Таваккал ботирни енгади. Унинг жўмардлиги – ёшгина хотинини отга миндириб, ўзи кум барханлари оша пиёда юрганида ҳам кўринади. Алибек Жони-

<sup>289</sup> Темур тузуклари. Т., 1991, 21-бет.

<sup>290</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992, 2-жилд, 65-бет.



курбоний золимлик қилиб уни бургахонага қамаб кўйганда Амир Темурдан бошқа заифроқ одам бўлса умидсизлика тушиб, “оҳ-воҳ!” қилиши, фифони кўкка чиқиши мумкин эди. Лекин Амир Темур яна ўша вазминлик билан нажот йўлини излайди, ўзи-ўзи билан кенгашади. “Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди” дейди. Бу баҳодирлик — ўлимга қарши тик бора олиш, бор кучи ва чапдастлигини ишга солиб, фаним билан олиша билиш илҳомига ўхшайди.

Қамоқхона эшиги олдида турган соқчининг бепарво пайтини топиб, тўсатдан унинг қиличини тортиб олганда шердай ғазабнок Амир Темурнинг важоҳати соқчини қанчалик кўрқитиб юборганини қаҳрамоннинг гап оҳангидан пайқаймиз. Кўзлари оловдай ёнган, шеркалла паҳлавон қўлида яланғоч қилич билан Алибек Жониқурбоний қаршисида тўсатдан пайдо бўлганда бу золим ҳам беихтиёр кўрқиб кетганига ва Темурбекни ноҳақ қаматгани учун узр сўраганига биз яна муаллиф образининг ҳаққонийлиги туфайли ишонамиз.

Ўз олдига ватанини босқинчи мўғуллардан озод қилиш каби улуғвор мақсад кўйган Темурбек яшириқча Қарши ва Самарқандга боради, икки мингга яқин тарафдорлар топади. Лекин мўғул хони йигирма-ўттиз минг қўшини билан мамлакатни асоратда тутиб турибди. Ҳали унга қарши қилич яланғочлайдиган вазият етилган эмас.

Темурбек сабр-бардош билан қуладай пайтини кутади, Самарқандда эгачиси Кутлуг Туркон оқанинг уйида 48 кун яшириниб ётади. Шу кунларнинг охирида бир бегона одам уни кўриб таниб қолади. Душман қўлига тушмаслик учун Темурбек яна эллик йигити билан Самарқандни тунда яшириқча тарк этади.

Кочқинлик ва саргардонлик бир неча йил давом этади. Хурсонга борганда Гармсер вилоятининг мингга яқин турку тоҷик йигитлари унинг қўшинлари сафига киради. Бу навкарларни озиқ-овқат ва қурол-яроқ билан таъминлаш зарур. Ана шу ҳаётӣ зарурат туфайли Темурбек Ҳиротдан жануброқда жойлашган Сейистон ўлқасининг ҳукмдори Малик Маҳмуд билан иттифоқ тузиб, шартлашади. Кўшиннинг олти ойлик озиқ-овқат захираси эвазига Темурбек Малик Маҳмудга ёрдамга боради. Темурбек иттифоқдошлик шартини мардана бажаради. Аммо Малик Маҳмудномардлик қиласади, елкадан пичоқ ургандай бўлади.




Аввалги даҳшатли қирғиндан омон чиқкан Темурбек бу гал оғир ярадор бўлади. Тафсилоти айтилмаган бўлса ҳам, биз олчоқ “иттифоқдош” Махмуднинг тунда тўсатдан қилган хужуми пайтида Амир Темур зирхли кийимларини кийишга улгурмаган бўлиши мумкин, деб тахмин қиласиз. Шу ҳам сабаб бўлиб, бирдан ҳам ўнг қўлига, ҳам ўнг оёғига ўқ тегади. Агар ўқ теккан захоти яраларнинг конини тўхтатиб, муолажа бошланса, оқибати бунчалик ёмон бўлмаслиги мумкин эди. Лекин Темурбек одати бўйича жангни ғалабага эришгунча давом этдиради. Шундан кейин икки ойгача яралари тузалмай бетоб бўлиб ётганига қараганда, ахволи жуда оғир бўлади.

Бу воқеаларни ҳикоя қилиб берган Темурбекнинг қаҳрамонона характеристини яна унинг босик, вазмин ва мардона гап оҳангидан илғаб оламиз. Бошқа таъсирчанроқ одам бўлса, яхшиликка ёмонлик қилган Малик Махмудни “хоин, абллаҳ” деб қоралаб, бу баҳтсиз ҳодисани куйиб-ёниб ҳикоя қилиб берган бўларди. Лекин Амир Темур шундай оғир ҳолатга тушганда ҳам ҳиссиётга берилмайди. Ҳикоясини мардона услугда давом этдиради.

Амир Темурнинг муҳрига “rosti-raсти” деган сўзлар битилганлиги тарихдан маълум. Ҳақиқатни билиб иш юритиш унинг фаолиятидаги асосий тамойил бўлган. Шу сабабли ўз фаолияти ҳақида ҳам ростгўйлик билан сўз юритади ва бошқа тарихчилардан ҳам ортиқча муболага ва мақтовларсиз ҳақиқатни қисқа ва лўнда шаклда ёзиши талаб қиласи.

“Темур тузуклари” асли туркий тилда ёзилган қаҳрамонлик достонидек ўқиласи. Унда моҳият ва маънонинг беҳад қуюклиги “Алп Эр Тўнга” достонини ва тош битиклардаги Билга Хоқон ва Култегин тарихларини эслатади. Ўша қадимий достонлар ва тош битикларда кўринган мардона услуб, моҳият ва маънони туркий тилда қисқа, лўнда ва ростгўйлик билан ифодалаш анъанаси “Темур тузуклари” да янада кўзга яққол ташланади. “Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соглигим кетди, — дейди Амир Темур. — Ҳузур-ҳаловатдан воз кечдим. Ўн икки ёшидан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим”<sup>291</sup>.

<sup>291</sup> Темур тузуклари, 54-бет.



Муаллиф факат эришган ютуклари ҳақида эмас, йўл кўйган хатолари тўғрисида ҳам ростгўйлик билан ёзади: “Яқинларимдан баъзилари ёлгиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ ва эътиборли амирларимдан бўлган Амир Аббос ҳақида ёмон гапларни айтдилар. Ёлгон сўзлар шамоли билан газабимни алангалинтиридилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан Амир Аббосни ўлимга буюрдим. Лекин кейинчалик уларнинг Амир Аббосга ҳасад ва душманлик билан ёлгон гапиргандари аниқланди. Мен қилган ишидан ўқиниб, жуда пушаймон бўлдим”<sup>292</sup>. Шу ўринда “Темур тузуклари” тўлақонли реалистик асарлардагина бўладиган икрор лавҳаларини эсга солади.

Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу асарнинг мөҳияти ва маъноси баъзи кўп жилдлик романларга ҳам сифаслиги мумкин. Лекин Амир Темурнинг мақсади фарзандлар ва авлодларига ўз ҳаётий тажрибасини аниқ-равшан шаклда етказиб бериш бўлганлиги учун бошқа тарихнавислар уddyалай олмаган ишни у ўзи қилишга интилади.

“Зафарнома” лар унинг ҳарбий юришлари ҳақида анча тўлиқ маълумот беради. Амир Темур шуни билганлиги учун Тўхтамишхонга қарши юриши ва Йилдирим Боязид билан қилган жанг тўғрисида жуда қисқа — бир бет, ҳатто ярим бет ёзади. Аммо тарихчilar унча яхши ёрита олмаган мавзуларга атайлаб батафсилроқ тўхталади.

Ана шу мавзулардан бири — саркардалик маҳорати ҳақидадир. “Яхши лашкарбоши ўзини ва қўл остидаги тўйқиз сипоҳий фавжини”<sup>293</sup> бир танадек кўрсинг, уларни шу яхлит тананинг қўли, оёги, боши, кўкраги ва бошқа аъзолариdek ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин...

...Борди-ю, лашкарбошининг ўзи қилич чопишга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақласин. Чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтиради, ганим лашкарининг галабасига сабаб бўлади”<sup>294</sup>.

Амир Темурнинг даҳо даражасидаги саркарда бўлганини бутун дунё тан олади. Унинг ҳарбий санъати “Те-

<sup>292</sup> Ўша асар, 73-бет.

<sup>293</sup> Фавж — ҳарбий қисм. Ҳозирги батальон тушунчасига тўғри келади.

<sup>294</sup> Ўша асар, 101 – 102-бетлар.



мур тузуклари"нинг бадиий тилида ўзининг ёрқин ифодасини топгани юқоридаги сатрларда кўзга яққол ташлаади. У икки юз минг кишилик улкан лашкарни худди ўз танасидаги аъзоларини курашда яхши ишлата оладиган моҳир паҳлавондек ишлата олган ва буни қўл остидаги лашкарбошиларга, ўз авлодлари ва ворисларига образли тафаккур ёрдамида ўргатган.

Ўнлаб аскарий қисмларни худди ўз танасининг аъзолари каби ичдан ҳис қилиб бошқариш – бадиий тасвир нуқтаи назаридан баҳолаганда образли тафаккурнинг ажойиб бир намунасиdir.

Асарнинг иккинчи қисмидан қонун кучига эга бўлган 27 та тузук ўрин олгандир. Улардан биринчиси "Менинг даргоҳимга илтижо қилиб, паноҳ истаб келган турку тожик, арабу ажам тоифаларидан бўлганлар борасидаги тузук" деб аталади.

*"Агар касбу ҳунар, маърифат аҳлларидан бўлсалар, буюрдимки хизмат ўринларини белгилаб, салтанат корхоналаридан юмуш берилсин... Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруг ва асобоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан ёрдам кўрсатилсин"*<sup>295</sup>.

Бу сатрларда биз Амир Темурнинг чингизийлар истилосидан қутилган эл-юрт ҳаётида жуда катта ўзгариш ясаганини, ҳунармандга ҳам, маърифат аҳлига ҳам, дехконга ҳам, оддий фуқарога ҳам иложи борича яхшилик қилишни қонун даражасига кўтарганини кўрамиз.

Давлатни қонун-қоида асосида бошқаришга хизмат қилган ўнлаб тузулар – Амир Темур барпо этган янги типдаги давлатнинг аввалги давлатларга нисбатан жуда катта афзалликлари борлигидан далолат беради. Қонуншунос олимларимиз ҳали бу масалаларни етарли даражада ўрганиб, аниқ хулосалар чиқаришга ултурғанлари йўқ.

Амир Темурнинг давлатни бошқаришга оид қонун-қоидаларни ўз ичига олган тузуларни, айниқса, унинг донишманд сиймо сифатидаги ҳаётий тажрибаси олти асрдан буён ўз аҳамиятини йўқотмай келади. Даҳо даражасидаги бу сиймо то 70 ёшигача энг хатарли жангларни

<sup>295</sup> Ўша асар, 67-бет.



ҳам ғалаба билан тугатганига ва шундай қудратли давлат тузганига бош сабаб – у ўз ақл-заковатини, маънавий ва маърифий қудратини, бой ҳаётий тажрибасини тўлиқ ва моҳирона ишга сола билганлигидадир.

Мана шу ақл-заковат, тенгсиз истеъодод ва ҳаётий тажриба “Темур тузуклари” да олмос қирралариdek нурланиб турди. Ҳаммаси бўлиб юз саҳифага жо бўлган бу асарнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ тахлил ва талқин қилиш учун минглаб саҳифалар ҳам етмаслиги мумкин.

“Темур тузуклари” ни муаллиф умрининг охирги даврида авлодларга мерос тарзида яратиб кетган. Бу маданий мероснинг дунёга келганига олти юз йил бўляпти. Шу олти аср давомида Ўзбекистон тупроғида пайдо бўлган энг улуғ тарихий, адабий ва лисоний ёдгорликларнинг олдинги қаторидан “Темур тузуклари” ўрин олишга муносибdir.

“Темур тузуклари” бизга бир неча вариантда етиб келган. Бизнингча, булар орасида энг мукаммали – Шоҳжаҳон томонидан кўриб берилган ва “Бомбей нусҳаси” деб аталадиган вариантидир. Бобур Мирзонинг чевараси бўлган Шоҳжаҳон катта бобосининг Ҳумоюнга ёзиб қолдирган махфий васиятномасидан, албатта, хабардор бўлган. Бу васиятномада Бобур Мирзо ўғлига: “Адолатни ихтиёр қилгил... Ҳазрат Амир Темурнинг корномасини доим ёдингда тутгил” дейди. Бу ерда корнома сўзининг маъноси теран ва кўп қиррали эканига эътибор бериш керак. Аввало, “нома” бу қофозда битилган ёзма қадриятдир. Демак, Амир Темурнинг қофозда битилган мероси, жумладан, Тузуклари Бобур Мирзо ва унинг авлодларига мерос тарзида етиб борган.

Эронлик олим Абу Толиб Ҳусайний XVII аср бошлирида Яман ҳокими Жаъфар Пошонинг кутубхонасида туркий тилдаги “Темур тузуклари” ни учратади ва уни форсий тилга таржима қилгани ҳақида шундай дейди: “Кўрдимким, бошдан-оёқ ҳаммаси Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз сўзларидир... Амир Темур ўз гавҳар тили билан бу навъ такаллум сурмушким,... подшоларга дастурул амал бўлгай...”<sup>296</sup>.

<sup>296</sup> У.Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. 1997, 147-бет.



“Темур тузуклари” Ямандан топилгунча ва бошқа тилларга таржима бўлгунча уч-тўрт аср вакт ўтади. Бу асрларнинг алғов-далғовларида Тузукларнинг аслияти қўлдан-қўлга ўтиб, Яман ҳокими Жаъфар Пошо кутубхонасида етиб боргунча неча марта қайта қўчирилганини, ҳар хил шароитларда нусха қўчирувчилар қанчадан-қанча ноаниқликларга йўл қўйганини тасаввур этиш мумкин.


Бу ноаниқликлар ва хатоларнинг кўпчилиги Шоҳжахон томонидан бартараф этилади. Масалан, Амир Темур ўз эсдаликларини ҳаётдан кўз юмгунга қадар давом эттирадиган жойи Шоҳжаҳон тайёрлатган матнда ҳам, Тузукларнинг ўзбекча нашрларида ҳам йўқ. Шунга ўхаш ноўрин қўшимчалар, Амир Темур ҳамма воқеаларни аввал тушида кўрадиган бир башоратчи авлиё қиёфасига кириб ҳикоя қиласидиган лавҳалар Шоҳжаҳон тайёрлатган матндан олиб ташланган.

Аммо инглиз ҳарбийлари Шоҳжаҳоннинг ўлимидан анча кейин мустамлакага айланган Ҳиндистондан олиб кетган форс тилидаги Тузуклар аввалги тузатилмаган таржиманинг ноқис нусхаларига асосланган эди. Ана шу ноқис нусхалардан инглиз тилига қилинган таржималарида котиблар матнни кўчираётганда киргизган қўшимчалари ва йўл қўйган хатолари ҳам инглиз олими Ч.Сторн, Э.Броун кабиларнинг “Тузукларни Амир Темур ўзи ёзмаган” деган тахминларига сабаб бўлади.

Аммо тарихий воқеаларни асл манбалар ва Шоҳжаҳон тузаттирган аслият орқали ўрганган Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Арабистон олимларининг аксарият кўпчилиги Тузукларнинг муаллифи Амир Темур эканига мутлақо шубҳа қилмайдилар.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, баъзи тарихчи олимлар “Темур тузуклари”ни Темур ўзи ёзмаган” деган даъвога гўё унинг саводсиз бўлганини асосий далил қилиб кўрсатадилар. Амир Темурдек улуғ сиймони ва унинг шоҳ асари бўлган “Темур тузуклари”ни бундай асоссиз даъволардан ҳимоя қилиш ва мустабид даврларда хукм сурган шу каби камситишларни узил-кесил бартараф этиш бугунги фанимизнинг муҳим вазифаларидандир.

Рус тилида 1992 йилда Москвада нашр этилган “Тамерлан” номли тўпламда машҳур академик В.В.Бартольд



“Темур саводсиз бўлса ҳам қиссаҳонлар ўқиб берган китоблар орқали тарихни яхши билган”<sup>297</sup> деб ёзади. Яна бир ҳурматли академик А.Ю.Якубовский “Темур” деб аталган асарида худди шу фикрни бошқачароқ шаклда билдиради: “Темур ёшлиқдан туркӣ ва форсий тилларни билган, билимли, маърифатли одамдек кўринган. Лекин ўқиши ва ёзишини билмаган. Китобларни унга қиссаҳонлар ўқиб бериб турган”<sup>298</sup>.

Ҳар икки машҳур академик ҳам “Амир Темур саводсиз бўлган” деган фикрга асосланиб, “Темур тузуклари” XVII асрда бошқа муаллиф томонидан ёзилган” деган холосага келадилар. Бу холосага биринчи бўлиб, академик Б.Аҳмедов “Амир Темурни ёд этиб” китобида қатъий эътиroz билдиради<sup>299</sup>. Чунки Б.Аҳмедов Амир Темур саройида котиб бўлиб ишлаган Ҳафизи Абрўнинг “Зубдат ут-таворих” асарини яхши билар эди. Кўлёзма ҳолида Истанбулда сакланаётган ва Тошкентта фотонусхаси келтирилган бу асарда Ҳ.Абрў шундай гувоҳлик беради: “Амир соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балогат ёшига етгунча илм, адаб, ҳат ва суханворлик касб этди... Ундаги теран билим шиҷоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади”<sup>300</sup>.

Эронлик яна бир тарихчи Муъиниддин Натанзий ҳам ўзининг “Мунтаҳаб ут-таворих” китобида Амир Темурнинг билимли, маърифатли ҳукмдор бўлгани ҳақида ёзган. Чунки Натанзий ҳам Амир Темурга замондош бўлган ва унинг невараси Искандар Мирзо саройида хизмат қилган эди.

Амир Темурни “savodсиз бўлган” деб даъво қилган олимлар Ҳ.Абрў ва Натанзий каби бу масалани яхшироқ билган тарихчиларнинг ёзганларига эмас, балки тарихий фактларга ҳар кимлардан эшиятган ривоятларини ҳам қўшиб ёзган Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” деган қиссасига асосланиб фикр юритганга ўхшайдилар. “Мен бу қиссада, — деб ёзган эди Ибн Арабшоҳ, — ўзим кўрганларимни эслаб, бошқалар-

<sup>297</sup> “Тамерлан”. М., 1992, 488-бет.

<sup>298</sup> Ўша китоб, 43-бет.

<sup>299</sup> Б.Аҳмедов. Амир Темурни ёд этиб, 1996, 32-бет.

<sup>300</sup> Ҳафизи Абрў. Зубдат ут-таворих. Туркиядаги “Фотих” кутубхонасида сакланаётган кўлёзма. № 4371, 14-бет.

*дан эшитган ривоятларимни ҳам баён қилишга иродат этдим*<sup>301</sup>.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур саройида хизмат қилган эмас, унинг фаолияти тўғрисида ёзганлари эса кисман бошқалардан эшитилган уйдирма ривоятларга асосланган. Ана шундай уйдирмалар таъсирида Ибн Арабшоҳ: “Амир Темур саводсиз бўлиб, ҳеч нарсани ёзмас ва ўқимас эди, ҳамма нарсани бошқаларга ўқитиб эшитарди”<sup>302</sup> деган даъвони ҳам қиласи. Кўриниб турибдики, Ибн Арабшоҳнинг уйдирмаси юқорида номлари келтирилган икки машхур академикнинг Амир Темур саводи ҳақидаги фикрларига манба бўлиб хизмат қилган.

Ибн Арабшоҳнинг китобида қимматли тарихий маълумотлар ҳам бор. Аммо у Амир Темурга нисбатан ёлғон гапларни ҳам айтганки, уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш керак.

Амир Темур ўз даврининг энг истеъоддли, билимдон ва маърифатли сиймоларидан бўлганлиги Ибн Халдун асарларида ва бошқа араб манбаларида атрофлича кўрсатиб берилган. Арабшунос олим Убайдулла Уватов “Соҳибқирон Амир Темур араб муаррихлари нигоҳида” деб аталган китобида араб олими Мазҳар Шихобнинг 1981 йилда Байрутда нашр этилган “Темурнинг даври, ҳёти ва фаолияти” номли асари тўғрисида ба-тафсил маълумот беради. Мазҳар Шихоб ўз китобининг еттинчи бобидаги маҳсус бир фаслда Амир Темурнинг саводхон ва билимдон бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтиради<sup>303</sup>.

Амир Темур даҳо даражасидаги илму маърифат соҳиби бўлгани учун ҳам Шарқу Farb тарихини яхши томонга қараб ўзгартирган улуғ ишлар қилди. Чингизийлар вайронага айлантирган Туронда, Озарбайжонда, Эронда, Афғонистонда ва бошқа кўп жойларда обод манзиллар, кошоналар, бор-роғлар барпо этди, катта ариклар қаздириб, қакроқ чўлларга оби-ҳаёт келтирди. Тўхтамишхон босқинчилигига қарши ғолибона жанглар қилиб, Россия ва Шимолий Кавказнинг Олтин Ўрда асоратидан

<sup>301</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992, 1-жилд, 67-бет.

<sup>302</sup> Ўша асар, 2-жилд, 70-бет.

<sup>303</sup> У.Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида, 128-бет.

озод бўлишига катта тарихий ҳисса қўшди. Амир Темурнинг Йилдирим Боязид устидан эришган улкан ғалабаси ислом дунёси билан насора динидаги давлатлар орасида узоқ давом этган диний ғазовот ва салиб юришларига чек қўйди. Бунинг ўрнига Амир Темур Испания, Франция, Англия каби етакчи мамлакатларнинг қироллари билан дўстона дипломатик алоқалар ўрнатиб, савдо-сотиқни ривожлантириди, бу ҳаммаси дунёда тинчликни сақлашда, Фарб ва Шарқнинг ҳамкорлик қилишида жуда катта тарихий бурилиш бўлди.

“Темур тузуклари” мана шундай оламшумул воқеаларни ҳаққоний акс эттирган тарихий ёдгорлик бўлиш билан бирга адабиётимизни улув бир қаҳрамон – Амир Темур образи билан бойитган адабий асар ҳамдир.

Шу вақтгача Соҳибқирон ҳақида бутун жаҳонда юзлаб адабий асарлар яратилган бўлса, улар орасида Амир Темур образини энг ишонарли акс эттирган китоб “Темур тузуклари”дир. Биз бу асарнинг тили ва тасвир воситалари орқали Амир Темурнинг яшаш ва сўзлаш тарзи, унинг ички дунёси ва феълу автори тўғрисида тасаввур ҳосил қиласиз. Бундай тасаввурни фақат реалистик адабий асаргина бериши мумкин.

“Темур тузуклари” ўзбек адабиётида бундан олти аср бурун реализмни бошлаб берган автобиографик асар сифатида юксак даражада қадрланиши ва мактаб дарсликлирига киритилиши керак. Айни вақтда, бу асар тарихчилар, қонуншунослар, ҳарбий санъат тарихини ўрганивчилар учун ҳам қомусий аҳамиятга эгадир. Шунинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда “Темур тузуклари”ни ўрганиш, таҳлил ва талқин этиш, ундаги ватанпарварлик ва адолатпарварлик ғояларини барча элдошларимизнинг қалбига етказиб бериш бизнинг ва бу мавзуга алоқадор барча мутахассисларнинг бурчидир.

**Пиримқул ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси**

## “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”НИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, нафакат иқтисодий, балки маданий ва маънавий юксалиш жараёнига дадил кириб бормоқда. Айниқса, тарихнинг унутилган саҳифаларига, шу жумладан, ёзма меросни ўрганишга эътибор кучайди. Амир Темур тарихига оид қатор бирламчи манбаларнинг ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этила бошлагани бунинг яққол мисолидир. Ана шу йиллар ичida бошқа манбалар қатори “Темур тузуклари” ҳам ўзбек ва рус тилларига ўгирилиб, чоп этилди<sup>304</sup>.

Асарга боғлиқ қатор илмий тадқиқотлар ҳам эълон килинди. Айни пайтда ҳали олдинда қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Уларни амалга ошириш учун эса қўйида кўрсатилган қатор муаммоларнинг ечимини топиш керак деб ўйлаймиз. Аввало, “Темур тузуклари” тарихи ҳақида икки оғиз сўз:

“Темур тузуклари” (“Тузуки Темурий”)нинг фанда қайд этилган илк нусхаси ёски ўзбек (чиғатой ёки туркӣ тилда) тилида битилганилиги маълум. Бу воқеа Яман ҳокими Жаъфар Пошанинг кутубхонасидаги туркӣ тилда ёзилган асар билан боғлиқ<sup>305</sup>.

“Тузуки Темурий”нинг сўзбошисида келтирилишича, ўртаосиёлик Мир Абу Толиб Хусайний ал-Аризий ат-Турбатий Маккан мухаррама ва Мадинаи мунавварага ҳаж қилган вақтида асарни ўқишига мұяссар бўлган ва

<sup>304</sup> Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изохлар муаллифи Бўрибой Аҳмедов. Тошкент, 1991 йил; Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изохлар муаллифи Бўрибой Аҳмедов. Тошкент, 1996 йил (ўзбек, инглиз ва француз тилларида); Уложение Темура. Перевод с персидского Хамидуллы Ка-роматова. Автор предисловия, примечаний и комментариев Б.Аҳмедов. Ташкент, 1999

<sup>305</sup> Шарқшунос Убайдулла Уватов “Соҳибқирон юлдузи” газетасида эълон қилган “Темур тузуклари” Маккадамикин?” маколасида

уни форс тилига ўгирган экан. Хусайнин Турбатий форсча таржимани 1637 йили бобурий хукмдор Шохжаонга (1628 – 1657) тортиқ қилган<sup>306</sup>.

Таникли шарқшунос академик Бўрибоя Аҳмедов “Темур тузуклари”нинг 1996 йилдаги нашрига ёзган сўзбошисида бу ҳақда шундай келтирган: “Бу хусусда ҳиндистонлик машхур тарихчи Абдулҳамид Лохурийнинг “Подшоҳнома” китобида муҳим маълумот бор. Олимнинг айтишича, ҳижрий 1047 (милодий 1637 – 38) йили Мир Абу Толиб ал-Хусайнин ат-Турбатий ўз таржимасини Шохжаонга тақдим этган. Шохжаон таржима билан танишиб чиқиб, унда айрим ноаниқликлар ва камчиликлар топган ва йирик олим, Декан вилоятининг қозикалони Муҳаммад Ашраф<sup>307</sup> Бухорийни (вафоти – 1652 й.) хузурига чакиртириб, мазкур таржимани мўътабар асарлар, хусусан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зифарнома”си ва шунга ўхшаш муҳим манбаларга солишириб чиқиши ва шу йўл билан таржимадаги хато ва камчиликларни бартараф қилишни топширган. Муҳаммад Ашраф Бухорий кўрсатмага кўра, Мир Абу Толиб ал-Хусайнин ат-Турбатий нусхасини дикқат билан таҳрир қилган<sup>308</sup>. Шу зайлда асарнинг янги, тўлдирилган таҳрири вужудга келади ва у “Малфузоти Темурий”, “Воқеоти Темурий” номи билан танилади. Кейинчалик ундан кўплаб нусхалар кўчирилгани маълум.

Маълум бўладики, бобурийлар салтанатида “Тузуки Темурий” асосида иккита мустақил асар вужудга келган ва уларнинг кейинги асрларда тарқалиши билан боғлиқ ўзига хос тафсилотлар бор.

Дастлаб “Тузуки Темурий” нусхаси ҳақида. Ҳиндистонда яшаган инглиз зобити майор Деви 1779 йилда уни Англияга олиб келган. Сўнгра араб тили профессори,

---

ливанлик олим Мазҳар Шиҳобнинг “Темур” номли китобидан “Т.т” ҳақидаги маълумотларни келтирган холда Яман ҳокими Жаъфар Пушанинг 1607 – 1612 йилларда хукмронлик қилган усмоний турк ҳокимларидан бири эканлиги ҳамда унинг илм-маърифатни қадрловчи ўта зиёли иисон бўлгани хусусида қизиқарли маълумотларни келтирган. (“Соҳибқирон юлдузи” газетаси, 1997, №17, 18, 19)

<sup>306</sup> *Бўрибоя Аҳмедов*. Журнал. Шарқ машъали. “Темур тузуклари” тарихий манба сифатида.” Тошкент, 1992, 1 ва 2-сонлари.

<sup>307</sup> *Муҳаммад Ашраф* – кўпгина каталогларда унинг исми Муҳаммад Афзал шаклида берилган.

<sup>308</sup> *Темур тузуклари*. Тошкент, 1996 йил, 4-бет.

инглиз майори Уайтга кўриб чиқиши учун топширган. Уайт "Тузуки Темурий"нинг форсча матнини нашрга тайёрлаган, майор Деви эса уни инглизчага ўгирган ва кўрсаткич, изохлар билан таъминлаган. Асар матни ва инглизча таржимаси 1783 йили Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида нашр этилган<sup>309</sup>.

Бизнинг фикримизча, айнан шу нашр дунё мамлакатларига кенг тарқалган ва "Тузуки Темур" ва "Тузуки Темур" номи билан шухрат топган асардир. Чунки, Оксфорд нашри кейинчалик хеч бир ўзгаришсиз, фотомеханик йўл билан жаҳоннинг кўплаб шахарларида чоп этилди. Масалан, 1785 йили Калкутта<sup>310</sup>, 1868, 1963<sup>311</sup> ва 1992 йилларда Техрон, 1890 йили Бомбей ва бошқа мамлакатлар. Бу нашрлар кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўрта Осиёга ҳам тарқалган.

Майор Уайт ва Деви нашр этган форсча матндан таникли шарқшунос Л.Ланглэниңг француз тилига ўгирган таржимаси 1787 йили Парижда чоп қилинди<sup>312</sup>.

1892 йили Л. Ланглэниңг французча нашридан Н.П.Остроумов раҳбарлигида Тошкент гимназиясининг бир гуруҳ талабалари асарни рус тилига таржима қилдилар<sup>313</sup>.

1968 йили И.М.Мўминов, қисқа сўзбоши билан Н.П.Остроумов нашрини факсимиле тарзида қайта чоп эттириди<sup>314</sup>. 1992 йили мазкур нашр асосида Тошкентда қайта нашр этилди.

Асарнинг Деви ва Уайт нашри асосида чиқарилган тошбосма ва нашрлардан бири асосида мархум домла

<sup>309</sup> Institutes, political and military, by the great Timour, Oxford, 1783.

Institutes, political and military, by the great Timour written... by the great Timour...; first translated into Persian by Aby Taulib Alhusseini, and then into English, with... notes by Major Davy... The whole work published with a preface, indexes... By J. White, Oxford, 1783. Мазкур асар сўзбошида Турбатий нусхасининг майор Деви томонидан Англияга келтирилиш ҳакида қизиқарли тафсилотлар бор.

<sup>310</sup> Institutes, political and military by the great Timour in Persian and English, Calcutta, 1785.

<sup>311</sup> Тузук-и Темурий. Техрон, 1342/1963.

<sup>312</sup> Instituts politiques et militaires de Tamerlan... traduits... sur la version persane d' Abou-Taleb-al-Hosseini... par L.Langles, Paris, 1787.

<sup>313</sup> Уложение Тимура (Тамерлана). Под редакцией Н.П.Остроумова, Казань, 1894.



Алихонтўра Соғуний 1967 йили Тошкентда “Тузуки Темур”ни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилган ва “Гулистон” журналида таржиманинг факат 30 фоизи эълон қилинган<sup>315</sup>. Асар тўлиқ чоп этилмаганлигининг сабаби ва биз томондан ўзбек тилига қилинган яна бир таржима хусусида академик Бўрибой Аҳмедов фикрларини келтиришни лозим топдик: “...ўша вактда жамиятимиздаги мавжуд ахвол, аникроғи расмий ҳокимият маъмурларининг ўтмиш тарихимизни ўрганишга бўлган ёмон муносабати натижасида Алихонтўра Соғуний таржимаси тўла тарзда босилиб чиқмади. Яна шуни ҳам қайд этмоқ лозимки, таржиманинг босилган қисми баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас эди. Унда, масалан, айрим жумлаларнинг ташлаб кетилгани аниқланган, асл матндан четга чиқиш ҳоллари мавжуд; киши номлари, жўғрофий атамаларда ва истилоҳларда ғалатликлар бор. Муҳим тарихий воқеалар, тарихий шахслар, жўғрофий ва этник номлар, турли атамалар ва уларнинг шарҳлари эркин талқин этилган. 1990 йилда Алихонтўранинг ўша нашрини “Тузуки Темур”нинг Бомбейда чоп этилган форсча матнига солиширган ҳолда ўзбек тилига яна бир таржима амалга оширилди. Уни ёш ўзбек шарқшуноси Ҳабибулла Кароматов ҳозирлаб, олдин “Шарқ юлдузи” жаридасида (Тошкент, 1989, 8-сон), сўнгра алоҳида китоб ҳолида (1991) Faafur Fuлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр эттириди”<sup>316</sup>.

Бизнинг таржимага ҳаммуаллиф бўлиб қолганимиз қисқа тарихи эса қуйидагича бўлган: 1988 йили “Шарқ юлдузи” журналининг таҳrir ҳайъати Алихонтўра Соғуний таржимасининг тўлиқ бир нусхасини домла Бўрибой Аҳмедов орқали бизга топшириб, нашрга тайёрлашни сўради. Табиийки, таржимани эълон қилиш учун уни аслий форсий матн билан солишириб чиқиш керак эди. Биз “Гулистон” журналининг 1967 йил 2-сонидаги таржимон сўзбошисидан домла Соғуний асарнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси) кутубхонасида сақланаётган нусхасидан фойдаланганликларини аниқладик. Диний

<sup>314</sup> Уложение Темура. Изд-во “Фан”, 1968.

<sup>315</sup> Темур тузуклари. Алихонтўра Соғуний таржимаси. “Гулистон”, 1967.

<sup>316</sup> Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоклар. Тошкент, 1994, 361-бет.

башқармага бориб, масъул ходимлардан сўраб-сурештири-дик. Бироқ, мазкур нусхани топа олмадик. Сўнгра, домланинг қуидаги мисраларини ўқидик:

*Бизга етмамишdir асл нусхаси,  
Вале етди форсчаси, босмаси.*

Демак, форсча босма матн таржима учун асос қилиб олинган экан деган фикрда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сакланадиган 1785 йил Калкутта, 1868 йил Техрон ва 1890 йил Бомбей нашрларини мазкур таржима билан солиширидик. Таржима матни форсий аслиятдан анча фарклангани боис Бомбей нашри асосида қайтадан ўзбек тилига ўғирдик ва оғир қатағон даврида ўзбек ҳалқига Амир Темур тўғрисидаги ҳақиқатни етказишга интилган иқтидорли олим Алихонтўра Соғуний номларини хурмат юзасидан ўз таржимамизга биринчи ўринга қўйдик. Ушбу 1967 йилда бошланган хайрли ишни ниҳоясига етказиб, марҳум домланинг руҳи покларини шод эта олдик, дея умид қиласиз.

Асарнинг “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган таржимаси асосида 1991 йили Боку ва Алматида ҳам “Темур тузуклари”нинг қозоқ ва озарбайжон тилларидаги таржима китоблари нашр этилди<sup>317</sup>.

2000 йили шарқшунос Ҳамидулла Кароматов асарни Бомбей нашри асосида биринчи марта форс тилидан рус тилига таржима қилди<sup>318</sup>.

“Тузуки Темурий”нинг Субҳон Бахши (Дехли, 1855) ва Мухаммад Фазл ул-Ҳақ (Бомбей, 1908) тарафларидан амалга оширилган урдуча таржималари ҳам мавжуд.

Кўриниб турганидек, “Тузуки Темурий” сифатида танилган айнан Деви ва Уайт нашри дунёнинг турли бурчакларида қайта-қайта нашр этилган ва илмий доирада ишончга киргани боис жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Энди эса, “Малфузоти Темурий”, “Воқеоти Темурий” ва бошқа номлар билан танилган ва кўпинча адашиб

<sup>317</sup> Амир Темир аманату. Алмату, “Жазушу”, 1991 йўл. Эмир Темурун вэссијатлари, Баку, 1991.

<sup>318</sup> Уложение Темура. Перевод с персидского Ҳамидуллы Кароматова. Автор предисловия, примечаний и комментариев Б.Ахмедов. Ташкент, 1999.

“Тузуки Темурий”га нисбат бериладиган асар нусхаси-  
нинг юзага келиши тўхталсак.

Араб олими Мазҳар Шихоб “Темур” номли китобида “Тузуки Темур”нинг юқорида эслатилган инглиз ва фран-  
цуз тилидаги нашрларнинг сўзбошларини ўрганиш асо-  
сида шундай ёзган: “Ва ниҳоят Амир Темур малфузот-  
ларининг Абу Толиб ал-Хусайний томонидан қилинган  
ушбу таржимасидан форс тилига ўгирилган бошқа икки  
нусхаси топилгунга қадар бу ҳол шу зайлда давом этди.  
Улардан биринчи нусхани Ҳиндистонда хизматда бўлган  
инглиз зобитларидан бири Дехлига мўғул-мусулмон сул-  
тонлари набираларининг биридан олишга муваффақ бўла-  
ди. Шу боисдан ҳам мазкур нусха Султоний нусха (нус-  
хай Имперотурия) номи билан аталади. Малфузотнинг  
иккинчи нусхаси ҳам Дехлидан топилиб, уни ҳам инглиз  
генералларидан бири Британияга олиб кетади. Янги то-  
пилиб, 1830 йилда Англияга олиб келтирилган иккала  
нусханинг қимматли томони шунда эди, бу икки нусха  
Амир Темурнинг малфузотларини тўла-тўкис қамраган  
бўлиб, улар Соҳибқирон ҳаётининг охирги йилигача  
ҳикоя қиласади.

Амир Темур малфузотларини Абу Толиб ал-Хусайний  
бажарган форсча таржимасини инглиз тилига ўги-  
ришда (1830 йил) қатнашганлардан бири Чарльз Стюарт  
кейин топилган янги иккинчи нусха Британияга келти-  
рилгач, танишиб чиқиб, улар бир таржиманинг икки  
нусхаси эканлигини аниқлади. Бу таржима муаллифи  
Ҳиндистонда салтанат юритган Темурий сultonлар дав-  
лати ҳокимларидан бири бўлган Шоҳжаҳон(1627 – 1658  
йиллар) даврида подшоҳ саройида хизматда бўлган ман-  
сабдор шахслардан бири Мухаммад Хифз ал-Бухорий  
эди. ..Мутаржимнинг ёзишича, ушбу таржимани у 1670  
йилда амалга оширган..Мухаммад Хифз ал-Бухорий ўз  
таржимасининг муқаддимасида ишорат қилиб кетган янги  
(султоний) нусхага киритилган аксар қўшимчалар Ша-  
рафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан олин-  
ганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин<sup>319</sup>.

Хулласи калом, Мухаммад Афзал Бухорий қайта иш-  
лаган ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си

<sup>319</sup> Убайдулла Уватов. “Соҳибқирон юлдузи” газетаси, 1997 йил,  
№ 18.

асосида тўлдирилган “Малфузоти Темурий” деб номланган янги асар вужудга келди ва тарқала бошлади. Ҳозирда унинг кўплаб нусхалари жаҳоннинг қатор мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Шарқ кўлёзмалари каталогларининг тузувчиларидан баъзилари ҳам уни “Тузуки Темурий”дан фарқли ўлароқ “Малфузот” эканлигига ишора қилганлар<sup>320</sup>. Албатта, номланиши “Воқеоти Темурий”, “Танзимоти Темурий” ва бошқа шаклларда ҳам учрайди. Ундан ташқари кейинги асрлардаги гохида тўла, гохида нокис нусхаларида хаттотлар томонидан ўзбошимчалик билан киритилган кўплаб тўқималар, биринчи нусхаларда бўлмаган воқеалар тафсилотлари ҳам учрайди.

“Малфузоти Темурий”дан қатор таржималар амалга оширилди. 1830 йили Англияда майор Чарльз Стюарт уни инглиз тилига ўғирди<sup>321</sup>. Унда Амир Темур ҳаётининг 39 ёшигача воқеалари акс эттирилган.

XIX асрда Ўрта Осиёда “Малфузоти Темурий”нинг форсийдан эски ўзбек тилига қилинган уч таржимаси пайдо бўлди. Шарқшунос Стори каталогида келтирилган маълумотта кўра, улардан бирини 1251 (1836 – 1836) йили Кўқон хони Мухаммад Алихон (1822 – 1841)нинг буйруғига биноан Хўжанд қозиси Набижон Маҳдум Хотиф амалга оширган. Таржима форс тилидаги нокис нусхадан қилинган ва Амир Темурнинг 39 ёшгача воқеалари келтирилган. Ҳозир бу кўлёзма Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда, D 193<sup>322</sup>.

Бошқаси, Хивада Муҳаммад Юсуф ар-Рожий томонидан 1273 (1856 – 1857)йили “Тузуки Темурий” номи билан таржима қилинган ва яна бири “Қиссаи Темур” ва “Малфузот” номлари билан маълум бўлган Паҳлавон Ниёз Девон тарафидан 1274 (1857 – 1858) йили Хивада ўғирилган асар. Ҳар иккала нусха Санкт-Петербург шахрида М.Е.Салтиков-Щедрин номидаги халқ кутубхонасида т.н.с 103 ва т.н.с. 107 рақамлари билан сақланмоқда.

<sup>320</sup> Ч.А.Стори. Персидская литература. (Био-библиографический обзор). Т.2, Москва, 1972, 795 – 796-бетлар.; Ръё, т.1, стр.178 ва бошқалар.

<sup>321</sup> The Mulfuzat Timury, or Autobiographical Memories of the Moghul Emperor Timur... translated... by C.Stewart, London, 1830 (until 777/1375 – 76 ).; Ч.А. Стори... т.2. стр 795, Ръё..т.1, стр.178 ва бошқалар.

<sup>322</sup> Ч.Стори... Т.2., стр.794.



Набијон Маҳдумнинг кўплаб хатолари бор эски ўзбек тилидаги таржимаси асосида рус шарқшуноси Н.П. Остроумов Туркистон генерал-губернатори барон А.Б. Бревски ёрдамида "Малфузот" нинг туркий матнини 1891 йили Тошкентда нашр этди<sup>323</sup>.

Н.П. Остроумов нашри асосида "Малфузот" рус шарқшуноси Нил Ликошин тарафидан 1894 йили Тошкентда рус тилига таржима қилинди<sup>324</sup>. 1934 йили Москвада рус олими В.А. Панов томонидан Остроумовнинг мазкур нашри асосида "Малфузот" нинг янги таржимаси нашр этилди<sup>325</sup>.

1992 йили Тошкентда таникли шарқшунос Ашраф Аҳмедов Н.П. Остроумов нашрига таянган ҳолда Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" сининг танқидий матнidan фойдаланиб, "Малфузот" нинг ўзбек тилидаги замонавийлаштирилган эркин табдилини амалга оширди<sup>326</sup>.

Ниҳоят, "Малфузот" нинг Ўрта Осиёда амалга оширилган эски ўзбек тилидаги таржималари асосида, сўнгги йилларда, Ўзбекистон олимларидан Х.Бобобеков, Х.Бобоев, А.Курунбеков томонидан "Тузуки Темурий" (иккинчи қайта нашрига "Зафарнома" деб ном қўйилган) ҳамда "Қиссаи Темур" ("Малфузоти Темурий") номли китоблар чоп этилди<sup>327</sup>.

"Тузуки Темурий" ва "Малфузоти Темурий" нинг нашр этилиши масаласида маълум чалкашликлар бор. Қуйида шу муаммо хусусида баъзи бир мулоҳазаларни келтирмоқчимиз.

1. "Темур тузуклари" номи билан турли манбалар чоп этилаяпти. Бу эса чалкашликни вужудга келтироқ-

<sup>323</sup> Амир Тимур. Обстоятельства его жизни, походы, остановки, сражения и мир. Туркский текст, изданий Н.П. Остроумов. Ташкент, 1891.

<sup>324</sup> Автобиография Тамерлана. Перевод с тюркского Нила Лукошина. Ташкент, 1894.

<sup>325</sup> Автобиография Тимура. Богатырские сказания о Чингизхане и Аксак-Тимуре. Перевод с тюркского и джагатайского языков, вступительная статья и комментарии В.А. Панова. Москва, 1934.

<sup>326</sup> Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Ўз ахвол ва атвори, юруш ва кўниши, мусолиҳа ва муҳориба воқиъотини туркий лугот бирлон ёзғон китоби (таржима ҳол). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – т.ф.д. Ашраф Аҳмедов. Тошкент, Нур, 1992.

<sup>327</sup> "Тузуки Темурий" (Тошкент, 1999. Сўзбоши, табдил, лугат ва изоҳ муаллифлари Х.Бобобеков, Х.Бобоев, А.Курунбеков), иккинчи қайта нашрига "Зафарнома" деб ном қўйилган, Тошкент, 2000 йил) ва "Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур" ("Малфузоти Темурий"). Тошкент, 2000 йил.



3) "Малфузот"нинг дунё бўйича тарқалган жуда кўплаб нусхалари бор. Вазифа:

а) ишончли нусхаларини жамлаб, танқидий матнини яратиш;

б) ушбу танқидий матнни тайёрлашда темурийлар даври асл манбаларидан қиёсий фойдаланиш. Масалан, Шарафуддин Али Яздининг "Зафарнома"си билан солишириш ва Мухаммад Афзал Бухорий меҳнатини илмий баҳолаш учун унинг асл манбалардан қай даражада фойдаланганлигини текшириш. Ёки Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муъиний" асари билан қиёслаб ўрганиш.

4) "Тузукоти Темурий" ва "Малфузоти Темурий" турли мустакил асарлар эканлиги ҳақида узил-кесил илмий хулоса чиқариш. Бу хулосани эса юқоридаги ишларни амалга оширгандан сўнг қилиш мумкин бўлади.

5) "Темур тузуклари" турли номлар остида тарқалган. Масалан, "Тузукоти Темурий", "Тузуки Темур" ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган ишлар амалга оширилгач, асарнинг битта аниқ номланишини илмий таомилга киритиш.

Олимларимиз олдида юқоридаги муаммоларни ечиш билан боғлиқ бошқа қатор долзарб вазифалар ҳам туриди. Мисол учун, хорижий мамлакатлар кутубхоналари ва қўлёзма хазиналаридағи "Темур тузуклари" ва "Малфузот" нусхаларини ўрганиш ва жамлаш учун илмий экспедициялар ташкил қилиш ва бошқалар.

Зикр этилган ишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда "Темур тузуклари"ини ўрганиш билан боғлиқ кўп масалаларга аниқлик киритади. Ўйлаймизки, мазкур муаммонинг ечими умуман "Темур тузуклари" га дахлдор кенг қўламдаги мауммоларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради.

*Ҳабибулла Кароматов*

## МУНДАРИЖА

Мұхаммад Али. Буюк обидага әктиром ..... 3

### Темур тузуклари Бириңчи мақола


Табдирлар ва кенгашлар . . . . .	12
Түглук Темурхон билан учрашганимдан сүнг күнглигінде келген бириңчи кенгашим . . . . .	17
Давлат қуриш олдидан күлгін иккінчи кенгашим . . . . .	18
Үз салтанатимни тузиш йўлида күлгін учинчи кенгашим . . . . .	22
Салтанатимнинг дастлабки даврларида күлгін тўртинчи кенгашим . . . . .	23
Хуруж кунлари күлгін бешинчи кенгашим . . . . .	25
Хуруж вақтида күлгін олтинчи кенгашим . . . . .	26
Хуруж кунлари күлгін еттинчи кенгашим . . . . .	28
Жета лашкарини синдириши максадида күлгін саккизинчи кенгашим . . . . .	30
Салтанатни тиклаши йўлидаги тўққизинчи кенгашим . . . . .	31
Салтанатимни мустахкамлаш учун күлгін ўнинчи кенгашим . . . . .	32
Салтанатга ривож бериш учун күлгін ўн бириңчи кенгашим . . . . .	33
Лашкаримни иттифоқка келтириш учун күлгін ўн иккинчи кенгашим . . . . .	34
Жета ва Илесхожа лашкарига шикаст етказиш ҳакида күлгін ўн учинчи кенгашим . . . . .	36
Мени қўлга туширмоқчи бўлган Амир Ҳусайннинг макру хийласидан кутулиш учун күлгін кенгашим . . . . .	43
Туронзамиинни ўзбеклар тоифаси қолдикларидан тозалаш учун күлгін кенгашим . . . . .	44
Менга ҳар турли ёмонликлар килиб чўчиб юрган ва килмишлари учун «Мени ўлдиради» деб вахимада бўлғанларни ўзимга эл килиб олиш бобидаги кенгашим . . . . .	46
Хуросон пойтахти (Ҳирот)ни олиш бобида күлгін кенгашим . . . . .	46
Сеистон, Қандахор ва Афғонистон мамлакатларини забт этиш ҳакидаги бошқа кенгашим . . . . .	47
Ўрусхонни бартараф килиш ва Даشتни Кипчокни босиб олишда күлгін кенгашим . . . . .	48
Гилон, Журжон, Мозандарон, Озарбайжон, Ширвон, Форс ва Ироқ мамлакатларини забт этиш бобида күлгін кенгашим . . . . .	48
Форс пойтахти (Шероз)ни ва Ироқнинг қолган кисмини забт этиш бобидаги кенгашим . . . . .	49
Тўхтамишхонга шикаст етказиш бобида күлгін кенгашим . . . . .	50



Доруссалом (Боғодод)ни ва араб Ирокини забт этиш тўғрисида- ги кенгашим . . . . .	51
Тўхтамишхонни йўқотиш учун килган кенгашим . . . . .	52
Хиндистонни забт этиш учун килган кенгашим . . . . .	53
Хиндистон пойтахти (Дехли)га лашкар тортиш борасида кил- ган кенгашим . . . . .	54
Хиндистонга олиб борадиган йўлни афғонлардан тозалаш учун килган кенгашим . . . . .	55
Дехли хокими Султон Махмуд ва Маллухонларни енгиш боби- даги кенгашим . . . . .	56
Гуржистон мамлакатини эгаллаш учун килган кенгашим . . . . .	57
Миср ва Шом (мамлакатлари)ни фатҳ этиш бобида қилган кенгашим . . . . .	58
Рум мамлакатини забт этиб, Қайсар лашкарини синдириш бо- бида қилган кенгашим . . . . .	60

### Иккинчи мақола

«Мамлакатларни фатҳ этгувчи...» . . . . .	62
Менинг даргоҳимга илтижо қилиб, паноҳ истаб келган турку тоҷик, арабу ажам тоифаларидан бўлғанлар хақидаги тузугим . . . . .	79
Салтанатни ўз эркимда саклаш учун амал килган тузугим . . . . .	80
Сипоҳ сақлаб туриш тузуги . . . . .	83
Сипоҳга улуфа бериш тузуги . . . . .	83
Сипоҳга танҳох ва улуфа таксимлаш тузуги . . . . .	84
Ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тузуги . . . . .	86
Ўғиллар, набиралар, қавм-кариндошлар, амирлар ва вазир- ларни жазолаш йўли билан салтанатда интизом саклаш хақида тузук . . . . .	87
Вазир тутиш тузуги . . . . .	89
Амирлик ва ҳукмдорлик тузуги . . . . .	94
Сипоҳийларни энг қуий даражадан олий мартабагача кўтариш тузуги . . . . .	95
Амирлар, вазирлар, сипоҳийлар ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом-совғалар ва мартабалар бериш тузуги . . . . .	97
Катта ногора ва байроқ ато этиш тузуги . . . . .	100
Сипоҳнинг ярок-жабдуқлари ва анжом-жиҳозлари тузуги . . . . .	101
Урушда ва тинчликда сокчилик килиш ва мажлис-йигинларда хозир бўлиш тузуги . . . . .	102
Вазирларнинг хизмат килиш тузуги . . . . .	103
Улуслар, кўшинлар ва туманларнинг амирларини тайинлаш тузуги . . . . .	105
Навкарнинг бегига ва бекнинг навカリга муомала килиш тузуги . . . . .	106
Дўсту душманга муомала килиш тузуги . . . . .	109



Салтанат саройида ўлтириш ва ўрин олиш тузуги . . . . .	111
Мамлакатларни забт этиш тузуги . . . . .	112
Салтанатни идора қилиш тузуги . . . . .	115
Мулку мамлакат, сипоху раият ахволидан хабардор ва огох бўлиб туриш тузуги . . . . .	117
Турли мамлакатлар ахолисига муносабат, уларнинг ахволидан хабардор бўлиш хамда авлиёлар ва дин пешволарининг мозорларини тузатиш, вакф ва назр ишларини тартибга келтириш тузуги . . . . .	118
Раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуги . . . . .	120
Жангу жадал, уруш майдонига кириш, қўшинни сафлаш вағаним лашкарини синдириш тузуги . . . . .	123
Зафарли сипохий фавжларни ушбу тартибда сафга тизиш тузуги . . . . .	126
Кирқ минг отликдан ортиқ сипоҳ фавжларини сафга тизиш тузуги . . . . .	131
<i>Пиримқул Қодиров.</i> Маънавиятимиз тарихида «Темур тузуклари»нинг тутган ўрни . . . . .	135
<i>Ҳабибулла Кароматов.</i> «Темур тузуклари»ни Ўзбекистонда ўрганилиш муаммолари . . . . .	146

**“Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг”  
компанияси ҳамда “Шўртангаз” кимё  
мажмуаси ҳомийлигида чоп этилди.**

**ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ**

**ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2005**

**Мухаррирлар *И. Шоймардонов, Д. Исмоилова*  
Бадиий мухаррир *Б. Бобожонов*  
Техник мухаррир *Д. Габдрахмонова*  
Мусаххилар *Н. Охунжонова, Ж. Тоирова, М. Зиямухамедова***

**Босишга руҳсат этилди 13.03.05. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . «Петербург»  
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 8,4. Нашриёт-хисоб  
табоги 8,0. Адади 10000 нусха. Буюртма № 1096. Бахоси келишилган  
асосда.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси.  
700083. Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**